

Хити  
3-88

ВОҲИД ЗОҲИДОВ

263684

# ОЛАМ БЕЗАГИДИР ОДАМ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1976


**Зоҳидов В.**

Олам беагадир одам. Т., «Ёш гвардия»,  
1976 (С).  
143 б. расм.

**Захидов В.** Қраса мира — человек.

ИМИ7

Совет ватанпарварлиги, интернационал дўстлик, меҳнатга муқаббат, ота-онани эъозлаш, кенг маънода маданиятли бўлиш, оила бурчи, кишиларни турмушнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш, айрим одамлар онгидаги ва хулқидаги эскилик сарқитларини тугатиш учун кураш, гўзалликни ардоқлаш масалалари академик олим ва ёзувчи Воҳид Зоҳидовнинг мазкур китобидаги сиёсий ва бадиий публицистик мақолаларнинг асосий мавзудир.



3 10507—417 5—76  
356 (06)—76

© Издательство «ЁШ ГВАРДИЯ», 1976 г.





Тарихда биринчи бўлиб улуғ Ленин партияси ҳоким принципга ва ҳаёт ҳақиқатига айлантирган қонунча, олам зийнатидир одам, коинот безагидир одам, ҳар нарса одам учундир ҳар дам!.. Шу билан тақозо қилинган ҳолда одам ҳар жиҳатдан, яъни билими, ғояси ва меҳнати билан, муомаласи ва истаклари билан, хулқи ва кийими билан, юз ифодаси ва юриш-туриши, интилишлари билан гўзал бўлмоғи лозим. Ахир, биз энг гўзал жамият — коммунизм қурмоқдамиз!.. Шунга муносиб ва сазовор бўлмоқ лозим. Шу билан ўзини ва ўзгаларни бахтиёр этмоғи лозим...



Бу мақолада Алишер Навоий ҳаётида содир бўлган, ҳозирга қадар илмимизда тилга олинмаган бир катта фожиа ҳақида ва ундан хабар бериб буюк шоирнинг ўзи ёзган хати ҳақида сўзламоқчиман.

Аввало, унинг ижтимоий илдизлари борасида бир неча сўз.

Киши кучидан харом фойдаланиш, меҳнат аҳли яратган моддий бойликни ўғриларча ўзлаштириб, унинг асосий қисмини шу меҳнат аҳлига қарши турган кичик бир гуруҳ мулкига, шу меҳнат аҳлини тутқинликда тутиш одатига айлантириш, уни ҳар нарсадан юқори қўйиб, одам қадр-қийматини у билан ўлчаш ва рад этиш, поймол қилиш асосига қурилган, шундай бойлик ва унинг шундай эгалари ҳоким бўлган жамиятда адолатсизлик, ноинсофлик, нонкўрлик кенг қанот ёйган, ҳоким принцип даражасига кўтарилган бўлади, шундай жамият тақозо қилган ва яратган олчоқлик аломати ва иллатлари ҳисобланади.

Темамиз билан алоқадор бўлган ва шу давр ҳоким табақалари муҳити ҳамда ҳаёти учун — феодал этикаси учун характерли бўлган ихтилоф ва қонли можаролар бунга яққол мисол бўла олади.

Инсонийликка иснод келтирадиган хулқ-атвор, бузуқлик ва беҳаёлик, шармандалик ва йиртқичлик, муно-

фиқлик, душманлик ва зўравонлик шу қадар авж оладики, ҳатто ўғил отани, ота ўғилни ўлдиришга тайёр, қариндошлар ва дўстлар бир-бирини ҳалок қилишга ҳозир. Бунинг устига, «яхшиликка ёмонлик» ҳам ўша давр, ўша муҳит, ўша ҳаёт учун энг характерли хусусият бўлади.

Навоий даври шундай эди. Шунинг учун ҳам уни Навоий, шоирнинг ўз таъбирича, «уч талоқ» қилади. Бу, оташин гуманист учун қонуний бир ҳол эди. У бошқача ҳаракат қилиши ҳам мумкин эмас эди.

Зотан, шоирнинг ажойиб инсонпарвар ва ҳалқпарвар Фарҳоди ҳоким зулм ҳамда зўравонликка қарши курашади ва дейди:

Бировким зор йиғлаб, йиғлаб ул зор,  
Топиб кўнгли эл озоридин озор...  
Бўлиб эл андуҳидин кўнгли ғамноқ,  
Яқо чокин кўриб, кўксин қилиб чоқ.

Шунинг учун уни катта бойлик ва сохта севги, олчоқ хирс ва ҳавас орқасидан қувган давр Хисрави ҳалок этади. Хисравни эса, худди шундай олчоқ маъқадди ўғли ўлдиради:

Ато қониға тиғин ранг қилди.

Зотан, Навоий Лайлиснинг отаси бой ва шу асосда катта мавқели. Шунинг учун ҳам Лайлининг, ҳам Мажнуннинг баҳордек гўзал ва булоқ сувидек соф севгисини рад этади:

Билмангму шуқуҳи савлатимни,  
Аъроб аро молу шавкатимни!  
Ҳам ўғлунга, ҳам сенга билурмен,  
Ким, ҳар не қилай десам қилурмен.

Рад этибгина қолмай, ҳам ўз қизини, ҳам унинг ҳаёти маъноси бўлган севгисини, ҳам уларнинг севгисини ҳалок қилади.

Зотан, халқнинг ажойиб одоби ва орзусини ифода-лаб, буюк мураббий Навоий деди:



Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Тун-кунунга айлагали нурпош,  
Бирисин ой англа, бирисин куёш.

Юқорида — даврга ҳоким зўравон ва боёнлар ҳаёти ҳамда хулқида эса тамомила аксича.

Ҳукумдор шоҳ ва шаҳзодаларни на ғамнок халқ ҳаёти ва на хароба мамлакат аҳволи қизиқтирарди. Тахт ва бойлик талашиш, фитна ва бузуқ базм билан машғул бўлиш, шу йўлда ота шоҳ билан ўғил шаҳзоданинг бир-бирларини қатл қилишга қадар боришлари одат эди:

Иккисиға кин ўти солғай ғазаб,  
Ул ўт қон ичарға қилиб ташна лаб.  
Ато жон бериб, ўғлин ўлтурғали,  
Ўғил ҳам анга тиғи кин сурғали.  
Қариндош топса қариндошини,  
Дамодам тилаб кесғали бошини,  
Тушуб ошноларға бегоналиқ,  
Кетиб ҳамнишинларға ҳамхоналик.

Улуғ гуманист ва тинчликсевар шоир дод солади, фарёд қилади. Даврнинг бу юқориларда зикр этилган ҳоким фожиасининг олдини олмоқчи, унга хотима бермоқчи бўлади, мамлакат, халқ ва ўзининг бошига бало тошларини ёғдираётган бу фожианинг боисчилари ҳамда ташаббускорларини тўғри йўлга солмоқчи, шу билан барчага яхшилик қилмоқчи бўлади. Умуман мамлакатда инсоф ва адолат ўрнатмоқчи бўлади, ҳамманинг инсофли ва адолатли бўлиши зарурлигини овозининг борича тарғиб ва ташвиқ қилади. Лекин олчоқ ва ғаддор замон ундан зўр чиқади, унинг руҳини тирнайди, яхшилиги ва вафодорлиги эвазига унинг дилини жафо тиглари билан қон қилади:

Сабза дедим, санчти наштар мени,  
Лаъл дедим, ўртади аҳгар мени.  
Лола дебон кўксума кўрдум тугон,  
Гул тилабон кўнглума топтим тикон.

Кимки анга айламадим жон дариг,  
Қилмади жавр ончаки имкон дариг.  
Ҳар кишиким, қўйдум аёғига бош,  
Жола киби бошима ёғдурди тош.  
Чарх соғинмишки эрур юз бошим,  
Войки, юз тош ила ёлғуз бошим.

Бундай фожиа, бундай алам Навоийнинг ўз шахсий ҳаётида ҳам бўлди. Угли томонидан. Ҳа, ўзининг фарзандим деб беҳад севгани томонидан. Бу фожиа ўша машъум феодал даври фожиасининг яққол тимсоли бўлиб, шу давр фожиасининг бир шахс сиймоси ҳамда хулқ-атворидаги зуҳури, индивидуаллашган инъикоси, ифодаси эди.

Буни Навоий ўзининг ғоят қимматли «Муншаот»ида ўзининг ўта трагик ва мураккаб, кўпқиррали ва азобуқубатли ҳаёти лавҳаларини акс эттирган мактублари мажмуасидаги хатларидан бирида баён қилади.

Масала шундаки, Навоий бир одамни олам-олам орзу-умидлар билан ва беҳад севиб кичиклигидан фарзандликка олади. Унга қўлидан келган ҳамма яхшиликларни қилди, уни юксак даражада тарбиялаш ва бахтли қилиш учун ўзининг бутун ақли ва заковатини ишга солади. Уни билимдон ва обрўли одам қилиш учун барча шароитларни яратади, ҳар нарсани, жумладан ўз қобилиятини унинг хизматига қўяди. Лекин фарзанд ёмон чиқади. Сабр-тоқатли ва зўр иродали Навоий кўп йиллар мобайнида беҳад куйиб, уни ёмонлик, ноинсофлик ва нонкўрликдан қайтаришга, тўғри йўлга солишга қанчалик уринмасин, тузалмайди — меҳрибон улуғ зот қадрига етиш ва уни ардоқлаш ўрнига, унинг шунча қилган яхшиликларини қадрлаш ўрнига, унинг бошига ҳақорат ва маломат тошларини ёғдиравелади, «мен сендан (Навоийдан!) ақлиман, тутган йўлим тўғри, ундан қайтмайман, бўлганим шу» дегандай бузуқ ҳавас, разил нафс ва қабиҳ фиқс билан машғул бўлавелади, меҳрибон Навоийни қовуравелади, дўст-душман олида юзини қизартиравелади...

Хатда шу аччиг фожиа, шу беўлчов алам ифода-ланган, беҳад улуғ ақл эгаси Навоийнинг беҳад меҳр-муҳаббати, олижаноб орзу-умидлари ҳалокатининг даҳшатли азоблари баён этилган.

Хуллас, хат улуғ мутафаккир мураббийнинг, самимий дўст ва чексиз севучи меҳрибон отанинг дил қони ва кўз ёши билан ёзилган.

Мактубни Навоий адресатга қарата битилган қуйи-даги рубой билан — ўзига хос бўлган «кўпни озда жамул-жам қилиб ифодалаш» қоидасига амал қилиб, бошлайди:

Э нафс ҳавосига гирифтор ўлғон,  
Шайтон ишига ишинг намудор ўлғон,  
Ҳам зуҳд ила иззатқа сазовор ўлғон,  
Ҳам фисқ ила олам элиға хор ўлғон.

Шундан кейин Навоий мактубнинг асосий қисмига — бу тўртликдаги тезисларни батафсил баён этишга ўта-ди.

Эй саргардон, боши айланган, ўжар, деб ёзади На-воий, эй бахтсизликни бахт деб билган, тескари тушин-ган, бевош! Мен сени, ҳаётингни хўрлик ва хорликдан ҳалос этган эдим, саргардонлик дашти азобларидан қутқарган эдим. Уша вақтларда кичик бўлган бўлсанг ҳам лекин буларни эсдан чиқаришлик даражасида ки-чик эмас эдинг; бола бўлган бўлсанг ҳам, лекин булар-ни юракда сақлай олмаслик, унута олиш даражасида бола эмас эдинг.

Давом этиб дейди Навоий:

«Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф ва авқотим-ни сенинг муҳофазатингга масруф қилдим ва фарзанд-лигинг рақамини хотиримға муҳаррар ва оталиғ меҳр ва шафқатин, ҳолингга муқаррар эттим. Ою йилда бир кун, балки кечалик, кундузликда бир соат аҳволингдин гофил бўлмадим ва риоятинг қоидасин эл кўргудек туздум, балки кўрганлар рашк юзидин ҳасад егудек кўргуздум. Зоҳирингни аҳли зоҳир фунун ва фазойили

била ораста ва ботинингни аҳли ботин ҳақойиқ ва маорифи била пийроста бўлурға саъй қилдим, то рўзгоринг покиза ойин ва даъб ва шиоринг тавозеъ ва тамкин бўлиб, аҳвол ва афъолинг тақво ва тоат била маъмур ва иштиғол ва хисолинг одамийлиғ ва инсоният била машҳур бўлди ва подшоҳи исломнинг фирдавс ойин базмида илтифот ва эҳсонга абной рўзгордин мумтоз ва мулоямат ва инъомға аҳли замондин сарафроз бўлдинг. Шоҳзодалар мажлисида аржуманд ва озодалар суҳбатида сарбаланд ва ўз фанининг аҳли мутеъ ва фармонбардор, балки ходим ва шогирд кирдор ва бу фақирнинг (Навоийнинг — В. З.) фарзанди аржуманд кўрмоғим ва риоятингни авлод монанд, балки акбод пайванд маръий тутмоғим шоҳ ва гадо олдида возиҳ ва яхши-ёмон қошинда лойиқ бўлди».

Аммо, деб давом қилади Навоий, буларнинг қадрига етмадинг. Менга дили ачиган дўстларим маслаҳат бериб айтдиларки, ҳар қандай юмалоқ тошни тожга таққан билан фируза бўлмайди, ҳар қандай кўкимтир шишани буйингга осган билан зумрад ўрнини тутмайди. Душманларим таъна ва киноя билан қулоғимга бақиргандай дедиларки, ифлос сувни «оби ҳайвон»га (афсонавий тириклик суви), кечаси ялтирайдиган қуртнинг қора ташини порлоқ қуёшга айлантираман деб киши қанча уринмасин, оқибатда барибир аччиғ хижолат бармоғини тишлайди ва пушаймонликдан чапак чалиб қолади. Мен «фақирӣ ғофил» бунга, дўстларнинг сўзи ва душманларнинг таънасига қарамай, риоя қилмай, «сенинг тарбиятингға кундин кунга устуворроқ ва риоятингға лаҳзадин-лаҳза беқарорроқ эрдим», буни шу даражада қилдимки, фисоғурс ҳаким, Арасту, Абу Наср Форобий замониғача ва Хожӣ Абдулқодир «асриғача маълум эмаским, бу фанда ҳеч подшоҳ замонида бу фан аҳлидин ҳеч кимга мунча тарбият ва нашъу намо воқеъ бўлмиш бўлғайким, сенга воқеъ бўлди.

Аммо чун ишлар ўз еринда эмас экандур, боқиб тургунча оздинг. Рўзгоринг салоҳи фасодқа ёнди ва афёлинг покизалиги нопокликка айланди. Насиҳатни қулоққа солмадинг ва панд била маломатни қўнгулга олмадинг. Ҳолингдин хабардор қилгон сойи беҳабарроқ ва фисқу фужурингни манъ қилгон сойи батарроқ бўлдунг. Подшоҳи исломнинг мунча йилғи тарбиятин ва бу фақирнинг мунча вақтлиғ саъй эмгагини, ва узун йиллар тортгон риёзатингни нафси шум ҳавоси ба феъли мазмун муқтазоси била зойиъ қилдинг, ва дўстларнинг ҳам мулоямат била панду насиҳатин қулоғингга олмадинг ва душманларнинг ҳам шиддат ва шанъатин сариҳ ва киноят била истимоъ қилмадинг ва улуғларнинг ҳам ваид ва таҳдидин эскармадинг ва ҳақ субҳонаҳу ва таоло қошида дағи тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб, онтлар ичиб, борчани бузиб, тангри таоладин қўрқмадинг.

Ҳоло не сўзингга, не аҳдингга, не қавлунгга не онтингга эътимод қолибтур. Невчунки, ҳар қайсини борлар маълум қилибтур, ва синалибтур».

Ниҳоят, ёмонлиқларинг, бузуқлиқни қўймаслигинг ва ўжарлигинг оқибати шундай бўлдики, «отингни тўрт дафтардин чиқорилибтур: бири — мулозимлар дафтарида фарзандлик лақабидин, балки ошнолиқ исмидин; иккинчи — «Мажолисун — нафоис» дафтарида фазл ва табъ аҳли чаргасидин; учинчи — шаҳарнинг яхши ёмон, улуғ-кичиги қошида эрлик ва инсоният ва мусулмонлиғ ва ҳамият дафтаридин; тўртинчи — подшоҳи ислом ҳазратидаким, муборак тилларига ёмон дуонг ўтубдур. Ҳаёт аҳли дафтаридин сен мунча турфалигинг билаким, дин ва исломинг ўйин бузубсен ва мундоқ шариф ва азиз хотирларни ўзунгдин озурда қилмоқ била, айтса бўлурким, Қаъбани йиқибсен, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен».

(Қавс ичида шунини айтмоқ лозимки, Навоий бу ерда шоҳини, исломни, Қаъбани тарғиб қилмоқчи эмас, улар-

ни ўзича, яъни ижобий маънода тушуниб, талқин қилиб, улардан ўз мақсадини очиш, асослаш ва ёмонликнинг қанчалик ёмон, зарарли эканлигини таъкидлаш учун фойдаланмоқчи ҳам бўлади).

Мана энди мактубнинг охирига келдик. Уни Навоий қуйидаги сўзлар билан тугатади:

«Ғафлат ва нодонлигинг ул мартабадаким, буқъаи хайр ясамоққа ўзунгға бози бериб, битиб йиборурсенким, сени яхши йигит ҳаёл қилғайлар ва одами киши соғинғойлар. Бу таманнодин юз ҳайҳот ва бу муддаодин юз минг уёт! Сенинг мунча қилгонларинг муқобаласида мен дағи сазо ва жазо еткура олур эрдим, аммо икки жиҳатдин еткурмадим. Бири буким, мунча панд ва насиҳат ва ташниъ ва маломат ва онт ва аймон била бировким, мутанаббих бўлмамиш бўлса, бир неча изо ва азоб била ҳам бўлмагусидур, балки ул изо ва азоб еткурурда бу фақирнинг (Навоийнинг — В. З.) заъфлиғи миждоғига тараддуд ва ташвиш кўпрак етгусидур ва сенга худ тафовут қилмоғусидур. Яна бири буким, сен ҳар беқондалигимки, қилибсен, анга кура сазо ва жазо топибсенким, ул подшоҳи ислом ҳумоюн хотирининг ғубори ва мураббий ва вали неъматнинг ва сойир азизларнинг кўнгулларининг озоридурким, ҳар бири филҳақиқат юз ўлимдин ортуқтур, аммо бу маънидин сен ғофилсен.

**Эй ғофилу ғафлатқа вужудинг мағлуб,  
Мажмуи ёмонлиғ назарингда марғуб!»**

Қаранг: ҳоким адолатсизлик азоблари ва сарой даҳшатларидан, ғанимлар разиллиги ва элу юрт ғамидан бўғилган, ёқаси чок бўлган, фарёд қилган ва шундай шароитлардаги ижод азиятларидан бели букилган буюк шоирнинг, «қайнаб турган ёгдаги қил янглиғ қовурилдим» деган улуг зотнинг бошига бу «фарзанд» доғи ва алам ҳам бормиди!!! Яна, денг, отани қуёш, онани ой ҳисоблаш, таъзим қилиш, кўкка кўтариш ҳар бир фарзанднинг энг биринчи муқаддас вазифасидир, энг

биринчи зарур инсоний бурчидир, фазилатидир деб таъкидлаган ва шунга бутун дили, виждони, қатъияти ҳамда даҳоси, имони билан амин бўлган Навоий бошига!!!

Афсуски, бўлар экан-да!..

Кўпгина оддий одамларнинг ва катта ақл ҳамда инсоф соҳибларининг тақдирлари шундай аччиқ ва аламли бўлган эди. Бу, ҳақиқий инсонийликка, ақл ва инсофга душман ҳисобланган ижтимоий тузумларнинг қонуни даражасига кўтарилган иллати эди. Навоий давридаги тузум шундайлардан бири эди,— ақлга, илғор гоёли ижодга, элу-юрт манфаатларига, чин инсонийликка хилоф бўлган феодал-клерикал тузуми эди. Шу боисдан Навоийнинг номада зикр этилган фожиаси ҳам ўз даврида табиий бир ҳол эди.

Хуллас, беҳад меҳру муҳаббат билан ва шу туфайли яралган аччиқ аламу надомат билан тўла бу фожианома-мактуб ёмонликнинг, разилликнинг, манманликнинг, онкўрликнинг охири албатта ҳалокатли бўлишидан шаҳодат беради ва улур шоир Навоийнинг нақадар ажойиб инсонпарвар мураббий бўлганлигидан, нақадар меҳрибон ва масъулиятли, сабр-тоқатли, матонатли ота ҳиссиётига эга эканлигидан хабар беради.

Бу нома ҳам оталар учун, ҳам дилозор эскилик сарқитлари таъсирида бўлган ва ҳозирги ўта гўзал совет воқелигимизга доғ бўлиб кўринаётган баъзилар учун яхшигина сабоқ бўларлидир, албатта.

Айтайлик бу мақолада онкўр асранди ўғил ё қиз азоби ҳақида сўз кетди. Кейинги мақолада эса сўз яна ушал қабиҳ феодализм тузуми туфайли оталарнинг ўз фарзандлари томонидан қилинган онкўрлик ва ноинсофлик азобларини тортганликлари ҳақида кетади, айрим ёшлардаги шундай иллатларни қоралашга бағишланади.

9.V.70

Буюк гуманист ва мутафаккир ёзувчи Алексей Максимович Горький жуда катта донолик ва қатъият билан айтган эдики, ҳозирги, Совет давридаги ўта гўзал ҳаёт ва ажойиб фазилатларни қадрига етиш ҳамда ардоқлаш учун тарихни яхши билиш, кечмишдан, унинг даҳшатларидан чуқур хабардор бўлиш, сабоқ олиш зарурдир.

Бу ғоят қимматли ўғитда кўп ҳикмат бор, албатта.

Ҳа, ўшал ўтган замонлар ўта ғаддор, зулмкор ва зуғумдор эди. Зўравонлик ва зулмат билан тўла эди. Катта ўғрилик ва адолатсизлик ҳоким давлат принцип-ларига айлантирилган эди. Ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларни яратувчи, яъни бутун ижтимоий ҳаётни яратувчи миллионларнинг таланиши ва қашшоқлиги ҳоким қонун даражасига кўтарилган эди. Нонкўрлик ва беҳаёлик, нисофсизлик ва бемурувватлилик кенг қанот ёйган эди. Шу жумладан, фарзанд томонидан ота дилини вайрон қилиш ва она орзуларини парчалаш, ота ва она муҳаббати ҳамда қадр-қимматини топташ, «дўст» деб ҳисобланганларнинг ҳийласи, ҳиёнати, мунофиқларнинг шафқатсизлиги, адовати хос эди ўшал машъум замонларга.

Ҳа, бир қутбда олтин ва қотиллик, қаҳр ва фаҳш, базм ва безорилик, текинхўрлик, беҳаёлик, иккинчи қутбда эса қақшатувчи муҳтожлик ва хор-зорлик, кўз ёши ва харобалик турарди. Ўт билан сувдек бир-бирига зид тарзда.

Хуллас, у замонлар муҳофазасиз ва нотавон, иложсиз миллионларни ҳам эзарди, ҳам таларди, ҳам бузарди, яъни ҳали ҳеч нарсани билмайдиган топ-тоза болани эл юрт бошига битган балога айлантирар — эди, муттаҳам ва қотиллар, беномус ва қаттоллар етиштирар эди. Даҳшат!

...Ниҳоят, ўшал замонлар ва машъумликларга қа-



рата гениал Ленин миллионлар нродасн, истаги ва қатъиятини ифодалаб «Йўқ!», «Бас!» деди ва буни ҳаёт ҳақиқатига айлантирди. Янги тарих бошланди бизда, янги олам ва янги одам пайдо бўлди, ақл ва адолат тантана қилди. Бу бахтни ҳеч ўлчаб бўлармикан? Йўқ! Асло!

...Мана ўша ўта машаққатли кечмиш кулфатларини кўрган, ўша замонларнинг XVIII асри шоири бўлган жуда истеъдодли Мужрим Обид қандай ифодалади ва ўша замонлар қонуни ҳамда ғаддорлиги билан тақозо қилинган ўз фожиасидан қанчалик фарёд қилди, ёқа чок этди, ёш тўкди.

Бунга бевосита ўтишдан олдин шуни айтиб олай: Мужрим Обид жуда юксак дидли, нозик табиатли, гўзалликни беҳад севадиган, нафосатни чуқур тушуниб, ардоқлайдиган шоир бўлган. Реал ҳаёт ва чиройли табиатнинг ғоят зўр мафтунни ҳисобланган. Инсонни кўкларга кўтарган, ёр ҳусни ва латофатидан, шўхлиги ва назокатидан маст бўлган санъаткордир:

Ҳар сўзда ҳар бировга не ширин нуқоти бор,  
Бол томди оғзидинки тилинда наботи бор.

Тасхир бўлмаган киши қолмас бу даҳр аро,  
Ул шўхнинг бу навъда гар илтифоти бор.

Васлини истаган ўзидин қатъ этар ҳаёт,  
Андин кечар биравни, керакли ҳаёти бор!

Лекин юксак ҳамда соф инсоний ҳиссиётлар душмани бўлган машъум давр, ундаги адолатсизлик, қонун ва ҳокимлар гўзаллик ва шодлик ўрнига айрилиқ ва ғам бердилар шоирга, унинг дилини ўртовчи алам ва андуҳ тиғи билан тилдилар, қаҳр билан қон қилдилар, йиғлатдилар. Мужрим Обид шу қадар кучли ғазабга тўлиб ва жонидан тўйиб, ўша замон ва зўравонларнинг

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти», учинчи том, ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1959, 637-бет.

ёқасидан олмоқчи ҳам бўлди, лекин қўли қисқалик қилди, ўзи ночорлик қилди, қалби фарёд қилди... Шу билан бирга айна вақтда моҳиятча исёнкорона ноласидан ҳам қолмади.

Шундай пайтларда шоир ёзди:

Дариг айланмади чархи фалак бир кун маромимға,  
Тазарви бахт илинмай, ром бўлмай ўтти домимға.

Яқосиға қўлим етмай, чолиб домонидин тутмай,  
Фалак не қилганимға айланибдур интиқомимға.

Қоранғу рўзгорам, балки хорам, жони афгорам,  
Ажаб йўқтур агар табдил топса субҳ шомимға.

Бу кунларким жаҳонни бузғудекдур шиддати оҳим,  
Қуёш қўрқиб киролмас мунча тўфонлиғ мақомимға.

Уюм атрофини селоби ашким қилди дарёе,  
Эшик масдуддур, эй ғам, букун келма саломимға.

Нуқуди умр халқи дахр савдосиға сарф ўлди,  
Қизик бозор сард ўлди ҳама савдойи хомимға.

Не обидлиғда масрурам, на Мужримлиғда маҳжурам,  
Чу толеъ ёр йўқ, миқдор йўқдур мунча номимға<sup>1</sup>.

Шоирнинг бу аччиқ шикоятни баъзан жуда чуқур ва жиддий тус олади. Унинг замондан дод дейиши ва жамиятни кескин танқид қилиши маълум маънода анча кенг ва конкрет характерга эга эди.

Энди жафокаш ижодкорнинг замондан шу аспектдаги зорланиши масаласига ўтайлик.

Афсуски, шу вақтга қадар ҳаёти ва ижоди жуда оз ўрганилган бу ажойиб ва осий шахс ўз даврининг ғоят сезгир ва зукко одами бўлган. Унинг воқеликни, инсон атрофини ўраб олган воқеаларни мушоҳада этиш ва тадқиқ қилиш қобилияти теран ва кучли бўлган. У, ҳаётни, жамиятдаги ҳар хил ижтимоий табақаларни, уларнинг мавқеларини маълум даражада бўлса-да чуқур тушунган ҳамда талқин қилган. Бунинг устига, улар

<sup>1</sup> Яна ўша китоб, 640-бет.

орасидаги у ёки бу тоифани умумлаштириш ва аниқ ифодалашда катта маҳорат кўрғазган. Бу ерда масаланинг мустасно аҳамиятга эга бўлган ва шоир тафаккури чуқурлигини кўрсатадиган томони айниқса шундан иборатки, у (Мужрим Обид) ўз даврининг энг катта ва асосий энг характерли ва даҳшатли картинасини оча олган, реал чиза олган. Шоирнинг шунга багишланган, шулар ифодаланган мисралардаги сўзларнинг ҳар биридан олов чақнайди, шоир фигонининг дуди осмонга кўтарилади, ер ларзага келгандай бўлади, дил ўрта-нади, титрайди, тирналади.

Мана ўша даврнинг яхлит даҳшатномаси:

Замона ҳар кима бир тарз рўзгор қилур,  
Бировни восили давлат, бировни хор қилур.

Бировни қўлиға берур мадори мулки жаҳон,  
Бировни то дам ўтгунча бемадор қилур.

Бировни ғам била, қайғу била адо айлар,  
Бировни ишрати оламға пойидор қилур.

Бировни дийдаи биносидин жудо айлаб,  
Тамоми умрини асокашга интизор қилур.

Бировга сийму зар беҳисоб рўзи этар,  
Бировни бир пул учун йўл юзида зор қилур...

Бировни кўнглида кибру ғурур, завқу ҳузур,  
Бировни куйи ғарибликда хоксор қилур.

Шундай бўлгандан кейин қуйидаги ҳолат буткул муқаррардир:

Фалақдин ҳар нечаким дарду ғам нузул айлар,  
Юрогим ичра келиб, жо тутуб диёр қилур...

Инсонни севган ва улуглаган шоирнинг мазкур даҳшатнома газалини қуйидаги сатрлар билан тугатиши ҳам тамомила қонунийдир:

Бу дайрда киши бир-бирдин айрила тушса,  
Шароби васл нафас этмайин хумор қилур.

Бировга меҳри фулус жаҳонга шатта урар,  
Ғарибу ғамзадалар кўнглини шикор қилур.

Биравки кўнглига ишқ ўтидин шарора тушар,  
Жунун бошига тушарга нечук қарор қилур.

Чунончи аҳли муҳаббат йўлуқса бир-бирига,  
Ҳикояти ғаму афсонаси барор қилур.

Чу ошно ҳамага беғараз эрур Мужрим,  
Анинг учун ҳамани холис эътибор қилур<sup>1</sup>.

Бу сатрлар адолатпарвар ва инсонсевар шоирнинг ўз замони устидан чиқарган жуда асосли ва кескин айбномаси ҳам эди. Одам меҳнати ва бахтини одам томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш асосига қурилган, ҳар бир ҳоким қонунидан қуллик анқиган феодал жамиятининг — тузумининг асосий иллатларини Мужрим Обидга қадар қарийб ҳеч ким шунчалик яхши умумлаштириб яхлит картинасини бермаган эди деса бўлади.

Ғоят муҳими шундан ҳам иборатки, шоир бу даҳшатли ва фалокатли баробарсизлик ва адолатсизликни очиб ташлаш билангина чекланмайди. У мазкур баробарсизлик ва адолатсизлик жамиятдаги бир қанча балою офатларнинг, одамлардаги ярамас хулқ-атворларнинг асосидир, ярамувчисиدير дейишга ҳам етиб келгандай бўлади.— шу даражада кескин ва шиддатли танқид қилади уларни шоир!

Мужрим Обид ўзининг чуқур ғоявий, юксак бадий, айниқса теран ҳамда мураккаб психологик характерга эга бўлган маснавийсида айтадики, бир вақтлар ёш эдим, кучим ва пулим бор эди. Шунинг учун ошноларим, обрўйим ҳам кўп эди, кунимни мамнун ва шод ўтказардим, одамлар суҳбатимга талабгор эди, юрагим ҳам орзуларга тўла эди.

Кунда кўп меҳмон кузатмак ила,  
Бирин олиб, бирин узатмак ила.  
Канда бўлса муҳаббат аҳли-ю, доғ  
Айлар эрди бу нотавонни сўроғ.  
Мен ҳам онлар била бўлуб хурсанд,

---

<sup>1</sup> Уша китоб, 633-бет.

На ғами ую, на зану фарзанд.  
Мутааддид ҳақирхона қилиб,  
Меҳмон келгали баҳона қилиб,  
Йўллари узра интизор эдим,  
Эл орасида эътибор эдим<sup>1</sup>.

Мана қанчалик самимий ва одамшаванда, одамларни севадиган, уларсиз туролмайдиган шахс бўлган эди шоир; одамгарчиликда ва одамлар билан бирга бўлишда, уларни хурсанд қилиш ва мамнун этишда ўз хурсандчилигини кўрган эди у! Аммо кейин қараса, буларнинг барчаси бўш ва сароб экан, дўстлар сохта экан, шоирнинг соф ҳиссиёти ва гўзал хаёли қурган хурсандчилик уйи қум устига қурилган экан,— озорли даврнинг ҳоқим қонуни ва хулқи тақозоси билан ҳар нарсага пул боискор экан, бойлик олдида юксак инсоний фазилатлар, эзгу орзулар, самимийлик, одам ва одабийлик ҳеч экан...

Шоирнинг маснавийсида ўз фожиасини ўзи баён этиши давомига қайтайлик. Ешим ўтгандан сўнг,— дейди муаллиф,— мадорим кетгандан ва пулим битгандан кейин на обрў, роҳат ва фароғат, на дўст, шодлик ва биродар қолди.

Асосий гап бундагина эмас. Шоирнинг фожиаси, кенгроқ ва тўғрироқ қилиб айтганда, замонанинг фожиаси айниқса шундан иборатки, уни (шоирни) дўст-биродарларгина эмас, ўз фарзандлари ҳам тарк этдилар, севган завжаси ҳам бевафолик қилди. Айниқса ана шунда шоир қон ютди, ёш тўкди.

Ахир, ҳаммасидан қатъи назар, у ўз болаларини, нури дийдам ва жигар бағрим деб севганларини не-не ширин умид ва орзулар билан катта қилди!

Бўлди фарзандлар бариси кабир,  
Манга бўлди бу муқтазойи замир,  
Ким алар соясиде бўлсам пир,

---

<sup>1</sup> Уша китоб, 652-бет.

Ула турғонда қилгуси тавфир;  
Жоним осойиши алар биладур,  
Шомнинг зийнати саҳар биладур.  
Яъни фарзандлар мулозим эрур,  
Хизматим барчасиға лозим эрур.  
Бўлушурлар ўларгача манга ёр,  
Ҳар на амр айласам эрур тайёр<sup>1</sup>.

Оқибатда эса!..

Ғалату беҳаво деб эканман,  
Сўзларим кўп хато деб эканман.  
Ҳайф молу манол беҳуда сарф,  
Ки ани айлағай зиён ила ҳарф.  
Ману жоним билур на ўтди манга,  
Осмондин на жавр етди манга.  
Икки ўғилу беш қиз бариси  
Ҳар бири бўлдилар бир уй эгаси.  
Ҳар ким ўз рўзгори била хуш,  
Кўҳна вайронада мену бойқуш.

Ёш тўкиб, мазкур мисралар давомида ёзади шоир:

Кўрдиларким атода йўқ дирҳам,  
Рафту омадни қилдилар барҳам.  
Волидалари бевафо бўлди,  
Бизга оулди наким жафо бўлди.  
Ушбу қарридин эмадилар ёд,  
Анинг учун мену кўнгил ношод<sup>2</sup>.

Аччиқ андуҳдан ўртанганидан ва алам қилганидан шоирнинг ўзи ҳам шеър давомида маълум маънода замон руҳига берилгандай бўлади, сўнгра яна оловли норозилик билдиради. Яъни ўқувчига қарата, бир томондан, айтадики, нонкўрлик, ноинсофлик ва тош юраклик қилган, ва сендан юз ўгирган фарзандлардан сен ҳам юз ўгир; иккинчи томондан, айтадики, фарзанд катта бўлганда шундай тубанлашаркан, ундай тақдирда унга маблағ сарф қилма, ўзингни ўйла, келажагингни ўйла, қариганда ҳеч нарсасиз қолиб хор-зор ва муҳтож бўлмасликни ўйла, болаларингга худо ўзи беради...

---

<sup>1</sup> Уша китоб, 653-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб, 653-бет.

Бу ҳам шоирнинг иложсизликдан ва ўртанишдан унган фожиаси эди. Яна ўшал машъум замон шунга олиб келган эди.

Шоирнинг ўз замони ғаддорлиги ва ноинсофлиги натижаси бўлган асосий фожиаси мазкур маснавийнинг қуйидаги хулосавий ва хотимавий сатрларида ифода-ланади:

Рўзгор аҳли ичра хор ўлдум,  
Адвани аҳли рўзгор ўлдум.  
Манга йўқ ғамгусору шафқатлик,  
Аҳли авлоддин муруватлик,—  
Дегай ота қошида бор бўлай,  
Ғаму шоди етишса ёр бўлай.  
Бир қуруқ чўби бед бўлмишман,  
Ҳаммадин ноумед бўлмишман.  
Эмди манда на орзу, на ҳавас,  
Ғайри туфроқ узра кўмилмағу бас<sup>1</sup>.

Бу, улуғвор ҳамда гўзал қалбли шахснинг, эзгу орзу ҳамда нуроний ниятларнинг тубан давр ва беҳаёлар томонидан янчиб ташланиши эди.

Бу, бир шахснинггина эмас, кўпларнинг огули қисмати ва аччиқ фожиаси эди.

Бу, қолаверса, маълум маънода даврнинг ҳам фожиаси эди ва даврнинг ўзини ҳам ҳалокатга олиб келган омиллардан бири эди.

...Ҳа, азиз ва ҳурматли ёш ватандошларим! Ушал қаттол ва қотил замонлардан қутилганимиз шу қадар буюк бахтки, буни ҳеч нарса билан ўлчаб ва ҳеч қандай сўз билан етарли таърифлаб бўлмайди. Уни ҳар қадамда беҳад қадрламоқ лозим. Қадрлашнинг усулу воситаларидан бири лаънати кечмишдан мерос бўлиб ўтган ва айрим одамларда ҳамон мавжуд бўлган ёмонликларга йўл бермасликдир, муқаддас инсон номига иснод келтирадиган, ажойиб ҳаётимиз, жамиятимиз

---

<sup>1</sup> Уша китоб, 654-бет.

ва замонимизга доғ бўлиб тушадиган хунук хулқ-атвор, ҳаракат ҳамда иллатларни кескин курашиб йўқотишдир. Токи барча одамлар ҳар жиҳатдан гўзал бўлсин. Ахир биз совет кишилари энг гўзал, энг баркамол жамият ва ҳаёт яратмоқдамиз, яъни коммунизм қурмоқдамиз. Бинобарин, ҳамма ва ҳар нарса шунга муносиб бўлсин деймиз. Бу жонажон партиямиз қонуни ва талабидир.

Ленин комсомолининг XVII съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев айтган эди қуйидаги ўта ажойиб ва доно сўзларни:

«Биз амал қилаётган ахлоқ коммунизм идеалларига чексиз содиқликни ва юксак гражданликни, ўз социалистик Ватанига муҳаббатни ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча бирдамликни, коллективизмни ва ижтимоий бурчнинг бузилишига нисбатан мурасизликни ўзида мужассамлаштирган қотишмадир.

Бизнинг ахлоқимиз инсоният ишлао чиққан ахлоқнинг инсонпарварлик нормаларини ҳақли равишда мерос қилиб олиб ривожлантирмоқда, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, камтарлик, ўз қадр-қимматини ҳис қилиш, ўртоқлик, ўзаро ҳурматлаш — мана шуларнинг ҳаммаси совет кишиси маънавий қиёфасининг таркибий белгиларидир».

КПССнинг 4 январь 1975 йилда эълон қилинган партияга ва совет халқига Мурожаатида ҳам мазкур ғоят юксак ва ажойиб инсоний ахлоқ принципларига барчанинг риоя қилиши зарурлиги қатъий талаб этилди ва айтилдики «муваффақиятли ишлашга халақит бераётган ҳамма иллатларни тугатиш лозим».

Мана шу сўзларнинг ва принципларнинг улкан маъно ҳамда ҳаётбахш аҳамиятини теран тушуниш ва қадрига етишда, уларга етарли ҳамда актив амал қилиш-



да, умуман гўзал ҳаётимизнинг қадрига яхши етишда машъум кечмишни эсга олиш фойдадан ҳоли эмас албатта. Бинобарин, Горькийимиз жуда ҳақли эди...

5.1.75

### ҲАММА ҒАП МЕҲНАТДА

Ҳа, ҳамма ғап меҳнатдадир, барча яхшиликлар меҳнатдан бошланади, бахт-саодат меҳнатдан олинади, туғилади, барча чин инсоний фазилатлар меҳнатдан бошланади, меҳнатда шаклланади, тобланади, чиниқади, синалади. Бутун мавжудот ва барча нарсалар ҳар бири ўзича меҳнат қилади, шу жумладан одам ҳам ҳатто кичиклигидан бошлаб меҳнат қилади: эмаклаш ва юришга интилишлари, ясли ва болалар боғчаларидаги ҳаёти ва «иш»лашлари; мактаб машғулотлари ва ундан кейинги поғона-поғона бирин-кетин келадиган ҳар хил меҳнат жараёнлари...

Хуллас, меҳнатсиз на бутун мавжудот бор, на унда ҳаёт бор, на инсонга бахт-саодат бор.

Мазкур мақолада шу ҳақда, бизнинг мамлакатимиздаги озод, ажойиб ва осуда меҳнат ҳақида, шуни ардоқлаш ва эъозлаш кераклиги ҳақида сўзлашмоқчимиз, қарийб ҳамма катта-кичик совет одамларининг чиройли ҳаётбахш меҳнат билан банд эканликларини қайд қилмоқчимиз ва (бу — энг асосийси) баъзи ишёқмас, бебош ёшларга бутун қатъияти билан уқдириб айтмоқчимиз:

— Текинхўрлик — шармандалиқдир. Ўғрилиқ ҳар хил бўлади: яширини ва очиги. Бунинг иккови ҳам бизга лаънати кечмишдан ўтган лаънати сарқитдир. Меҳнатни севмаслик, таҳқирлаш, ялқовлик, ишламасдан кун кўришлиқ, текинхўрлик билан яшаб, умум манфаатига хиёнат қилиш, ўзгалар ҳисобига, халқ, жамият ва яқин одамлар ҳисобига яшаш, ота-она қалбини қон

қилиш очиқ ўғриликдир. Бу, ўз вақтида олди олинмаса, яширинига ҳам олиб боради, албатта.

Яна шуни ҳам айтмоқчимиз:

— Маркс, Энгельс, Ленин қайта-қайта қайд қилиб айтдиларки, меҳнат бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган ва мустасно роль ўйнайдиган омилдир: жамиятнинг асосини меҳнат ташкил этади, инсониятнинг ва жамиятнинг турмуши ҳамда тириклиги меҳнатга боғлиқдир, одамзод ҳаётинигина эмас, тараққиётини ҳам меҳнатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, асло. Янги, халқ озодлиги ва фаровонлиги жамиятини, тарихини бошлаган В. И. Ленин бутун жиддияти ҳамда қатъияти билан таъкидлаб, дедики, бу жамиятни, тарихни мазмундор ва енгилмас қиладиган нарса, социализм ва коммунизмни тез қуриш ва тараққиётини таъмин этадиган нарса, халқларнинг тинчлиги ҳамда осудалигини барқарор қиладиган ва мустақкамлайдиган нарса шу жамият аъзоларининг барчасининг фойдали меҳнат билан, ҳа, энг аввало ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлишдир, бугина эмас, шу меҳнат унумдорлигини борган сари ошириш ҳамдир.

Яна шуни ҳам айтмоқчимиз:

— Биз жуда кўп қон тўкиб ва олов кечиб, паразитизм асосига қурилган тузумни енгиб, озод меҳнатга эга бўлдик, жуда кўп қон тўкиб ва олов кечиб, озод меҳнатни душманлар хуружидан сақлаб қолдик, жуда кўп ҳаракат ва харажат қилиб, шу озод меҳнатни борган сари енгиллатиб ва маҳсулдор қилиб келмоқдамиз, токи мамлакат ободлиги ва халқ ҳаёти гўзаллиги тўхтовсиз ошаверсин. Барча ютуқларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган жонажон партиямиз В. И. Ленин кўрсатмаларини улкан изчиллик ҳамда маҳорат билан амалга ошириб, совет кишиларини ма-на шу ажойиб ва халқчил меҳнат руҳида тарбиялашга ҳамиша ниҳоят даражада буюк аҳамият ва эътибор бериб келмоқда. Бу улкан натижалар ҳам берди. Улуғ

Октябрдан кейинги барча оташли ва ижодкор йиллар мобайнида, ғоят ҳаққоний ва халқоний қонун-қоида — «ишламайдиган тишламайди» — жорий этилиши оқибатида бизда социал воқелик тубдан ўзгариб кетди. Жанг майдонларида, шаҳар ва қишлоқларда, завод ва фабрикаларда, маданият ўчоқлари ва шифохоналарда, ҳар ерда ва ҳар соҳада миллион-миллион ажойиб катта ва ёш совет одамларининг фидокорона, қаҳрамонона ва маҳсулдор меҳнати бутун тарихда тенги йўқ мўъжизалар яратди, бепоён Ватанимизни бутун дунёда энг гўзал, энг қудратли ва энг бахтиёр диёрга айлантирди. Ҳар куни минглаб уй-жой кошоналари ва саноат гигантлари қад кўтармоқда, маданият муассасалари ва ажойиб намуналари яратилмоқда. Қурилаётган темир йўллар ва каналларни, бўстонга айлантираётган қуруқ ер ва бунёд этилаётган сунъий денгиз-у кўллари, энг муҳими — янги, том маънодаги юксак инсоний фазилатларга, вазифа ва мақсадларга эга бўлган ва ажойиб жамият яратаётган миллионлаб катта ва ёш совет одамларимизни айтмайсизми!.. Ер юзидаги навъи башар шу Ватандан ҳайратланмоқда, мазлумлар унга умид боғламоқда, таянмоқда, озод бўлаётганлар унга ҳавас билан қараб, ўрناق ва мадад олмоқда. Халқлар меҳнати, озодлиги ва осудалиги душманлари саросимага тушмоқда, ҳам жиловланмоқда.

Хуллас, меҳнат бебаҳо нарсадир. Энди шуни янада лўндароқ батафсилроқ изоҳлаш ва ифодалашга ўтай.

Яратиш — бутун мавжудотнинг, бутун табиатнинг узвий хосиятидир. Бусиз, кўзимиз олдида турган борлиқни тасаввур қилиш мумкин эмас. Беўлчов сонли, беҳад турли, ҳаётга ҳам сигдириб бўлмайдиган кўп тусли, ранг-баранг нарсалар ва ҳодисалар шундан далолат беради, яъни чексиз макон нима билан «тўла» бўлса ўша мана шундан шаҳодат беради. Акс ҳолда нарсалар, ҳодисаларнинггина эмас, умуман ҳаётнинг ўзининг бўлиши мумкин эмас эди.

Ҳа, табиат «меҳнат» қилади,— табиат яратади, шунинг учун яшайди, ҳаёт бор. Ахир униши, ўсиши, вояга етиши ва мева қилиши, ҳосил бериши учун умуман табиатнинггина эмас, ҳатто бир туп олманинг ўзининг қанча «уриниши», қанча «меҳнат қилиши» керак!

Ахир табиат «меҳнати» қандай гўзал гулга, қўшиқ айтадиган қушга айланади-я!

Чумолини айтмайсизми, у, баҳор қуёши ялт этиб чиқиши ва кунларнинг илий бошлаши биланоқ то илк совуқ тушганга қадар эртаю кеч ташигани-ташиган.

Гўзаллик намунаси ва мафтунни бўлган капалак то ўз севгилиснинг баргларига бориб қўнганига қадар қанча йўл ва хавфларни ўтади, азобларни ўз бошидан кечиради. Шунини қилмасдан кўрсин-чи!

Мана ниҳоят даражада ювош мусичанинг ёки фусункор, шўх қалдирғочнинг уясини қаранг, унга яхши-лаб разм солиб кўринг-а! Жуфт мусича ва ё жуфт қалдирғоч қаерлардан битталаб чўп, лой ташийди ва шундай қилиб ҳаёт яратади, ҳаёт давом эттиради.

Яна бир мисол. Сув қаерлардан, қандай тўсқинликлардан утиб денгизга туланади, у ердаи парга айланади ва осмон орқали яна узоқ масофалар босиб, масалан, баҳорда тоғни қўпоради, тепани текислайди, дарахт шохларига барг, илдизларга жон беради, ўт ўстиради ва шу орқали сигир овқати ва сутига айланади. Эҳе, бошқаларини қўяверинг-у, биттагина сувнинг ўзининггина қиладиган ишларини санаб тамомлаб бўладими.

Хуллас, табиатда жимжитлик бўлганда эди, на табиатнинг ва унда ҳаётнинг бўлиши мумкин эди.

Бу-ку табиатда, ҳа, тилсиз, дилсиз табиатда ва ё инстинкт асосида ҳаракат қиладиган кўпоёқлилар ҳамда қўшқанотлилар ҳаётида бўлаётган ишлар!

Инсон эса энг мукаммал борлиқдир. У, табиатнинггина меваси эмас, аини замонда ижтимоий воқеликнинг маҳсулидир. У ҳаёт учун керак янги нарсагина ярат-

майди, айни замонда шу нарсани яратиш олатини яратади; осуда яшашга интилади. Мана шу ҳол ҳақиқий инсон ҳаётининг асосини, инсоннинг энг характерли белгисини ташкил этади.

«Меҳнат — ҳар қандай бойликнинг манбаидир»,— дейдилар сиёсий иқтисодчилар. Ҳақиқатан ҳам у табиат билан бир қаторда (табиат унга материал беради, бу материални у бойликка айлантиради) шундайдир. Лекин бу беўлчов даражада бундан ҳам муҳим ва улкан нарсадир. У — бутун инсон ҳаётининг биринчи асосий шарт-шароитидир. У, шу даржада бутун инсон ҳаётининг биринчи асосий шарт-шароитидирки, биз маълум маънода айтишимиз лозим: «Меҳнат инсоннинг ўзини яратади».

Бу сўзларни Энгельс ўзининг «Маймуннинг инсонга айланишида меҳнатнинг роли» деган асарида ёзган.

Ҳа, меҳнат — асосларнинг асосидир, бойликларнинг ижодкоридир. Меҳнатга кўра инсон табиатдан ажраларди, инсон бўлади. Меҳнатга кўра табиатни ўзгартирарди, демак меҳнатга кўра табиат устидан ҳукмронлик ўрнатади, табиатга ҳокимлик қила бошлайди.

Чумоли бор нарсани ташийди, шу билан чекланади, инсон эса яратади, жумладан чумоли ташийдиган донни ҳам экади, янги нарса ижод этади, гул ўстиради. Ҳамма тилларга болдек татиган шафтоли ва анор ҳам инсон қобилияти маҳсулидир. Инсон Навоий таъбирича айтганда, ер ёриб дон экиб ризқ йўлини очади. Ҳайратомуз ақлли машиналарни айтмайсизми!

Меҳнат — бойлик, роҳат асосидир, деган катта ҳақиқат халқ мақолларида шундай ифода қилинади:

Иш дўстинг — жон дўстинг.

Инсон кўли — гул.

Ишга кўним — хирмонга уним.

Меҳнат — бахт калитидир.

Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат.

Одамни пўстин эмас, иш қиздирар.

Тер тўкиб меҳнат қилсанг,  
Ердан ҳатто зар унар.

Тер чиққандан жон чиқмас.

Меҳнат одамни безайди, одамни — одам қилади, деган катта ҳақиқат халқ мақолларида шундай ифодаланади:

Дарё сувини баҳор тоширар,  
Одам қадрини меҳнат оширар.

Иш қуролинг соз бўлса,  
Машаққатинг оз бўлур.

Ишлаганнинг оғзи ошга етар,  
Ишламаганнинг боши тошга тегар.

Овчининг зўри шер отар,  
Йигитнинг зўри ер очар.

Одамнинг хусни — меҳнатда.

Олиб қочгунча, сочиб қоч.

Олтин ўтда билинар,  
Одам меҳнатда.

Меҳнат процессида, меҳнатга кўра инсонлар бирлашадилар, бир-бирлари билан муносабат ўрнатадилар, — меҳнат жамиятни яратади. Меҳнат инсонни яратади, меҳнат инсонни безайди, меҳнат одамни одам қилади.

Алексей Максимович Горький айтган эди:

Жаҳондаги барча қимматли нарсаларни, барча гўзалликларни, барча улуғворликларни бунёдга келтирган — меҳнатдир, инсон меҳнатидир.

Лекин тақдирнинг аччиқ истеҳзосига қарангки, ма-на шу меҳнат ва меҳнат аҳллари, яъни жамиятни, ба-шариятни, ўтган ва келажак ижтимоий ҳаётни ҳаракат-га келтирадиганлар асрлар мобайнида шунча таҳқир-талонларга, шунча зулму заволларга, шунча азобу уқу-батларга дучор қилиндиларки...

Жамиятни, ундаги ҳамма бойликларни яратган, ижод этган инсон, меҳнаткаш фалокатда, азобда, ҳалокатли аҳволда, хору зорликда бўлди. Паразитлар эса —

роҳатда, разолатда, қотиллик фаолнятида! Асрлар қонуни шу бўлди. Низомий Ганжавий ўзининг «Ҳафт пайкар»ида бу фожиани шундай ифодалаган эди:

Бир ажойиб моҳир меъмор жуда гўзал ва ҳашаматли бино солади. Бу бино ҳаммани ҳайратда қолдиради. У битгандан сўнг мамлакат шохининг амри билан меъмори ўша бинонинг устидан ерга ташлайдилар.

Бечора парча-парча бўлиб кетади...

«Ижодкорнинг толеини тамошо қилки,— дейди Низомий,— ўз қўли билан кўкка кўтарган тупроқ энди қандай қилиб унинг ўзини тупроққа айлантирди! Йиллар давомида меҳнат қилиб қаср бино қилди, энди замона уни бир онда қасрдан ерга улоқтирди. Ўзи ёққан оловнинг тутунида бўгилди. Қийин ва секинлик билан чиққан томдан тез йиқилди...»

Меҳнатни севган одамгина унинг фожиасини шундай катта маҳорат билан ифодалай олади.

Ана, меҳнатни, яъни барча гўзаллик, қимматлилик ва улуғворлик манбаи ҳамда воситасини ўзида мужассамлаштирган ва шунинг учун ҳокисор қилинган қул! Унинг ҳамма инсонийлик қадр қиммати поймол этилган, унинг бойлик яратиб бутунлай ҳуқуқсиз ва қашшоқликда ўлиб кетишдан бошқа қисмати йўқ. Ўзгалар уни уришгина эмас, ҳатто ўлдириш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Бу жиноят ҳисобланмас, аксинча, қонунлаштирилган эди, қонун кучига эга эди. У қамчи остида ўз оёғи билан юрадиган, бутун жамият оғирликларини ўз елкасида кўтарадиган, лекин жон ва тили борлиги билангина омондан фарқ қиладиган олатга айлантирилган эди.

Ана қулдор ўрнини босган феодалга, феодал ерига, феодал ўрмонига, феодал молхонасига, феодал саройи ва корхонасига қўл-оёғи билан чамбарчас боғланган бечора деҳқон! У ўз қўли кучи билан бутун жамиятни ҳаёт билан таъмин этиб турган бўлишига қарамасдан, феодал хирмони ва омборини тўлдирганлиги, феодал

уйида бўладиган дабдабали зиёфатни, саройлардаги базмларни бор қилишга имконият берганлиги учун ҳамиша кўз ёши, муҳтожлик ва маҳкумлиқда кун кечирингача мажбур этилган эди. У шу даражада хор-зор қилинган эдики, ўз севгилисининг номусини сақлашга уринишга ҳам ҳақи йўқ эди. Агар хўжайин бошқа хўжайинга ўз ерини сотмоқчи бўлса, уни ҳам бирга бериб юборар эди, у ҳам қўшимча совда қилинаверарди.

Булар даврнинг ҳоким қонуни, ҳоким тартиби ҳисобланарди.

Ниҳоят, ана феодаллар ўрнини босган Крупп, Форд ва Рокфеллерлар; деҳқонлар ўрнини босган пролетарлар. Булар асосий социал гуруҳлар ҳисобланган жамиятга келиб шундай аҳвол яратилдики, унда ўша жамият ҳокимларига қачон, қаерда, қанча ва қандай моддий ва маънавий бойлик керак бўлса, шунча яратиш учунгина «озодлик» берилди меҳнат эгасига. Бечора пролетарнинг фожиасини қарангки, унинг меҳнати ўзи билан бирга маҳкумгина эмас, аини замонда унинг ўзи устидан ҳукмронлик ҳам қилади: пролетар очдан ўлмаслик учун ишлашга мажбур бўлади, дунё-дунё бойлик яратади, лекин бу меҳнат маҳсулининг жуда оз қисминигина иш ҳақи сифатида олади, қолгани ўзганинг мулкига, капиталга айланади; боши булутга тегадиган юз қаватли бино ва океан пароходига, пролетар протестини бостириш учун лозим бўлган ўқ ва замбаракка айланади; буржуа давлатининг иқтисодий асосига, буржуа министрининг ойлигига, буржуа системасини, эксплуатация машинасини сақлаб турадиган тюрма ва армия харжига айланади. Пролетариат дилда алам, кўзда ёш билан қолаверди. Курашди. Чиниқиб бораверди. Ниҳоят бизнинг мамлакатда Улуғ Октябрга етиб келди. Бу революциянинг байроқларида меҳнат ва меҳнат аҳлини озод этиш шиори, мақсад ва вазифалари ёзилган эди. Меҳнат тинчлик воситасидир, шараф ва шодлик ишига айлансин, меҳнат маҳсули меҳнат қилув-



чишники бўлсин, меҳнаткаш фаровон ва хуррам яшасин!— бу Октябрь ўзгаришининг, янги ижтимоий системанинг асосий қонуни бўлди. Давлатимиз гербидаги ўроқ билан болға, кўтарилаётган қуёш билан буғдой толалари мапа шунинг символидир.

Энг яхши инсоний фазилатларини ўзида мужассамлаштирган янги совет кишинининг ажойиб меҳнати қудрат ва ижодийлик, яратувчилик мўъжизаларини кўрсатмоқда. У, қолоқ чор Россиясини, унинг қашшоқ мустамлакаларини қисқа вақт ичида дунёда илғор ва намунали мамлакатга айлантирди. У, қатор янги-янги шаҳарларга, саноат гигантлари ва колхоз қишлоғига, кўплигидан санаб чиқини қийин бўлган илм-маориф, оқартув, соғлиқни сақлаш ўчоқларига, ички ва ташқи душманлар устидан қозонилган ғалабага, совет халқларининг бахтли ҳаётига, осмонни безаган самолёт ва чўл бағрини ўқдек ёриб нишқириб кетаётган тепловозга, совет халқларининг енгилмаслигига, болаларимизнинг кулишларига, катталаримизнинг хушчақчақлигига айланди. Демак, бу янги меҳнат янги мамлакат, янги ҳаёт, янги жамият, янги инсон яратмоқда. Бу меҳнат янги ҳақиқий инсоний тарихни бошлаб бермоқда. Бу меҳнат мамлакатимизда коммунизм ижод этмоқда.

Ган шунинг ўзидагина эмас. Бу меҳнат ўлимга маҳкум этилган жамият ва «тартиб»лар хуружини даф қилмоқда, инсониятга қарши қилич қайраган қотилларни жиловламоқда, башариятни ажал ва вайроналик гирдобига ташлашга қарши курашмоқда. Бунинг ўзининг қонунияти бор: меҳнат яратиш демакдир, уруш эса йўқ қилиш демакдир.

Тинч ва озод меҳнат қилиш, илмли, маърифатли бўлиш, осуда яшаш қандай беқиёс бахт-а!

Биз коммунистлар истаймиз: дунёнинг ҳар ерида шунга эришмоқ лозимки, планетамиз уруш ва уруш оловини ёқувчилардан тозалансин, биров меҳнатини ўғирлаш, биров ҳисобига бойиш, биров меҳнатини ўлим ва

вайропалнк келтирадиган парсага айлантириш бўлма-син; тинч яшаш ва озод меҳнат қилиш, жамиятни, ҳаёт-ни бойлик ва бахт билан безаш жамият аъзоларининг ҳаммасининг қисмати ва иши бўлсин.

Инсон ҳаётдан безмасин, қочмасин, аксинча, уни беҳад севсин, ардоқласин, ҳаётни чиндан ҳам ўзиники, ўз мулки қилиб олсин,— шундай жамият бўлсин.

Одам одамга бало тошларини эмас, гул отсин, одам-лар портлатилган уй ғишларини эмас, дала ва кўча-ларда ўликларни эмас, чечакларни терсин;

Инсон бор билимларидан, бор билим меваларидан ажралмасин, аксинча, мавжудот, кинот сирларини кўп-кўп эгаллаб, табиат ва космоснинг катта хўжаси бўлиб олсин.

Ҳа, инсон агар ҳақиқий инсон бўламан деса (яъни ўзим бахтиёр бўламан, ўзгаларни ҳам бахтиёр қилишга ва жамиятни безашга қўлимдан келган улушни қўша-ман деса), меҳнат қилсин ва билим ордирсин, билим ордирсин ва меҳнат қилсин, моддий ва маънавий бой-лик яратсин.— хамма гўзаллик мана шу бойликка ва уни яратишдадир, табиат нақадар улкан ва назокатли эканлигини, беҳад бой ва боқий хазина эканлигини би-лишдадир, уни ижодий (яъни меҳнат қилиб ва билим ишлатиб) ўзлаштириш — ўзгартириш ва баҳраманд бў-лишдадир. Шу табиат, меҳнат, унинг маҳсули билан завқланишдадир, шулар соҳиби бўлиб олишдадир. Бо-лаликдан шу руҳда тарбияланиш зарурдир.

Янги машина яратиш ва янги ихтиро қилиш, янги китоб ва музыка ижод этиш-чи! Эҳ-ҳе, меҳнатнинг турч жуда кўпдир, завқ-шавқи ҳам чексиздир! Қолаверса ҳатто революция қилиш ва жамиятда социал тўнтарини ясаш ҳам меҳнат ва билимдандир...

Бинобарин, меҳнат — ҳаётдир деб бекорга айтма-ганлар донолар.

Ёвуз империализм миллион-миллион мазлумларни сон-саноқсиз кулфатларга дучор этмоқда. Уларнинг

озодлиги ва осудалигини ямлаб ютмоқда, уларнинг меҳнати ва пешана теридан, аслида уларга мансуб бўлган тоғ-тоғ бойликлардан, уларнинг қони ва кўз ёшидан замбарак қуймоқда, водород бомбасини ясамоқда. Яқинда АҚШдан қуйидаги хабар берилди:

«Икки оддий америкалик одамнинг бири солиқ маҳкамасига, солиқ пули ўрнига ўз қўйлагини, бошқаси эса ўзининг суъбий тишини юборди. Бу билан у одамларнинг бириси «солиқ тўлашга охирги қўйлагимдан бошқа нарса қолмади» демоқчи, иккинчиси эса «ейишга овқат бўлмагани учун тнш ҳам ўз зарурлигини йўқотди» демоқчи.

Ҳа, капиталчи ва мустамлакачилар томонидан иш шу даражага етказилганки, бюджетнинг, ишчи иш ҳақининг, ишсизга беришга тегиш ионанинг, миллионлардан олинган дароматнинг кўп қисми борган сари кушхонага айлантириш хизматига қўйилди. Америкада чиқариладиган «Хастлер» Б-58 деган бомбардимончи самолётнинг оғирлиги 47 минг қадоқдир, 26 миллион 700 минг доллар туради. Демак унинг ҳар бир қадағи 568 доллар туради. Олтининг эса бир қадағи 560 доллардир. Демак ўлим ташувчи самолётнинг ҳар қадағи олтиндан юқори туради...

Бу, меҳнат меҳнаткаш ҳисобига-я! Мана капитал ҳоким ерлардаги меҳнат ва меҳнаткашнинг аччиқ тақдир, фожиаси!

Тарихда биринчи марта биздагина меҳнат ўз номи ва қадри қимматига муносиб юксакликка кўтарилди, меҳнат эгаси эса ҳоким бўлиб олди, шу меҳнат эгаси ҳам меҳнатнинг тақдирини, ҳам ўз меҳнати маҳсули, мамлакат ва жамият тақдирини, ҳам ўз бахт-саодати тизгинини ўз қўлига олиб олди. Ахир партиямиз съезди ва давлатимиз қарорлари, машина ҳаракати ва муҳташам бинолар қурилиши: китоб ва болалар боғчаси, Ялтадаги обод ва кулиб турган шифохоналар, ҳар бир ўзлаштирилган янги ер, Шимолий кутб музлар дие-

рида очилган ҳар бир янги станция ва ёки осмонга учирилаётган ҳар бир янги Ер йўлдоши, ой томон йўл олган ракета — буларнинг ҳаммаси ўша меҳнатга кўра ва ўша меҳнат эгаси учун!

Шу сабабли бизда меҳнат ор-номус ишига айланди: меҳнат процессидан ташқари туриш, меҳнат қилмасдан яшашга интилиш шармандалик, пастлик деб билинади, меҳнат қилиш ва жамият учун зарур нарсани яратишга ўз ҳиссасини қўшиш энг муҳим инсонийлик белгиси, безаги деб ҳисобланади.

Шу сабабли бизда меҳнат қаҳрамонлик ишига айланди, совет кишиси етилган даражада, бир маррага бориб тўхтаб қолмайди, эришилган норма уни қониқтирмайди, у ҳамиша янгиликка интилади, ижодий ишлаб, оз вақт ва маблағ сарф қилиб кўп нарс яратишга ҳаракат қилади, қийинчиликка дуч келса ўтириб олмайди, аксинча уни ағдариб ташламагунча қўймайди, тинчимайди.

Ҳа, коммунизм қуриш иштиёқи совет кишисини меҳнатни севини ва қодрлашга олиб келади, меҳнат эса ўз навбатида шу янги жамият талабасини таъмин этади.

Ҳа, коммунизм қуриш, меҳнат инсонларда янги сифатлар яратади, инсонларни янги-янги ажойиб фазилатларга эга қилади. Ҳа, бошқа меҳнатлардан тамомилан фарқ қиладиган биздаги меҳнат жамият учун, янги ҳаёт учун, коммунизм учун моддий бойликларгина яратмай, айти замонда янги одам ҳам тарбиялайди.

Озод меҳнат ўзи мўъжиза бўлиб, мўъжизалар яратади. Шу меҳнат ватанимизда ҳар соҳадаги мўъжизавий ривожланишнинг асосида ётади, бошқаларнинг 200—300 йилда эришганига 20—30 йилда муваффақ бўлишимизни таъмин этди.

Мана шу меҳнат, мана шу меҳнат аҳли бизда энг катта муҳаббатга сазовор қилинди.

Кунямизнинг энг муқаддас ва асосий вазифаси халқро тинчлик ва хавфсизликни сақлашдир. Бунинг му-

ҳим шартларидан бири маҳсулдор меҳнат қилиб, азамат беш йилликларни дўндириб бажаришдир.

Бу сўзлар партиямизнинг, совет халқларининг овози, қарори ва қатъиятидир.

Қудратли совет халқининг ниҳоят даражада қудратли ва гуманистик меҳнати бунда ҳам ўзини кўрсатади, албатта.

25. 1. 60.

### **БИЛИМ МАШЪАЛИ БИЛАН ХУРОФОТНИ ЁНДИР**

Азиз замондошим! Газеталардаги хабарлардан ва ҳаётдаги мушоҳадалардан кўринадикки, бизда баъзи ёшларимиз онгида лаънати ўтмишдан қолган айрим диний, хурофий ақида-ю, анъаналар, ақидаларга берилиш, ишонш ҳодисалари ҳамон бор. Яна шуниси ҳам маълумки, мазкур ҳодисаларнинг мавжудлигида асосан катталар ва уларнинг таъсир сабабкор ҳамда айбдордир. Ахир, шулар болаларининг онгига, қулоғига ёшлигидан бошлаб ҳар қандай бўлмагур диний-хурофий руҳдаги афсоналар, эртақлар, париги дунё, алвасти, бўжи ва ҳоказолар ҳақида тушунча яратиб, сингдириб борадилар. Бу тушунчалар эса, ниҳоят эътиқодга айланиб кетадилар. Ана айниқса шундан кейин буларнинг зарарини кўраверасиз, азобиши тортаверасиз...

Бинобарин, ушбу мақолани ёзишга қарор қилганим тасодифий эмас, албатта. Ахир, биз XX асрда яшамоқдамиз, энг гўзал ва баркамол инсоний жамият — коммунизм қурмоқдамиз, ҳар қандай хурофот-у бидъат бунга ҳалал беради. Демак уни йўқотмоқ ҳам фарз, ҳам қарзидир.

...Ҳақиқатга эид бўлган, фан томонидан аллақачонлар фож этилган диний-хурофий тушунчалар, тасаввурлар, урф-одатлар асрлар мобайнида халқларни ҳар томонлама йўлдан оздирдилар, ҳам маънавий, ҳам моддий

қашшоқликка ташлаб, ҳар қандай бахтсизликларга йўлиқтирдилар. Дин пешволари, ҳукмдорлар, боёнлар, умуман ҳар турли юлғич лўттибозлар, ҳаромхўрлар эса ўшал дин-у хурофотлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар, бойлик тўнладилар, ҳукмронлик қилдилар.

Авалло шуни айтмоқ лозимки, хурофий тушунчалар, диний тасаввурлар ўз бошланғичини жуда қадимдан, узоқ мозийдан олади. Гениал устозимиз В. И. Ленин айтган эдики, қудратли табиат ва ундаги сирлар, дахшатли ҳодисалар ибтидоий одамларда қўрқув ва нотўғри тушунчалар яратар эди, ўшал табиат ва ҳодисалар ҳақида бузуқ тасаввурлар туғдирар эди, қандайдир ғайри табиий кучлар бор деган фикрга олиб келар эди. Ана шунинг натижаси ўлароқ турли-туман хурофий, диний уйдирмалар тарқалар ва одамлар ўй-фикрини чуқур эгаллайверарди. Шу тарзда пайдо бўла бошлади ҳар қандай худо ҳақидаги тушунчалар, диний-хурофий, урф-одат ва тасаввурлар.

Хал одамлар бир вақтлар иккимоний тараққиётининг энг ибтидоий, энг бошланғич даврида яшар эдилар, на экин экишни билар, на уй қуришни билар, на умуман табиат сирларини, муаммоларини тушунар эдилар. Улар ҳаминша қўрқувда, ҳар қандай хавф-хатар билан тўла ўрмонларда, сув бўйларида, горларда яшар эдилар ва ёввойи меваларни еб, ҳайвонларни ов қилиб, балиқ тутиб кун кечирар эдилар. Уларнинг қуроллари ҳам таёқдан ва бир даражада йўнилган тошдан иборат эди. Бу ҳол уларнинг онгининг қанчалик паст даражада эканлигидан шаҳодат беради.

Ибтидоий одамлар ҳали табиат қўлида қул ва сирлари олдида тутқин ҳамда лол эдилар. Осмондаги ярқираб турган юлдузлар ва бўлиб турадиган момақалдироқлар, ердаги офатли сув тошқинлари ва дахшатли бўронлар, ёгадиган қор ва қақшатғич совуқлар, кечанинг кундуз ва кундузнинг кеча билан алмашиниши,

қуёш ва унинг чиқиши, ботиши, қаттиқ касалликлар ва шафқатсиз ўлим, туш кўриш ва яна кўп-кўп бошқа нарсалар ўшал одамларни ҳам чуқур ҳайратга, ҳам кучли қўрқувга солар эди. Улар, биринчидан, шу нарсаларнинг туб моҳиятини, асл маъносини, табиий сабабини билмас эдилар, пиҳоят даражада заиф (ўшал қудратли табиат, даҳшатли ҳодиса ҳамда сирлар олдида) эдилар, шу боисдан, юқорида айтганимиздек, қўрқувга тушар, яглишар ва нотўғри тасаввур яратар эдилар. Иккинчидан, уларнинг ўзлари ҳам баъзи нарсаларни ясар, ясата бошлар эдилар (масалан: ғор қилиш, тошни йўниб отадиган ё кесадиған олатга айлантириш, дарахтдан таёқ ясаш). Мана шуларнинг натижасида ҳам ибтидоий одамлар теварак-атрофдагилар ҳақида нотўғри хулосага кела бошладилар, яъни улар ўйлай бошладиларки, табиатни ҳам қандайдир ўта қудратли куч яратган, ундаги воқеаларни қандайдир куч идора этиб туради. Сўнгра улар бу кучга «худо» номини берадилар, ҳар қандай илоҳий куч, шайтон, дев, фаришта кабиларни яратадилар.

Йиллар, асрлар ўтди. Одамлар табиатда яшаш, бирга ҳаёт кечириш, табиат билан олишиш, меҳнат қилиш ва турмушини таъмин этиш учун урушиш процессида табиатдан маълум маъно ҳамда даражада ажрала бошлади — секин-аста ишлаб чиқариш қуролларини такомиллаштира, мустақилликка эга бўла, табиатдаги ҳодиса ва буюмларнинг туб моҳият, сир ва сабабларини била ва ўз мақсадларига бўйсундира бошладилар: олов чиқариш ва ундан фойдаланиш, экин экиш, шамол тегирмон ясаш, нардан фойдаланиш, илк машиналар яратиш ва бошқалар.

Пиҳоят, матор, электр, атом энергияси, табиатни кучли ўзгартириш даврларига эришдилар.

Одамларнинг ҳоким ва маҳкум, эзувчи ва эзилувчи, эксплуатация қилувчи ва эксплуатация қилинувчи синфларга, табақаларга бўлинганидан кейин диний-хурофий

тушулчалар кучаяди. Бунга эксплуататорлар манфаатини кўзлашга асосланган жамиятлардаги даҳшатли шароитлар, миллион-миллион меҳнаткашларнинг маҳкумлиги, мазлумлиги, очлик ва ҳуқуқсизлиги сабаб бўлди, уларнинг капитал ва капиталистик жамият билан олишувдаги кучсизлиги (маълум вақтларга қадар, албатта), бу жамиятдаги ҳоким даҳшатлардан, очлик ва шунга ўхшаш бошқа фалокатлар гирдобига тушиш қўрқувлари сабаб бўлди.

Диний-хурофий тушулчалар бундай жамият ва шароитларда меҳнаткашларнинг жамият ва табиат ҳодисалари, сирлари ҳақидаги тасаввурларини, билимларини, синфий онглариини ўтмаслаштиради, эксплуататорлар томонидан тугдирилган зулм, муҳтожлик ва қашшоқликни худодан деб эълон қилади; жаннат ваъда қилиб, бунинг эвазига зolimларга, уларнинг зулмига, муҳтожлик ва ҳуқуқсизликка кўншига ва бўйсунишга чақиради.

Ҳа, диний-хурофий тасаввурлар, бидъатлар хамини миллион-миллионларга ожизлик, маҳкумлик ва муҳтожлик келтирди. Масалан, бир вақтлар одамлар қуёшнинг оловини худо дедилар, сизиндилар ва шу билан ўзларини ўша парсаларнинг қулига айлаштирдилар. Кейинлар-чи?! Эксплуататор синфлар ва улар билан бирга бўлган руҳонийлар бу фожиани янада зўрайттирдилар, тутқинликни кучайтирдилар, дин ва хурофотни мустаҳкамлаш учун, буларга қарши турган илм-маърифатга қаттиқ зарба бериш учун курашни жуда алангаладидилар. Буюк олим Улугбекни қатл этдилар. Коперникка ўлим азобини бердилар, Джордано Брунони тириклайин оловда ёндириб кул қилдилар, бир қанча улуг рус олимларини қувинга солдилар. Халқларнинг бахтсаодати учун, меҳнаткашларни ҳар қандай зулм, қашшоқлик, қолоқлик, қуллик ва эксплуатациядан озод қилиш учун курашаётган коммунистларни қўлларидан келганча ёмонладилар. Монополистик Америка Қўшма



Штатларида меҳнаткашларни талон-тарож қилиб, миллионер бўлган Морган ва Рокфеллерларни оғайни деб севилган одамларни зўр бериб ундамоқдалар. Одамни қул қилишга қаратилган яна бир дин ақидасига (Ҳиндистонда) кўра кимни илон чақиб ўлдирса, у одам бахтли ҳисобланармиш — «жаннатга» кирармиш...

Хуллас, диний-хурофий тушунчалар, бидъатлар инсонни, меҳнаткашларни тутқунликка солишга хизмат қилади. Шунинг учун В. И. Ленин уларга қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилган эди. Ленин шу билан бирга бу курашнинг ғоят мураккаблигини, катта эҳтиёткорлик ва санъат талаб қилишини ҳисобга олиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган эди, уни капитализмга қарши кураш билан боғлаш, меҳнаткашларни капитализмдан озод этишга қаратилган кураш билан, социализм учун кураш билан боғлаш кераклигини жуда жиддий уқдирган эди.

В. И. Ленин ўзининг 1909 йилда эълон қилинган ва «Ишчилар партиясининг динга муносабати ҳақида» деб номланган асарида ёзган эди:

«Биз динга қарши курашмоғимиз лозим. Бу парса бутун материализмнинг ва демак, марксизмнинг алифбесидир. Аммо марксизм алифбеда тўхталиб қолган материализм эмас. Марксизм яна илгари боради. У айтади: дин билан кураша билиш керак, бунинг учун оммадаги диний эътиқоднинг ва диннинг манбаъларининг материалистик асосда тушунтириш керак. Динга қарши курашни абстракт-идеологик тарғибот билангина чеклаб бўлмайди, уни шундай тарғиботдангина иборат қилиб қўйиш ярамайди; бу курашни диннинг социал илдизларини йўқ қилишга қаратилган синфий ҳаракатнинг конкрет тажрибаси билан боғлаш керак. Нима учун дин шаҳар пролетариатининг қолақ табақалари ичида, ярим пролетариатнинг кенг табақалари ичида ҳамда деҳқонлар оммаси ичида шунча сақланиб туради? Буржуа прогрессисти, радикал ёки буржуа мате-

риалисти бу сўроққа: халқ нодон бўлганлиги учун,— деб жавоб беради. Демак, битсин дин, яшасин атеизм, атеистик қарашларни тарқатиш бизнинг асосий вазифамиз, дейди. Марксист буни нотўғри дейди. Бундай қараш юзаки ва буржуача чекланган маданиятбозликдир. Бундай қараш диннинг илдизларини материалистларча ва етарли даражада чуқур тушунтирмасдан, идеалистларча тушунтиради. Ҳозирги капиталистик мамлакатларда бу илдизлар, асосан *социал* илдизлардир. Меҳнаткашлар оммасининг социал жиҳатдан эзилиши ва оддий ишчи кишиларни ҳар куни ва ҳар соат урушлар, зилзилалар ва ҳоказолар каби одатдан ташқари ҳодисаларга қараганда минг марта даҳшатлироқ азобларга, энг ваҳшиёна уқубатларга дучор қилувчи капитализмнинг кўр-кўрона кучлари олдида бу меҳнаткашлар оммасининг бутунлай ожиз бўлиб кўриниши — диннинг ҳозирги замондаги энг чуқур илдизидир. «Қўрқинш худоларни яратди». Капиталининг кўр-кўрона кучидан қўрқинш пайдо бўлади, бу куч кўрдир, чунки халқ оммаси уни олдиндан кўра олмайди; бу кўр куч пролетариатнинг ва майда хўжайинликнинг ҳаётида ҳар қадамда уни «тўсатдан», «кутилмаганда», «тасодифий суратда» хонавайрон бўлиш, ҳалок бўлиш, қашшоққа, паунерга, фоҳишага айланиш, очдан ўлиш ҳавфи остида қолдиради,— ҳозирги диннинг *илдизи* апа шу; тайёрлов синф материалисти бўлиб қолишни ҳоҳламаган материалист ҳаммадан олдин ва ҳаммадан кўпроқ худди ана шу илдизни назарга олиши лозим. Капиталистик зулм остида эзилган, капитализмнинг вайрон қилувчи кўр-кўрона кучларига боғлиқ бўлган омманинг ўзи диннинг бу *илдизига* қарши, *капитал ҳукмронлигининг* ҳамма формаларига қарши бирлашиб, уюшиб, план билан, онгли суратда кураш олиб боришни ўрганмагунча оқартув мақсадида эзилган ҳеч қандай китоб бу оммадаги диний эътиқодни йўқ қила олмайди.

Бундан, динга қарши оқартув мақсадида чиқарилган

китоб зарарли ёки ортиқча, деган маъно келиб чиқадими? Йўқ. Бундан асло ундай маъно келиб чиқмайди. Бундан социал-демократиянинг динга қарши пропагандаси унинг асосий вазифасига: эксплуатация қилинувчи *омманинг* эксплуататорларга қарши синфий курашини ривожлантириш вазифасига *бўйсундирилиши* лозим деган маъно келиб чиқади».<sup>1</sup>

Капитализмга қарши, ундаги реакцион дин ва шунга ўхшаш бошқа иллатларга қарши кураш шароитларида айтилган бу сўзлар ниҳоят даражада доҳиёна эди, жуда актив ўзгартувчанлик характериغا эга эди, буткул илмий эди. Шу Ленин кўрсатмаларига партия томонидан, меҳнаткашлар томонидан амал қилиниши чоризм ва буржуазияни сиғишда, Улуғ Октябрь инқилоби ғояларининг ғалабасини таъмин этишда, контрреволюцияни тор-мор келтиришда ғоят катта роль ўйнаган омиллардан бири бўлди.

В. И. Лениннинг диний-хурофий тушунча ва бидъатларга қарши курашни усталлик ҳамда нзчиллик билан олиб бориш ҳақидаги таълимоти ҳозир ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳали капиталистик мамлакатлар бор, уларда дин илдизлари ва дин бор. Бинобарин, ҳали кураш тугагани йўқ, давом этмоқда, ҳатто кучайган ва позиклашган тарзда давом этмоқда у кураш.

Шу ҳам маълумки, бизнинг мамлакатда Совет ҳокимияти даврида халқлар, ота-оналар, болалар жонажон Коммунистик партия раҳбарлиги остида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жуда улкан муваффақиятларга эришдилар, авваллари ўйлаш ҳам мумкин бўлмаган даражадаги озод ва бахтли ҳаётга эга бўлдилар, реакцион дин ва руҳонийлар, уларнинг таъсирига алданиб берилган тескаричи фанатиклар жон-жаҳдлари

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Коммунистик ахлоқ тўғрисида, «Ўзбекистон» нашриёти. Т., 1966, 84—85-бетлар.

билан бунга қарши курашдилар, бир қанча одамларини-  
мизин, бир неча ажойиб талантларини ишқоқладилар.  
Лекин енгилдилар. Янги ҳаёт, янги жамият ғоялари  
борган сари ҳар жабҳа бўйлаб таптана қилаверди ва  
коммунизм яқинлашаверди.

Аmmo, юқорида айганимиздек, афсуски, ҳозирда  
ҳам биздаги баъзи одамларнинг, шу жумладан айрим  
ёшларнинг, ҳатто айрим болаларнинг оғида диний-  
хурофий қолдиқлар таъсири ва изи, элементлари бор.  
Пари ва алвастига, фолбинга ишониш, тиши ё томоғи  
огриси, «муқаддас» тошни ялаш ва касаллик устига ка-  
саллик ортдириш, аллақачонлар ўлиб кетган ва тупроқ-  
қа айланган «авлиё» қабрига сиғиниш ҳодисалари шу-  
лар жумласидандир. Булар бизда борган сари камайиб  
кетмоқда. Лекин айрим қолганлари ҳам зарар бер-  
моқда.

### Азиз ёшларимиз!

Сизлар жонажон партиямиз раҳнамолигида ижтимо-  
ий ҳаётнинг ҳар соҳасида ажойиб мўъжизакор ва ҳаёт-  
бахш ишларни амалга оширдиларингиз ҳамда оширмоқ-  
дасизлар. Яшн, мамлакатимизни асрий қолоқликдан  
қутқазиб, социалистик асосда қайта қуришда, энг юк-  
сак ва нуроний идеал ҳисобланган коммунизмни ҳаёт  
ҳақиқатига айлантиришда, азим тоғларни қўпориш ва  
ўзар дарёлар оқимини ўзгартиришда, чўлни қувиб, ўр-  
инга гулгун баҳор ва гўзал ҳаёт олиб келишда, ақлли  
машиналар ясаш ва ҳавасланарли китоблар яратишда,  
Ватанимизни ҳар қандай душманлар ҳуружидан сақлаш  
ва уларни тор-мор этишда, лаънати империализм ҳамда  
мустамлакачиликка қарши курашда ва капитал сиртмо-  
гидаги меҳнатқашларни, тутқунликдаги халқларни қўл-  
лаб-қўлтиқлашда, миллий озодликка эришганларнинг  
ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беришда кўрсат-  
ган қаҳрамонликларингиз бутун дунёни ҳайратга солиб  
келмоқда, мамлакатимиз шуҳратини ер юзига ёйишда  
ўлкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳа, улуғ Ватанимизнинг азиз ва ҳаётбахш ёшлари, шу жумладан қип-қизил лола янглиғ галстук таққан ўсмирлар! Сизлар улуғвор ишларимизда партия ҳамда комсомолнинг, бутун халқимизнинг ажойиб ёрдамчисидирсизлар. Сизлар ҳам ўз ораларингизда у ёки бу хурофий тушунча таъсирида бўлган айрим ёшларни шу таъсирдан тозалашда ҳам хурофотга берилган катталарга тушунтиришда, умуман реакцион диний-хурофий сарқитларга қарши курашда актив қатнашмоғингиз керак. Билим бу ишни енгиллаштиради, илм машъали жуда катта ва қудратли қуроллик вазифасини ўтайди. Чунки, билим, илм диний хурофотнинг, ҳар қандай бидъатнинг ашаддий душманидир. Ҳар қандай хурофот борлиқни сохталаштиради, бузиб кўрсатади, йўқ нарсаларни бор деб даъво қилади, инсоннинг онгини ўтмаслаштиради, қоронғилаштиради, заҳарлайди. Илм эса, борлиқни тўғри акс эттиради, ифодалайди, онгини ёрқин ва ўткир қилади, табиатнинг сир ва қонунларини билишда табиатни инсонга бўйсундиришда, инсон манфаатига хизмат қилдиришда ёрдам беради. Шундай қилиб, илм диний-хурофий тушунчаларнинг ёлғон ва халққа зарарли эканлигини исбот қилади.

Бинобарин, шу учун ҳам илмни, билимни кўп ҳамда чуқур ўзлаштиришга интилинг ва шулар олови билан зарарли диний-хурофий тушунчаларини, бидъатни ёндиринг, йўқотинг!

**1966**

### **ҲАМ ИЛТИМОС, ҲАМ ИЛТИЖО**

Аввало митти муқаддимаомиз бир печа сўз.

Менга айтиб беришди: шундай колхозчилар борки, молхонасида ўнта қўй ё дарвозаси ортида ярқироқ машина ёки сандиғида пачка-пачка пули бор, аммо уйида китобдан дарак йўқ. Баъзан дунё классикаси дурдона-

ларининг, шу жумладан, масалан, Степдаль ва Флобер романларининг ўзбек тилидаги нашри тиражили белгилашда бўлган тортишувлардан хабардорман, шу тортишувларда нисбатан оз чиқариш тарафдорлари «ғалаба» қилганларидан ҳам воқифман. Бу «ғолиб»лар харид қиладиганлар айби билан китоб омборларида ётган уй-маларни биларлар, шунинг учун, балки, ғалабада ҳақлидирлар. Афсус... Жуда бой санъат музейимизга бир печа бор бордим,— баъзан ташкил қилиб келтирилган мактаб болаларили ҳисобга олинмаса, кўпинча ҳеч ким йўқ ёки жуда одам оз,— Ғарб ва рус мўйқалам соҳиблари чизган ажойиб тасвирлар ҳайрон... Ҳатто Москва ва Ленинграддан, Европа мамлакатларидан келган машҳур санъаткорлар ижросида берилган Гайдан, Моцарт, Глинка ва Шуберт асарлари концертларига бордим — мен кўзда тутган кишилар жудаям кам... Ҳаётбахш маънавият мўъжизалари бир ёқда қолиб, вақтин бўлмағур «машғулот»лар билан ўтказадиган сатанг сочлилар ва олифта шимлилар ҳам йўқмас. Аянчли ва ачинарли ҳол.

Ранжимасдан, ўнкаламасдан ва чуқурроқ ўйламасдан илож йўқ. Шу туфайли ушбу даъватнома ёзилди. Шоят ёрдам берса...

Азиз ўзбегим!

Азалдан шоҳиддир доно сабоқли ва узундан-узоқли тарих: ҳеч бир цивилизацияли халқ ҳеч қачон бошқа халқлардан ажралган ҳолда яшамаган, тўғрироқ айтганда ва аниқроқ қилиб ифодалаганда — шу бошқа цивилизацияли халқлардан, уларнинг таъсиридан ташқарпда шундай цивилизацияга эга бўлмаган. Умуман, ҳар бир халқ маданияти хазинасини бойитиши қонуниятларидан бири бошқа халқлар хазинасидан мумкин қадар кўп ва оқилона, ижодий фойдалана билишдир. Ҳеч бўлмаганда шуни эслаб боқ, азизим: улуг Навоийнинг камолотида, чунончи, буюк Низомий ижодининг ҳиммати, иштироки қандай ва қанчалик бўлди (ахир,

Атойи ва Лутфийлар билан ўралиб қолганида, Низомийга ҳам таъзим қилиб, ҳам унинг «панжасига панжа...» ташлаб иш кўрмаганида нима бўларди!..); бир вақтлар ўзгандан ўрганганинг ипакчилик асрлар мобайнида ҳаётингнинг қарийб барча соҳаларида нақадар зўр ижобий иш қилди, турмушингни қанчалик безади ва дидинг нафислигини қай даражада кўтарди; Октябрь илқилобигача бўлган давр охирларидаги улкан адабиётингнинг энг кўркем ва энг оригинал новатор вакили Фурқат илғор рус адабиётидан, маданиятидан қай даражада бахраманд бўлди ва ўз халқи бадийиятига қандай янги йўналиш бериб, қай даражадаги юксакликка кўтарди! Бунинг устига, ўз халқи тараққиётини шу улғу маданиятни эгаллаш ва ғалабалар боғлиқ деб айтган эди. Кейинги буюк кураш ва ғалабалар ила тўла йиллар бунинг, бу башоратнинг тўғрилигидан ва ўта муҳим оқибатидан шаҳодат эмасми!..

Хуллас, айтмоқчиман сенга, азизим! Барча халқларнинг туб манфаатларини кўзлаган Ленин, унинг партияси, Совет Иттифоқи ва ҳукумати сенинг асрлар мобайнида китобга гадо бўлганлигинга хотима берди, қардошлар ва жаҳон маданиятига энг катта ва энг яқин йўл очиб берди тарихингда биринчи марта. Унутма, сен йигирманчи асрда, Улғу Октябрь ғалаба қилган, атом қуввати кашф этилган, Ер тортиш қуввати енгилган, коинот забт қилинган ва инсоният тақдири ҳал бўлаётган вақтда яшамоқдасан. Сен бу ғоят мураккаб вақту шароитларда умумбашарият келажаги ва цивилизацияси тақдирини ҳал қилишда улкан масъулиятга эга бўлган ва актив курашаётганлардансан. Сен энг олий идеал мужассамлашган жамият қураётганлардансан ва ўшал ўта гўзал манзил томон шахдам кетаётганлардансан. Ёнобарин, сенинг маданиятинг, маънавий сиймойинг ва онгинг ҳам шу даражада ҳар томонлама бой ҳамда баланд бўлмоғи лозим. Бу, Ленин васиятидир, таълимотидир, партиямиз талабидир. За-

мон талабидир. Истиқбол талабидир! Шунга эришмоқ йўлларида ва омилларида бир: керак маънавий бойликларни қардошларингдан, жаҳон халқларидан ол. Шун қилишга лозим бўлган барча имкониятлар сенинг ихтиёрингда, уларни сенга Ленин партияси ва ҳукумати яратиб берди.

Бил, сени илғор инсоният томонидан асрлар мобайнида ва асримизда ижод қилинган олам-олам бадиий маданият дурдоналари кутмоқда. Ахир, азиз русим геннал Пушкин, Толстой, Чайковский ва Горькийларни башариятга берди, уларнинг беқиёс қудратли ва ўлмас асарлари сенинг ҳар бир хонадоннинг эшигини қоқмоқда — зақойинга зақо қўшай деб, турмушинга зебу зийнат берай деб. Азиз қозоғим Абай ва Ауезовни берди, азиз украиналигим Шевченко ва Тичинани, азиз грузиним Шото Руставели ва Абашидзе, қадрдои қардошим озарбайжон халқи эса Низомий, Хожибеков ва Самад Вургулларни берди. Ҳаммасини санаб бўладими! Улар ҳам сенга гулдасталар, дурдоналар тутмоқдалар. Ол! Барчасини!

Юксак истеъдодли юнон Аристофан ва Эсхилли, Италия Рафаэлли, инглиз халқи Шекспир ва Шоунли, немис халқи Гёте ва Брехтти, Америка Драйзерни берди. Ҳаммасини санаб бўладими! Булар ҳам остонаида муштазирлар.

Фирдавсий ва Тагорни, Виктор Гюго ва Нозим Ҳикматни, Абовян ва Купалани, Межелайтис, Мирзо Турсунзода, Айтматов ва Хачатуряшларни айтмайсизми! Ҳаммасини санаб бўладими! Буларнинг бир неча асарлари уйингда, дилингда, лекин анчагина қолганлари ҳамон эшигинини қоқмоқдалар — сенинг хонанг ва ҳаётингни янада рангин ва гўзал қилмоқчилар, кўркам ва мазмундор қилмоқчилар, Ватанингни янада маъмур ва масрур қилмоқчилар. Йўл оч, азизим улар яратган боқий ва бебаҳо бойликларга. Ҳеч ютқизмайсан. Ютасан. Ютганда ҳам уммондан улкан хазина ютасан...



Ҳа, унутма: айниқса энди дутор, допра ва Муқимийлар билан шашмақом, Бехзод ва «Алпомиш»лар билангина узоққа кета олмайсан — булар ҳақиқатан ҳам қанчалик улуғ ва қимматли бўлмасин! Ахир, планетамиз кичик бўлиб қолди; юқорида айтилгандек, олдинда беҳад улуғвор мақсад ва вазифалар кўндаланг бўлиб турибди, барча мутараққий башариятнинг умидгоҳи ва суянчи бўлган улуғ мамлакат халқларидансан. Ахир, жаҳон бадий маданиятининг ҳар бир буюк вакили бир оламдир. Баъзан киши ўйлаб қоладики, масалан, Пизомий ва Толстойларни яратишга оддий табиатнинг кучи етмаса керак, уларни ҳозирча аниқланмаган, кашф этилмаган, кўзга кўринмас қандайдир сирли, табиий куч яратгандир... Ахир, буюкларнинг ҳар бир бебаҳо асари дилингга зиё, меҳнатингга мадад, ижодингга илҳом ва бахтига устига бахт бахш этади. Тафаккурга куч беради, юксак орзулар олами қаърига парвоз қилишга қудратли қанот беради, келажакнинг янада гўзаллигига қаноат ҳосил қилдиради, шу келажакни ҳаёт ҳақиқатига айлантиришга йўллайди.

Ахир ўзинг чуқурроқ ўйлаб кўргин, Улуғ Октябр, кунларида эски оламдан, сўнгра оч ва юнун йилларда Антантадан, сўнгра эса Гитлер газандаларидан зўр чиққанлигимиз китоб туфайли ҳам эмасми! Дунёда энг йирик Братск ГЭСини китобсиз қуриб ё асрлар ажин босиб ётган Мирзачўлни сафоли гул ва шодиёна куй масканига китобсиз айлантириб бўлармиди! Авваллар ўзбекнинг ўрта умри ўттиз беш бўлган экан, ҳозирги эришилган икки баробар узунликка олиб келиб бўлармиди уни китобсиз, ёки пахта ҳосилини ўндан эликка чиқариб бўлармиди ўша китобсиз!

Йўқ, зотан Ленин таълимоти, Партия программаси, Циолковский даҳоси, музыка нотаси, шеър хазинаси, ҳосил илми, «Катюша» ва Релин фаши, пафис дил ва гўзал коммунистик ҳаёт лойиҳаси шу китобда.

Ҳа, барча халқлар томонидан яратилган, хилма-хил

билимлар ва беқиёс қудрат машабаи бўлган китоб, воқеликни ўрганиш ва ўзгартириш воситаси ҳисобланган китоб, ҳаётингга ҳамда онгингга нур ва нафосат берадиган китоб янада кўпроқ ва тезроқ қўлинггаю қалбингга етиб борсин! Яъни кенг маънодаги катта маданият (китоб бу ерда ушнинг умумлаштирилган символидир!) чўққиларига, ҳар томонлама баркамол бўлишга интилиш диққат марказида турмоғи лозим.

Бошқа йўлинг йўқ!

Бу улкан ишнинг— қардош ва жаҳон халқлари маънавияти бойликларидан фаол фойдаланишнинг яна бир чексиз шарафли фазилати бор: сенинг шу халқлар билан яқиндан таниш, дўст, биродар ва ҳамкор бўлишингга бонслик вазифасини ҳам ўтайди. Дўстлик ва ҳамкорликдан эса улуғ нарса борми!

Шунисини ҳам айтай: ахир, ўтмишдаги ҳар бир подир истеъдод ва юксак нафосат соҳибининг ҳар бир сатри бедор ўтказилган тим қора тун ташвишлари, потинч кечирилган кундуз кулфатлари, соатларни соатларга, ҳафталарни ҳафталарга, йилларни йилларга, азобларни азобларга улаган узлуксиз изланиш машаққатлари, алангали саратон иссиғи ва тиканли изғирин азоблари,— хуллас, гоят мураккаб ҳаёт, қақшатғич кураш ва «игна билан қудуқ...» қабилидаги ижод қийинчиликлари натижасидир, андуҳлар мевасидир, таъқиб ва таҳқирлар оқибатидир. Дарҳақиқат, ўшал Леонардо да Винчи ва Радишчев, ўшал Лермонтов ва Достоевский, ўшал Петефи ва Фучикларнинг чеккан азоби ва кўрган фожиаларини эсла! Лекин улар ҳеч нарсага қарамасдан, ўз замондошлари учун, келажак авлодлар учун, барча халқлар саодати учун яратишдан тўхтамадилар, яратдилар. Сен учун ҳам, албатта.

Ҳа, ҳам кечмишдаги, ҳам ҳозирги жаҳон бадинияти хазинасини яратувчи ва бойитувчиларнинг қарийб ҳар бири чидаш гоят маҳол бўлган ижод қийинчиликлари оғушида туғилган ҳамда камол топган бир бебаҳо олам-

дир. Ол, азизим, уларнинг машгу барҳаёт ва ҳаётбахш даҳо дурдоналарини. Олибгина қўймай, ўзингники қил, ўзлаштир, тўлалигича баҳраманд бўл улардан. Бу соҳада, замон талаби даражасида бўлиш ва улкан истиқбол савиясига кўтарилиш учун бундан бошқа йўл йўқ. Қаранг, нима деган эди Навоний Низомий ҳақида:

Тутиб гавҳарлари яксар жаҳонни,  
Нечукким хайли ахтар осмонни.  
Йўқ ул гавҳарки, чун туфроққа қолғай,  
Аёғ остига чун қолғай, ушолғай.  
Анингдек гавҳариким, жилва чоғи,  
Музейян бўлғай андин эл қулоғи.  
Не ул зийнатки, осилғай қулоқтин,  
Ва-гар осилса, айрилғай қулоқтин.  
Дуреким, чун қулоқни қилди маскан,  
Кириб, қилғай кўнгул дуржини маҳзан.  
Кўнгул дуржин демай бўлғай лаболаб,  
Ким ул дарёга солғай дурни то лаб.  
Ким ул гавҳардин олса ҳалқи ҳардам,  
Юз илда бўлмағай мингдин бири кам.

Гениал Горький рус генийлари ҳақида теран ҳаққонийлик ва қонуний ғурур билан ёзган эди:

«...Рус халқи даҳшатли шароитлар мавжудлигида, бутун дунёнинг мақтовига сазовор бўлган гоят ажойиб адабиёт, ҳайратомиз рассомлик ва оригинал музыка яратиб, санъат соҳасида юракдан қилинган ижодкорликда ўзининг мўъжизасимон кучини намоян этди. Халқ оғзи қулфланган — овози бўғилган эди, руҳи қанотлари боғланган эди, аммо бу халқнинг дили ўнлаб буюк сўз, товуш, бўёқ нафосаткорларини яратди.

Бизнинг энг улкан фаҳримиз ҳисобланган ва Россия маънавий кучининг энг тўлиқ ифодаси бўлган гигант Пушкин, у билан бир қаторда эса сеҳргар Глинка ва ажойиб Брюллов, ўзига ва одамларга бешафқат Гоголь, кутиш азобини чеккан Лермонтов, ғамгин Тургенев, дарғазаб Некрасов, буюк исёнкор Толстой ва бизнинг хаста виждонимиз — Достоевский; Крамской, Репин, тенги йўқ Мусоргский, бутун кучини, бутун ҳаётини

рус одамнинг «ижобий тип»ни яратишга қаратган Лесков ва ниҳоят, улуғ лирик Чайковский ва тили соҳрли Островский. Улар шу қадар бир-бирларига ўхшамайдиларки, бундай ҳол биздагина — Русдагина бўлиши мумкин,— бир авлоднинг ўзида гўё ҳар хил асрлардаги шахсларга ўхшаб ҳар хил психологиялидирлар, аралаш-қуралаш бўлиб кетмайдигандирлар.

Бу барча ғоят улкан бойликлар Русь томонидан юз йилдан кам вақт ичида яратилди...

Рус санъати биринчи навбатда самимий, дил санъатидир. Унда инсонга бўлган ўчмас романтик севги олови ёнади, бизнинг ҳам улуғ, ҳам кичик нафосатчиларимиз — адабиётдаги «халқчилар»нинг, «кўчиб юрувчи» рассомларнинг, музикадаги «тўдачилар»нинг ижоди шу севги олови билан пориллайди...

Мана, чунончи, қандай хазиналар сенга мунтазир!

Шу ернинг ўзидаёқ яна бир муҳим нарсани даъватимиз фойдасига эслатиб ўтай: Октябрь инқилобидан неча-неча йиллар аввал Фурқатнинг илғор рус профессионал музика ва конадалик санъатига қўйил қилиб ва беҳад мафтун бўлиб, мадҳ этганлиги, унинг ўзбек халқи орасига кенг кириб боришини орзу қилганлиги ҳеч тасодифий бўлмай, ҳам улуғ шоирнинг зийраклигидан, дунёқарашни кенглигидан далолат беради, ҳам унинг давридаги мавжуд жамият тубида баъзи асослари эндигина уна бошлаган янги социал воқеликнинг илк шабадаси эди десак бўлади.

Мана унинг шу улкан санъатдан ўз халқининг бақраманд бўлишини орзу-умид қилиб ёзган ажойиб сатрларидан бир жуфти:

**Аё Фурқат, кулоқ сол забт этиб хуш,  
Ки, шояд наслимиз солғай дебон гўш.**

Кўришадикки, бундан уч чорак аср олдин ва ғоят қо-лоқ шароитда яшаган Фурқат ҳозирги замондошларимизнинг баъзиларидан баланд турган экан, ақллироқ бўлган экан бу масалада...

Юқорида қисман қайд қилингандек, Сени, азизим, китобга гадоликдан Советлар қутқарди. Лопе де Вега ва Шиллер, Островский ва Мольер саҳнада ўзбекча сўзлай бошладилар; бошқаларнинг қатор-қатор асарлари жовошларингда, радио ва телеэкранинда. Ленин маданий инқилоби оқибатида, барча қардошларнинг оиласида адабиётнинг ва санъатнинг мисли кўрилмаган даражада гуллади. Шу қардошларнинг ва умуман жаҳон маданияти бойликларидан борган сари кенг ва чуқурроқ баҳраманд бўлмоқдасан. Янада тўла ва атрофли фойдаланиш имкониятига эгасан. Аммо... Мен, азизим, диққат-этиборингни шу анчагина ачиқ «аммо»га тортмоқчиман. Ҳа, аҳвол, юқорида айтганимиздек, жиддий. Мана, китоб магазинларига кирганимда оловдек ёниб турган ва дилни ҳеч тенги йўқ жозиба билан тортадиган ажойиб бадиятнинг бир қанча намуналари харидорга интизор бўлиб ётганлигидан жуда ачинаман. Шаҳар, хусусан, қишлоқ кутубхоналаридаги китоб, журнал, газеталардан ниҳоят даражада оз фойдаланилаётганлигидан гоят афсусланаман. Йиллар қўл тегмаган нодир китоблар ё йиллаб қўлга китоб олмаган одамлар бармоқ билан санарли эмас. Энг юксак жанр — опера ва балет санъатимизнинг дунёга донғи кетган нақшвор кошонасидаги қатор-қатор ўринлар томошабинларни орзиқиб кутишларидан ва изтироб чеккандай бўлиб бўш туришларидан уяласан, киши. Ажойиб рассом ва бастакорларнинг янги ижод меваларини йигирманчи аср одамига хос ҳолда сабрсизлик билан кутадиган — кузатадиганлар кўпмикин? Рафаэль, Бетховен ва Шостаковичларнинг асарларидан мириқиб баҳраманд бўлаётганлар ҳам қанчайкин?! Айниқса, Горький прозаси, Маяковский шеъриси, Фадеев ва Шолохов, Федин ва Симонов, Леонов ва Кожевников романлари кириб бордимикин ҳамманинг ҳаёти ва маънавият оламига?!

Кези келганда шуни ҳам айтиб олай. Ҳамон ёдимда қуйидаги жуда ширин ва шукуҳли шингил воқеа.

Бундан тўрт йилча аввал Совет Эстониясида бўлиб, баланд равнақидан чексиз шодланган эдик. Шаҳарлари гоят обод, тоза, барча қишлоқлари эса чамандай кўркам, ҳамма деҳқон уйлари қўғирчоқдай ёқимли ва гўзал. Бир кун ажойиб ва жажжигина пойтахт — Таллин кўчаларидан баъзиларининг тратуарларида газет, журнал, китоб ўқиб тўп-тўп турган одамларга кўзимиз тушди. Шунда ҳайратимизни пайқаган эстон дўстларимиз тушунтиришди:

— Бизда гул ва китобга навбатда туриш бор...

Мана гул ва китобни — гўзаллик ва маданиятни севиш ва ардоқлаш! Жуда ҳавасим келган эди ўшанда...

Хуллас, азизим, Ватанимизда миллион-миллион пул ва ўта катта куч сарфлаб, совет кишисининг ҳар томонлама тўқис, комил бўлиши учун барча имкониятлар яратилган, яратилмоқда. Шулардан тўла фойдалан — ҳам фикринг ва онгинг, ҳам дидинг ва диёринг, ҳам кийиминг ва кўрinishинг, ҳам меҳнатинг ва истироҳатинг, ҳам хулқинг ва чеҳранг гўзал ва мазмундор бўлсин.

Шу учун Улуг Октябрь инқилоби қилинди. Шу учун беҳисоб қурбонлар берилди. Шу учун мана неча йиллардирки, тер тўкиб ва тоғ ошиб, денгиз яратиб ва чўл қувиб, гигант заводлар ва маданий кошоналар қад кўтариб, коммунизм қурмоқдамиз.

Ҳамма гап ҳамиша яхши янгиликка ва юксакликка интилишдадир!

20. VII. 73.

### **ИСТИҚБОЛИНГ ПОРЛОҚ, АЗИЗИМ**

1966 йил феврали. Маршрутимиз: Тошкент — Москва — Белград — Жазоир — Мали мамлакатлари. Осмон елканида учишда давом этмоқдамиз. Мана ниҳоят,

Югославияни, қорли қитъанинг Африка томон жойлашган охирги қисмларини самолётимизда кўздан кечириб борар эканмиз, узоқдаги поёни йўқ мовий само билан қўшилиб кетган мовий сув кўзга ташлана бошлади. Бу, беш йил аввал мен кўрган, сузган (у вақтда азим теплоходда эдик) ва етарли таърифлаш ғоят қийин даражада гўзал, ажиб ҳамда нажиб рангли сувга эга бўлган Ўрта ер денгизи эди.

Нақадар чиройли ҳамда қудратли денгиз ва нақадар сирли ва сеҳрли манзара! Баъзи жойларида сув сокин, жилвакор; ярқироқ қуёш нурлари билан аста ўпишаётгандай, тиниқ офтоб билан ўйнашаётгандай. Баъзи жойларида эса, шиддатли бўрон ва тўлқинлардан кўтарилаётган ва шу оннинг ўзидаёқ бошқалари билан тўқнашиб-олишиб гойиб бўлаётган баланд «тоғ-тепа»-ликилар, оппоқ кўниклар унинг пўртаналар макопига айланаб ва атрофга даҳшат солиб пишқираётганлигидан, ўкираётганлигидан дарак берарди.

Ғоят кичик кўринаётган кемалар шундай чексиз, зўр ва бепоён денгиз долгалари қўйнида ўта ваҳимали ҳамда даҳшатли тўлқин-тўполонларни енгиб, наҳангдай сузиб кетмоқда. Бизнинг лайнеримиз ҳам маълум маънода пастдагидан зўрроқ хавф-хатарли осмон денгизиде бепарво учишни давом эттирмоқда. Яна неча соатдан бери, денг!

Айниқса шундай вазият ва пайтларда одам ақли ва қобилиятига, закоси ва даҳосига қудрати ва журъатига маҳлиё-ю қойил қолмасдан илож йўқ...

Қуруқлик кўрина бошлади. Дам ўтмай ҳаво кемамиз Жазоир пойтахти — Жазоир аэропорти заминидан жой олди. Эшикдан чиқишимиз биланоқ эътиборни биринчи ўзига тортган нарса — барча яхши ишларда Советлар ёрдамидан баҳраманд бўлган миннатдор араб дўстларимиз чеҳрасидаги ёқимли ва самимий табассум, теварак-атрофни қоплаган муаттар баҳор, кўкат ва чечаклар бўлди...

Лжаб: бундан бир неча соат аввал жилва ва жозн-бали оппоқ қор билан эдик, энди эса қаршимизда гўзал ва ифбатли баҳор! Нима ҳам дейсан муъжизали ва ҳайратланарли коргоҳ ҳамда сиргоҳ ҳисобланган она табиатнинг қудрати-ю маҳоратига!

Мен дарров бориб, ўша кўкат ва чечакларга назар ташладим-у, ҳайрон қолдим — улар худди биздагидай, ҳа, Ер куррасининг гоят узоқ ва тамомила бошқа чек-касидаги баҳорда пайдо бўладиганлардай ўша барра ўт ва бинафша, ўша атиргул ва бойчечак!

Ҳозирги замон европа архитектураси стилида солинган ҳашаматли аэропорт биносида дўстларимиз лаззатли араб таоми ва муздай мева шарбати билан меҳмон қилганларидан сўнг пойтахт шаҳар томон йўл олдик.

Мана, қаршимизда афсоналарда ва жангномаларда тилга олинган қадимий ва янги Жазоир!

Бир ярим миллиондан ортиқ фидоийлар, қурбон бўлганлар қони эвазига қўлга киритилган ҳаётбахш миллий мустақиллик ва озодликнинг ажойиб оқибатлари билан танишар эканмиз, бундан бир неча йилгина олдин хотима берилган ўшал машъум тутқунлик вақтлари ҳамда даҳшатлари эсга тушиб кетди, ҳали буткул тугатишга улгурилмаган қолдиқлари, тўғрироқ айтганда, асорати излари ҳам кўзга ташлана бошлади.

Ҳа, юз йилдан кўп давр ичида босқинчи француз генераллари ва адмираллари, боён ва амалдорлари, каллакесар ва газандалар, ирқчи ва фохишабозлар Жазоир халқининг бошига беҳисоб бало тошларини ёғдирдилар, сийнасини шафқатсиз тирнаб, муқаддас она тупроғини тўхтовсиз топтадилар, тараққиётини тўсдилар, бўғдилар. Эрк деганида ўққа тутдилар, нон деганида қамчиладилар, оддий савод талаб этганида ё бола-си учун кўйлакка бир парча чит орзу қилганида кишига солдилар, авахтага ташладилар.

Бунинг устига, ўшал хулқи бад мустамлакачи боён-



лар, сиёсиюн, ҳарбий ва амалдорлар бу ерга қанчалик разил, қабиҳ ва фожиали бузуқликлар олиб келмадилар, ахир!

Шундай қилиб, улар аҳолини моддий жиҳатдангина шилмай, аини замонда маънавий томондан ҳам қашшоқлаштиришга зўр бериб ҳаракат қилдилар, кишиллар ҳаёти ва онгини ҳар қандай ярамасликлар билан заҳарлашга тиришдилар.

Маана, шундай бели оғриб топмаган бойлик ва жирканч хулқ-атворга эга бўлганларнинг қолдиқлари Жазоир туннда кайф-сафо қилиб мусаффо шаҳар ҳавосини булғайдилар.

Ҳа, мустамлакачилар яратган аччиқ тақдир, нобоп ижтимоий қоидалар нисон, халқлар ва мамлакатлар бошига не-не кулфатларни солмади...

Африка нқлимга хос ўта тим қора тул исканжасида ва яқинларда ихтиро этилиб жорий қилинган неон чироқларининг ёғдулари қўйнида арслондек ўкириб ётган улкан Жазоир пойтахтида келгиндилар томондан ўрнатилган олов ва олчоқлик, қирғин ва қилич кучи билан сақлашиб келган, неча-неча йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган жабр-зулмат тузумининг оқибатларидан қуйидагиси мени гоятда кучли ҳаяжон ва ғам-аламга солди.

...Бундай болалар оз эмас. Улар эртадан ярим кечгача хиёбон ва паркларда, отель ва ресторан, магазин эшиклари олдида изғиганлари изғиган. Уларнинг «хизмат»лари ҳар хил: такси чақириб бериш ва фалоп кинога олиб боришдан тортиб то тунги «кайф-сафо» ери ҳисобланган разолатхонага йўл кўрсатишга қадар. Бу мажбурий «хизмат»нинг мақсади ва ҳақи — ҳеч бўлмаса озгина нон олишга етадиган чақа.

Шундайлардан бири — дабдабали отель эшиклари олдида турган бечора бола ҳамон кўз ўнгимда.

Биз шу отелда бир оз дам олгандан сўнг кеч соат ўнларда шаҳар кўриб, ҳаво олиш мақсадида кўчага чиқдик. Шу он менинг кўзимга эшик олдида деворга

суяниб турган, ўн икки ёшлар чамасидаги бола ташланди. У ниҳоят даражада хушрўй, ғамгин кўринишли, буғдой рангли, юзи сўлғин ва ёқаси чок араб боласи эди. Гоҳ кирган-чиққан утган-кетганларга қараб кўзлари жавдирар, нажот ахтарар, гоҳ эса нотавонлик ва почорлик ҳисси устун келиб, бошини қуйи солар ва ерга тикилганича жим қоларди. Тили одамларга қараб нимадир сўзламоқчи ва сўрамоқчи бўларди-ю, лекин дили қўймасди — бола бўлсада, оламийлик олгин, инсонлик ғурури бор эди унда. Лекин қандайдир бўлмасин бари бир унинг бутун фикр-зикри чақага эга бўлишда. Аммо қандай қилиб?

Ҳамма гап ва азоб-изтироб мана шунда! Бола бечора яланг оёқ югуради, ёлворади, яна югуради, ахтарарди, ўтинади. Ниҳоят кўпинча қўли бўш ва ҳорғин ҳолда ғамхонасига қайтади...

Уша арслондек ўкираётган шаҳар даҳшатлари ва иложсизлик азоблари уни худди кутурган аждаҳдек ўз комига югаётгандек туюлди менга. Мурдору мунофиқларнинг тунги кайф-сафо овозларига мухтож хуқуқсизларнинг дод-фарёди қўшилиб кетган ёқимсиз товушларнинг тўлқини тўфонда бир хасдек гоҳ чўкиб, гоҳ юзага чиқиб оқиб кетмоқда у бечора.

Биз бориб унинг бошини спладик, суҳбатлашдик. Маълум бўлишича гўдаклигида отаси француз мустамлакачиларига қарши курашда қўлга қурол олиб, узоқ вақт жонбозлик қилган, ғалабага оз қолганда ҳалок бўлган. Онаси эса амалдор бир французнинг уйида чўрилиқ қилган. Кескин кураш, кўп йиллар давом этган каттиқ мухтожлик ва ҳуқуқсизлик натижасида, айниқса меҳрибон ва вафодор ҳаёт йўлдошининг ҳалокатига бардош беролмай сил касалига мубтало бўлиб, ҳозир бир хароба кулбада охирги кунларини кечирмоқда — ҳам бу аламли олам билан, ҳам биргина жигаргўшаси бўлган саргардон боласи билан ҳамишаликка видолашишга тайёрланмоқда...

Ҳа, аччиқ тақдириниғ юрак ўртайдиган аччиқ азоби ва истеҳзосига қараиғ!

Шундай қилиб, муқаддас Ватан озодлиғи ва мустақиллиғи учун олиб борилган жанг алангалари ҳар ерда буралиб-буралиб ёнган, муҳтожлик ва вайроналик, террор ва таъқиб юрт бўйлаб кенг қанот ёйган пайтларда жуда кичик бўлган бола бечора, на меҳрибон ота оғушиниғ лаззатларини тота олди, на муҳаббатга тўлиб-тошган потавон онани сокин кўришдан ва унишг шоднён эркалашларидан баҳраманд бўла олди, на ўйинни ва ўйинчоқни билди.

Мана неча йиллар ўтди, у ҳамон дарбадар, отель эшиклари олдида хор-зор; кимшингдир меҳр-саховатига умид боғлайди, суянади, кутади, гоҳ шафқатсиздан шанати ейди, тош юраклидан таҳқир эшитади, безоридан туртки олади, гоҳ чорасиз меҳрибондан хайрихоҳлик кўради, иложсизликдан илиқ сўз эшитади, унда ҳам, бунда ҳам билдирмасдан кўз ёш тўкади, дили қон, ўзи изтироб чекади. Буниғ устига, хаёлида кўзларига оловдек кўришган чақа ўлгур ҳеч тутқич бермайди. На чора, нима қилсин, ахир уни муҳтожлик азоби ўртамоқда-ку, буниғ устига, кўримсизгина кулда юнун кийимга ўралган ҳолда қоқ ерда ётган ва кечадан бери оғзинга ҳеч нарса олмаган муштипар бемор она ҳам кутмоқда-ку, уни!

Эвоҳ, бу жажжигина ва гулдай боланиғ нима айби бор, нима гуноҳи бор! Ахир, у ҳам инсон авлоди-ку! Ахир, қуш ва мушуклар ҳам болаларини ардоқлайдилар-ку! Қолаверса, суҳбатлашаётган пайтимизда ёнимиздан ўтиб кетган ялтироқ янги машинада бир зодагон ўз иғиниғ бошини силаш ва ҳаммага кўз-кўз қилиш билан маҳлиё, мамнун. Шундайликка шундай, лекин нега бу инсон боласи шу даражада хор-зору хокисор! Ахир, у кўкрак кериб озод нафас олиш, болаларга хос шўхлик ва шодлик билан ўйнаб-кулиш, аввал ўйинчоқ, сўнгра китобу мактаб билан бўлиш, шундай қилиб

билан, ота ва онанинг қалбини безаш, вояга етгач эса мўл билими, ижодий меҳнати ва маҳорати билан элу юртни обод этиш учун дунёга келган. Ҳа, ота ва онаси унга шу янглиғ ис-не умид ва ширин орзулар билан қараган!

Лекин у... Бас, энди бу ҳақда — юрагим жуда эзilib ва ўрташиб кетди. Яхшики, унинг келгиндилар асоратидан озод бўлган ватанининг ҳокимият бошлиқлари мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган бундай фожияларга хотима бериш бобида мана неча йиллардан бери анчагина иш қилди. (Биргина мустақиллик учун бўлган урушнинг ўзидагина бир ярим миллиондан ортиқ жазонриклар ҳалок бўлган ва мишг-мишг болалар боқимсиз қолган эди. Ғалабадан кейин шулар учун ўнлаб мактаб-интернатлар ташкил этилди ва этилмоқда.) Умидвормизки, бу одилона иш охирига етказилар ва ҳозир ҳам кўзим ўнгида термилиб турган, аммо ҳукумат ўз қўйнига олишга ҳали улгурмаган ўша ҳамда унга ўхшаган бошқа саргардон ўсмирларнинг ҳам бахти кулар. Бу — ватан сардати учун курашда фидойилик қилиб ҳалок бўлган ота-оналарнинг муқаддас хотирасига қўйилган энг яхши обида бўлажак.

Худди шундай, азизим, жигарим, келажакнинг порлоқ, ишон. Зотан сенинг танаси тирналган, лекин жароҳатлари бирин-кетин тузалиб бораётган, яқин йилларда қаддини ростлаб олиб бутун дунёга мағрур «мана мен!» дейдиган улкан ватанинг бор; сенинг узоқ вақтлар мобайнида таланган, истеъдоди бўғилган, энди эса мустамлакачилик сиртмоғидан халос бўлиб, миллий тараққиёт йўлига кирган, миллий мустақилликни, озодликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга бутун қатъияти билан киришган ғоят олижаноб ва қобилиятли, азиз ва меҳрибон халқинг бор; шу ватан ва халқингнинг беқисс қудратли ва беҳад самимий дўстлари бор...

Ҳа, азизим, жигарим, улар сени бу аҳволда қолдирмайдилар, келажакнинг порлоқ, ишон, саботли бўл, шу

улуғ келажакка муносиб, уни яратишда ўзинг ҳам иштирок этадиган бўл, иштирок эт. Бу — сен ва сендайларнинг муқаддас вазифанг, муқаддас бурчинг.

Ҳа, халқ бахти, ватан саодати йўлида, шунинг кўзлаб бир печанил давом этган шиддатли кураш ва оғир ниқилоб йилларида туғилган, чиқиққан бошқа янги ёш Жазоир бор!

Ҳа, кун сайин қаддини ростлаб янги ҳаёт яратаётган Жазоир халқи бор, ички ва ташқи сиёсат ҳамда фаолиятда қатор илгор ишлар қилаётган, жумладан, империализм ва мустамлакачиликка қарши кескин кураш олиб бораётган Жазоир ҳукумати бор.

Шу ҳукумат бошлиғининг яқинда айтган қуйидаги сўзлари бежиз эмас: бойликка, жумладан ерга эгаликда баробарликка эришмоғимиз лозим. Бири XX асрда яшаётган, иккинчиси XIX аср даражасида қолган «Икки Жазоир» энди бўлмасин, ҳозирги давр тараққиёти савиясидаги ягона Жазоир яратмоғимиз керак. «Мамлакат сиёсати— социалистик сиёсатдир». Душманлар қанчалик қарши ҳаракат қилмасин ва биз қанчалик оғир қийинчиликларга дуч келмайлик, бари бир биз бу йўлдан ҳеч қайтмаслигимиз лозим.

Ҳукумат бошлиғининг бу сўзлари бежиз эмас,— улар халқ истагидир, халқ иродасининг ифодасидир. Шаҳарнинг кўп ерларида расмий суратда, «Социализм қурамыз!», «Социализм!» деб ёзиб қўйилган шиорлар ўз ишни қилади.— Жазоир ерини машъум кечмиш қолдиқларидан бутунлай тозалайди, Жазоир ҳавоси муссаффо бўлади!

1966 йил.

## ЛЕНИН ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ БИЛАН ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Сўз яқинда Москвада Сиёсий адабиёт давлат нашриёти томонидан нашр этилган ва «Ленин Шарқ халқлари билан дўстлик ҳақида» деб аталган ажойиб китоб тўғрисида кетаётир. Бу асар улуғлар улуғи В. И. Лениннинг шу мавзуга оид асарларидан ташкил топган тўпламдир. Уни беҳад ҳаяжон ва фарах билан, беўлчов севги, садоқат ва севинч билан, беқийс таъзим ва тасанно билан ўқимасдан бўлмайдди асло. У ўзбек халқининг одати бўйича пок қўлга олиб, пок пият билан ўпиб ва пок пешанага суртиб ўқиладиган, шундай қилиб дилга далда-ю, қувват, шуурга нур, эзгулик учун итилишга, курашга ва ғалабага кўрсатма берадиган китобдир.

Ахир, у — Лениншкн-я! Ахир, Ленин бутун дунё меҳнаткашларининг, жумладан барча шарқ халқларининг, ёшларининг энг буюк доҳийсидир, энг улуғ ва энг азиз дўстидир, энг доно ва энг меҳрибон мураббийсидир, мадаккоридир, йўлбошчисидир. Ахир, Ленин шундай мустасно зотки, барча халқларнинг тилчи донемкасидаги бойликлар ҳам унинг улуғворлигини, унинг фазилатларини, унинг дилли ва даҳосини етарли таърифлашга ожизлик қилади. У шундай мустасно зотки, унинг буюклиги ва қудрати, зиёбахшлиги ва ҳаётбахшлиги олдида ҳар қанча ҳурмат ва таъзим озлик қилади. У шундай мустасно зотки, унинг закоси, ақли, мантиқи, қудрати ҳамда «сир»ларини умри боқий башарият асрлардан асрларга ўта ўрганса ва текширса ҳам охирига ета олмайди.

Ахир, у, даҳолар даҳосини ўзида мужассамлаштирган, энг юксак онг ва теран тафаккур мўъжизаларини намойиш этган улкан шахсдир.

У, инсоният майдонга келибдики, адолатсизлик томон айланган, нопоклик ва ноҳақлик тўлиб-тошган фалакни — башар ҳаётини, ҳа, бутун башарият ҳаётини адолат йўлига солиб юборган ҳайратомуз қудрат ва қобилиятли шахсдир.

У, гамдап қочган, лекин ҳамиша гам билан қонлапган, бахтга интилган, лекин тўғри йўл тополмай ҳамиша адашган, азоб чеккан инсон қўлига комнос тутди, асрлар мобайнида сирлар сирини — ақли, гидроки-ю, ўй-фикрини машғул этиб келган сирлар сирини — кўз ёши ва фарёддан қутулиш, эзгу орзу ва умидларга эришиш ҳақидаги жумбоқни очиб, ҳал қилиб, муҳтожларга, нотавонларга кучли ҳамда бахтли бўлиш калидинн берган геннал шахсдир.

У, минг-минг йиллар мобайнида осмонни безаган, лекин ердаги беҳисоб муштинарларнинг дилини иситишда ожизлик қилган қуёшдан ҳам маълум маънода зўр чиққан нурафшон шахсдир.

Ҳа, у, кўз ёши ва қондан унган ботқоқли социал дунёни, бировларнинг қашшоқланиши, хор-зор этилиши ҳисобига ўзгаларнинг бойиши, «эътибор»ли бўлиши, кайф-сафо қилиши принципига қурилган ижтимоий ҳаётни ақл ва инсоф асосида тамомила қайта қуриш, инсонийликни, инсон қадр-қимматини ва бахт-саодатини ҳоким қонуи даражасига кўтариш дастуриламалини яратган, шу улуг ишни бизда ўзи миллионлар бошида туриб бошлаб берган буюк шахсдир.

Шуниси ҳам бор: Ленин бир шахсгина эмас. У, узоқ мозийдан бошлаб ҳақиқат ахтарган, курашган, зулматда олов кечиб, азоб чекишга мажбур бўлган илгор инсониятнинг тўнлаган тажриба ва ҳикматларини ўзлаштирди, сон-саноқсиз қўли қадоқлилар ва дили қонлилар оммасининг энг яхши орзу ва интилишларини, мустаҳкам ирода ва қатъиятларини ўз таълимоти ва фаолиятида ривожлантириб, шу қадар доҳиёна ҳамда моҳирона ифодаладики ва айни замонда унинг назарияси оммани шу қадар мафтун этиб эгалладики, натижада Ленин шу омма билан бир бутунликни ташкил этиб кетди, шу оммага, омманинг орзу ва интилишига, ирода ва қатъиятига айланиб кетди, унинг таълимоти шу оммани эгаллаб, енгилмас моддий куч хусусиятига молик бўлди.

Ана шу омма, шу татлимот ер юзини янгилаётир.  
Ленин ҳамма машаққатли меҳнат аҳллари қатори,  
айниқса, Шарқ мазлумларининг энг яқин ва самимий  
дўсти, энг улуғ ва меҳрибон халоскори бўлди. Шарқ  
халқларининг энг яқин ва самимий дўсти, энг улуғ ва  
меҳрибон халоскорини — Коммунистик партия ва Совет  
давлатини яратди. «Ленин барча мазлум ва тутқун халқ-  
лар учун — уларнинг ҳуқуқсиз ҳаётларининг азоб-уқу-  
батли тарихида бурилиш нуқтидир, янги, норлоқ кела-  
жакнинг симболидир» (Хо Ши Мин).<sup>1</sup>

Ахир, муаззам Шарқни бир неча авлодлар умри мо-  
байнида каттакон турма-ю, ажалхонага, ваболар ва га-  
долар днёрига айлантирган машъум империализмининг,  
лаънати мустамлакачиликнинг ҳалокатни муқаррарлиги-  
ни, бунинг қонуниятини исботлаган, очган Ленин бўлди.

Ғарблик келгишчиларнинг топташи туфайли ҳолсиз-  
лаштирилган, хокисор этилган Шарқ, қаттиқ яраланган  
шердек мажолсиз ястаниб ётган Шарқ бир кун келиб  
албатта оёққа туражак, титан қаддини ростлаяжак ва  
қўлла кўрол дилла қаттият билан зулм ҳамда зулмат  
истеҳкомига ҳамда қилажак, келгинди балокор ва бало-  
лар сиртмоғидан қутилажак, деб башорат қилган, бу-  
нинг реал йўлларини кўрсатиб берган Ленин бўлди.

«Ваҳший», «паст ирқ» деб таҳқирланган, мудом хўр-  
ланиб шашнати еган, инсон бўлатуриб инсонлик ҳақ-  
ҳуқуқидан тамомила маҳрум қилинган, қулдан ҳам бат-  
тар қадр-қимматсизлантирилган шарқликнинг бошнини  
силаган, бир кун келиб бу хор-зор Шарқ, албатта, бутун  
душё тақдирини ҳал этишда иштирок қиладиган қудрат-  
га айланажак, деб башорат қилган, бунинг реал йўлла-  
рини кўрсатиб берган Ленин бўлди.

«Оқ танли» қароқчилар томонида ҳам меҳнат ва  
меҳнати маҳсули, ҳам уйи ва ўрмони таланган, ҳам хир-

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин «О дружбе с народами востока». Гос. изд. полит.  
литературы, М., 1969.



монн ва ер остн олтишлари талон-тарош этилган шарқлик, қашқирсимонлар учун қасрлар қуриб, ўзи бошпанасизлик, оч-яланғочлик азобида ҳаёт кечиршга мажбур бўлган шарқлик бир кун келиб ўз юрти бойликларининг жиловини албатта, ўз қўлига олажак, ўз юртининг манфаат ва талаблари хизматиға қўяжак, деб, башорат қилган, бунинг реал йўлларини кўрсатиб берган Ленин бўлди.

Яна башорат қилиб айтилган ва асосланган қуйидаги сўзлар Лениншикидир:

«Докладимнинг темаси — ҳозирги момент масаласи бўлиб, менимча, ҳозирги вақтда бу масаладаги энг муҳим нарса Шарқ халқларининг империализмга муносабати ва бу халқлар ўртасидаги революцион ҳаракатдир. Ўз-ўзидан маълумки, Шарқ халқларининг бу революцион ҳаракати бизнинг Совет республикамиз томонидан халқаро империализмга қарши олиб борилаётган революцион кураш билан бевосита боғланган ҳолдагина ҳозир муваффақиятли ривожланиши ва ҳал бўлиши мумкин. Кўп сабабларга кўра... бизга бутун жаҳон миқёсида империализмга қарши кураш ташаббускорлари бўлишнинг бутун оғирлигини ўз устимизга олишга тўғри келди — биз буни улуғ шараф деб биламиз. Шу сабабли воқеаларнинг энг яқин вақт ичида бўладиган ривожни халқаро империализмга қарши янада кенг ва қаттиқ кураш олиб борилишидан ҳамда бу воқеалар ривожининг Германия, Франция, Англия ва Америка империализми бирлашган кучларига қарши Совет республикаси томонидан олиб бориладиган кураш билан албатта боғланишидан дарак беради».

Бу доҳиёна сўзларни Ленин 1919 йилдаги нутқларидан бирида айтган эди.

Қуйидаги ҳам Ленин башоратидир, Ленин қонушдир, Ленин яратган партия ва давлатнинг принцидир:

«Биз мўғуллар, эронликлар, ҳиндлар, мисрликлар билан яқин бўлиш учун... уларнинг машинадаи фойдалана

олишларига, меҳнатни енгиллаштиришларига, демократияга, социализмга ўтишларига ёрдам бериш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз».

Мана неча ўнлаб йиллар ўтди, Ленин ва у яратган партия Шарқнинг гениал устози, ажойиб меҳрибони, улуғвор ҳомийси эканлигини ҳаётнинг ўзи очиқ кўрсатди.

Хуллас, азиз ёш газетхонлар, мазкур мақолачамизда сизга тавсия қилаётганимиз китобда Лениннинг юқорида зикр этилган меҳрибонлиги ва даҳоси намуналари жо қилинган, ифодаланган бўлиб, у Шарқ ҳақида, Шарқ тақдири ва халқлари ҳақида Ленин яратган мустасно ҳикматли фикрлар хазинасидир.

Шуни ҳам айтай: китобнинг охирида «Ташқи Шарқнинг ижтимоий-сиёсий арбоблари Ленин тўғрисида» деган қўшимча материаллар берилганки, улар жуда қимматли бўлиб, уларда гоят муҳим маълумотлар, фикрлар келтирилган. Чунончи, Сун Ят-сеннинг шу сўзлари бор:

«Жаҳон тарихининг кўп асрлари мобайнида тилда чиройли сўзлар айтган, лекин бу сўзлар ҳеч қачон амалга ошмаган минглаб олимлар майдонга келган эди. Ленин — сен мустасносан. Сен сузларнинг ва ўргатдинггина эмас, сен ўз сўзларингни амалга ҳам оширддинг. Сен янги мамлакат яратдинг. Сен бизларга биргаликда-бирликда курашиш йўлини кўргаздинг... Сенинг йўлинг билан боришни хоҳлайман... Менинг халқим мени шу учун қутлаяжак... Сен — улуғ инсон, мазлум халқлар хотирасида асрлар мобайнида яшаяжаксан».

Яна, чунончи, Мустафо Камол ёзган эди:

«Мен тирик эканман, Туркия учун Ленин нима қилганлигини ва қилаётганлигини Туркия эсидан чиқармайдди. Мен Туркиянинг Совет Россияси билан дўстлигини бизнинг мустақиллигимизнинг энг асосий гарови — омили деб ҳисоблайман».

Ниҳоят, яна бир мисол. Қваме Нкруманинг қуйидаги сатрлари бор:

«Ҳақиқат шундан иборатки, Лениннинг башорати

унинг танқидчилари тушунчасидан юқорида эди. Ленин оддий одамларга ва Совет Иттифоқининг потенциал кучларига қатъий ишонган эди. Бу ишонч бизнинг замонда ўзининг ёрқин исботини... Совет Иттифоқининг улуғ халқи ғайрати туфайли эришилган муваффақиятларда топди».

Биз бутун поёни йўқ келажак тарихлар, авлодлар олдида жуда масъулнятли ва мураккаб даврда яшамокдамиз. Ер курраси бўйлаб барча башарият тақдири ва цивилизацияси масалаларида ўта кескин ва шиддатли кураш, олишувлар кетмоқда. Бу олишувларда Шарқ, Шарқ масалаларини тўғри ҳал этиш, Ленин башорат қилиб айтганидек, ғоят актив ва энг асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Бу курашларда, уларнинг ақл ва адолат фойдасига — халқ, тинчлик, социализм ва коммунизм фойдасига бартараф қилишда ҳар бир совет кишининг, шу жумладан ёш авлоднинг роли ва вазифаси чиндан-да улкан ва шарафлидир. Буни дўндириб бажариш учун В. И. Ленин даҳосининг барча хазинасини эгаллаш ҳам фарз, ҳам шартдир.

Ҳа, айниқса ҳозирги ғоят чигал ҳамда масъулиятли вақтларда қутирган империалистларнинг, лаънати мустамлакачилик ва неокOLONиализмнинг Яқин ва Урта Шарқдаги реакцион, қўпоровчилик ва ғоратчилик ҳаракатлари, хуружлари зўрайганлиги сабабли Ленин таълимоти билан янада яхшилаб қурулланиш ва барча адолат, озодлик, тинчлик ҳамда тараққиёт учун курашаётган халқларга таянч бўлган партиямизга янада актив ёрдам бериш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аминмизки, шу боисдан ленинизм, жумладан таърифлаётганимиз бебаҳо китоб, ундаги доҳий сўзлари ва орзулари ҳамма ёш ватандошларимизнинг қўлида, дилида, тилида ва фаолиятида машъал бўлғай, албатта.

1962.

Одамзод табиати шундайки, бугунги кун билангина эмас, кўпинча ва асосан келажак билан — эзгу умидлар ва гўзал орзу-ҳаваслар билан яшайди, яхши кунларни ва осуда дамларни ўйлаш билан, шунга интилиш ва яратиш билан яшайди. Бу ва бунга эришиш эса аксаран ёшлар билан алоқадордир, ёшларга боғлиқдир. Фарзанд тарбиясига, унинг тақдирига боғлиқдир. Ёш авлод қандай бўлса, қандай етиштирилса ва улгайса, шу авлодга мансуб бўлган келажак ҳам шундай бўлади. Бинобарин, бу масала ҳам онлада, ҳам ижтимоий ҳаётда, ҳам кексалар ва ёшлар ҳаётини фаолиятида мустасно аҳамиятга моликдир.

Шунинг учун бу масала ҳаминша барча ютуқларимизнинг, барча совет кишиларининг бош ташкилотчиси ва илҳомчиси жонажон партияимизнинг диққат марказида бўлди, ёшларни энг юксак, энг гўзал ва энг олижаноб инсоний гою, интилиш ҳамда фазилатлар руҳида тарбиялашни энг муҳим, энг ҳал қилувчи вазифалардан деб билди.

Ёшлик — гоют бебаҳо, лекин тез ўтиб кетадиган бойликдир. У, одам ҳаётини энг мураккаб ва позик, энг масъулиятли ва ганимат даврдир. Табиатда баҳор қандай келса, ёз ҳам кўн жиҳатдан шунга боғлиқ бўлганидек, нима экилса, шу олинадиганидек, ёшлик ҳам одам тақдирини ва келажagini белгилашда ҳал қилувчи даврдир. Шунини яхши тушунсанг ва шунга риоя қилиб уни кўрсанг, марра сеникни. Кечикдингми, сўнгги афсус фойда бермайди.

Буни тушунтиришда, умуман фарзандни ҳақиқий инсон қилиб тарбиялашда, халқ ва Ватан олдида турган улуғвор вазифаларга, ажойиб замонамизга, ёрқин келажакимизга муносиб бўлиб етишишида, ёшларнинг ўзларидан бошқа, онанинг, отанинг роли жуда катта.

Лекин матлум сабабларга кўра кўп жиҳатдан, айниқса, онанинг роли катта.

Ахир фарзанд билан энг кўп бирга бўладиган, фарзандни болалигидан катта қилишда энг кўп азоб чекиб, унинг дилида энг чуқур из қолдирадиган ҳам она, ҳар нарсага энг кўп ўргатиш имкониятига эга бўлган ва ўргатадиган ҳам она. Ҳатто унинг тилини ҳам «она тили» дейдилар.... Хуллас, онанинг фарзандни тарбия қилиш имкониятлари, фарзандга таъсир этиш кучи жуда зўрдир.

Ажойиб хулқ-атворли ва қобилиятли ёшларимиздан бири яқинда менга онаси ҳақида чексиз севинч ва фахр билан қуйидагиларни айтиб берди.

Бу йигитча кундузи ўқийди, кечқурун заводда ишлайди. Унинг анчагина ёшларга бориб қолган онаси кишининг совуқ кунларидан бирида, кечқурун ўғлига ўрин солади ва «кун совуқ, ўғлим ишдан чарчаб, совуқ еб келади, иситиб турай» деб ўша ўринга ўзи ётади, яқинда даладан келтирилган яна бир кўрпани ҳам ётади. Онанинг кўзи уйқуга кетади, даладан келтирилган кўрпанинг ичида чаён бор экан, онани чақади. Бир ордан кейини ўгил қайтиб келиб қараса, она азобда, лекин юзида табассум, кўзларида шодлик, тилида шукрона сўзлар такрорланмоқда. Сабабини сўраганда она айтади: «Сени эмас, мени чақди, шунга хурсандман, болам».

Бу она асрлар мобайнида халқимиз томонидан яратилган, совет даврида камол топиб яшгилар ҳисобига бойинган ажойиб одоб ва гўзал хулқ, юксак мақсад ва олижаноб жамоатчилик ҳиссиётларини ўзида мужассамлаштирган онадир. Бу она билимдон ва меҳнатсевар, доно ва чевар онадир. Бу она ҳаёт маъносини ва ҳақиқий инсонийликни чуқур тушунадиган, одамнинг қадр-қимматини ардоқлайдиган ва умум маънафатни ҳар нарсадан юқори қўядиган аёлдир. Бу она ўз фарзандларини беҳад севадиган, чексиз меҳрибон ва фидокор аёлдир.

У ўз ҳаётининг бутуи маъносини фарзандларида кўрди, бутун умидларини шу фарзандларга боғлади, шу фарзандларининг севинчи ва бахт-саодатини орзу чўққиси деб билди, шу фарзандларини элу-юрт учун фойдали одамлар қилиб тарбиялашни ўзининг асосий мақсади, бош бурчи деб билди. Шунга эришди. Унинг тўрт ўгли ва бир қизи борки, уларга одам ҳавас билан қарайди. Уларнинг бири олим, бири инженер, бири агроном, бири ўқитувчи ва ишчи, қизи эса врачдир.

Мана шундай муқаддас ва мукаррама опаларни ардоқлаш, улардан ибрат олиш, уларнинг мақсадларини оқлаш, уларнинг йўл-йўриқ ва сўзларини қопун деб би-лиш ҳар бир ёш учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Лекин оз бўлса-да, афсус, шундай аёллар ҳам борки, улар муқаддас оналик бурчи ва масъулиятини унутиб, ҳаётнинг маъно ва мақсадини тамомила нотўғри тушушиб, ҳам ўзларига ва оналарига, ҳам фарзандлари ва жамиятга катта зарар етказадилар.

Бешқа, яъни иккинчи масола тарзида қунидаги аёлни келтирай.

Ўзи семиз, ранги қил-қизил, билими ҳам оз эмас, бир неча йил давлат ҳисобига ўқиди-ю, аммо бирон жойда ишламайди. Болалари бор. Ажойиб меҳнаткаш эри туфайли олинган яхши квартирада яшайди. Одамлар билан сўзлашганда шундай хушмуомала, хушрўй ва яхши феълли кўринадики, ҳавасинг келади. Аммо аслида эса, уйда ҳеч қўяверинг.

Ўн соатли уйқудан кейин эрталаб ўнда туради. Газ плитасининг тўрт кўзи ишга туширилади — улар кеч-гача ёнгани-ёнган, ҳар хил таомлар пиширилади. Болаларини тўплаб олиб, икки соатча чой ичади. Шундан кейин бир оз вақт баъзи ишлар қилгандай бўлади. Соат иккига яқинлашиб қолади. Қозонга керакли масаллиқлар солинади, овқат ўзи қайнаб, ўзи пишади. Яна икки соат дастурхон атрофида ўтиришга кетади. Сўнгга бир

неча вақт ястаниб олади. Кейин киногами, театрдами ёки меҳмонликка жўнаб қолади.

Боши сатангликдан ва мода орқасидан қувишдан чиқмайди. Яна шуниси ҳам борки, отани болаларга чақиб ёмонлагани-ёмонлаган. Бу аҳволда унинг оиласида бола тарбияси қайси тақлидда бўлиши ўз-ўзида маълум.

Муҳтарам ота ва оналар! Катта ҳақиқат шундан иборатки, ҳар бир фарзанд ота-онаникигина, оиланикигина эмас. У жамиятда яшайди, жамиятнинг бир аъзосидир. Бинобарин, фарзанд яхши бўлса, яхши руҳда тарбияланса оилагагина эмас, жамиятга ҳам фойда келтиради, ёмон бўлса, оилагагина эмас, жамиятга ҳам зарар етказди. Бинобарин, фарзанд биринчи навбатда ижтимоий фойдали зот қилиб етиштироқ лозим. Шу билан сизлар янада гўзал келажакнинг ижодкори бўласизлар.

Азиз ёшлар! Ёмон таъсирлардан қочинг, ярамас иллатлардан сақланинг, ёшлигингизни қадрлаб, гоят порлоқ келажак пойдевориини қуриб олнинг, совет киши-сига хос бўлган беқиёс гўзал фазилатлари — партия ва Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, дўстлик ва коллективизм, ижодкорлик ва ихтирочилик, софлик, ор-номуслилик, чуқур билим, юксак пафос ва қаҳрамонлик барчангизни безасин, барчангизга ёр бўлсин, барчангиз учун яшаш қонуни, ҳаёт заруриятига айлапсин.

1972

### **Ёшлигим — Бойлигим**

Аввало шун айтиб олай: бу олам дарҳақиқат гоят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир. Лекин энг мураккаб нарса — одамдир, одам бўлмоқдир. Масаланинг энг муҳими ва юздан қараганда чигали, лекин айни замонда аслига қараганда энг осони қуйидагидир: одам нима учун дунёга келади, одамийликнинг туб маъноси нимадан иборат,

дунёга келган одамнинг вазифа ва фазилатлари шимдан иборат бўлмоғи лозим? Бу улкан саволга биргина жавоб бўлиши лозим: одам моддий ва маънавий бойликлар яратмоқ учун, шу билан жамиятнинг муносиб аъзоси бўлмоқ учун, шу билан ҳам ўзини, ҳам ўзига ўхшаган ўзгаларни ҳам бахтиёр этмоқ учун дунёга келган, яшайди. Ҳақиқий одамийликнинг асли маъно ва вазифаси ҳам биричи навбатда ана шундан иборатдир. Улуг-рус мутафаккири Белинскийнинг ажойиб сўзлари ёдимга тушиб қолди. У айтган эди: одамнинг ички дунёси, мақсади қанчалик гўзал бўлмасин, агар ундан жамиятга фойда бўлмаса, у гўзаллик деярли ҳечдир. Бинобарин ҳақиқий одамийлик ҳар бир шахснинг ижтимоий фойдали фаолияти даражаси билан ўлчанади.

Ҳар бир шахснинг ўз одамийлик бурчини ва вазифасини ўташи учун, осуда ва бахтиёр яшаш учун барча имкониятлар бор. Ана, атрофни ўраб олган табиатга назар ташланг: у бепоён ва беҳаддир, чексиз бой ва сахийдир, доимо гўзал ва ҳаётбахшдир. У қандай мўъжизаларга қодир: унинг заррин офтобидан ҳайратомиз гул унади, унинг осмони оби ҳаёт беради, унинг тупроғи шарбатли мевага айланади, унинг ер ости қатламлари конлар макони ҳисобланади.

Бунинг устига, шу бепоён, табиат, ундаги барча бойлик ва гўзаллик инсон ихтиёридадир, инсон учун мавжуддир. Инсон барча мавжудотлар орасида энг комили ва қудратлиси. Унда энг ажойиб ва ҳал қилувчи икки нарса бор: бириси меҳнат қила билишдир, ижодкорлик қобилиятидир, иккинчиси ақл, тафаккурдир. Шу асосда у ҳам табиатни ўзлаштиради. Ўз эҳтиёжига мослаб ўзгартиради, ҳам жамият яратади, ижтимоий ҳаёт тараққиётини таъмин этади. Айни замонда худди шу икки нарса унинг хулқан гўзал бўлишлиғи, турмушда саодатли бўлишлиғи асосида ётади.

Демак, инсоннинг ҳақиқий инсоний, бахтиёр ҳаёт кечириши учун, яъни дунёга келишдан кутилган мақсад-



ни амалга ошириш учун ҳам табиатда, ҳам унинг ўзида барча имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап ана шуларни ўз вақтида тушуниб, уларнинг қадрига етиб, улардан максимал фойдалана билишдадир. Бунда ёшлик даври энг масъулиятли ва ҳал қилувчидир. Бунинг ўз сири бор.

Мен аналогия сифатида бир мисол келтирай. Баҳор ёзнинг бошланишидир, баҳор келадиган янги фаслнинг яъни ҳаётнинг ниҳол фаслидир. Шу ниҳол қандай бўлса ва унда қандай нарсанинг асоси бор бўлса, ўша вояга етиб бораверади ва ниҳоят, ёзда очиладигани очилади, пишадигани пишади, тўкиладигани тўкилади. Халқнинг доно мақоли бор: нима эксанг, шуни оласан... Баҳор яхши келса, ёз ҳам унумли, куз ҳам кўркем бўлади... Ёшлик ҳам одамнинг баҳоридир. Ёшликда нимага ўрганилса, шу нарсга аксар ҳолларда бора-бора одатга, табиатга айланиб кетади. Масаланинг шу томони ҳам борки, эгри ёш новдани синдирмасдан тўғри ўстириб юбориш мумкин бўлганидек, эгри ўсган катта шоҳни эса синдирмасдан тўғрилаб бўлмаганидек, ёшликда илашган ёмон иллатларни тузатиш осон бўлиб, катталикда эса бу ғоят мушкул нарсга айланади.

Хуллас, ёшлик шу жиҳатдан ҳам одам ҳаётида энг масъулиятли, қалтис ва мураккаб даврдир. Бишобарин, ёшликда асл одамийликнинг талаб ва тартиб-қондаларини, моҳият ва принципларини тўғри тушуниб ўзлаштириб, олмоқ лозим, уларни яшаш қонунини деб билмоқ ва шунга риоя этмоқ лозим. Акс ҳолда кеч бўлиши мумкин, афсус ва ўқинишлар, қийинчилик ва ҳатто кулфатлар келиши мумкин. Бунинг устига, ёшликни, унинг маълумлигини чуқур тушунмоқ, унинг дунёларга тўғри келадиган маъно ва мазмунини атрофли англамоқ, унинг бебаҳо ва такрорланмас эканлигини кўзда тутмоқ, унинг қадр-қимматига етмоқ зарур. Акс ҳолда кеч бўлиши мумкин. Ахир қирққа кириб шоир бўлган, элликни олиб олиб бўлган, олтишини ошиб бастакор бўлган борми?! Мабо-до бўлса, бармоқ билан сапарли эмасми?!

Ҳа, ёшлик тез ўтади-кетди, бу — табиат қонуни. Бинобарин, ёшликда асл одамийлик маъносини тушуниб олсанг, шунга интилсанг, билим олсанг ва ҳунар ўргансанг, ердан кўп ва яхши унум олиш йўлларини, машина ва осмон сирларини, яхши куй ва китоб ижод этиш маҳоратини ўзлаштирсанг, шунга интилсанг, шунда, шу йўл билан халққа, Ватанга, партиёга содиқ хизмат қилишда ўз ҳаётинг маъносини кўрсанг, шу тақдирдагина ёшлигинг бекорга ўтмаган бўлади, кейин аттанг демайдиган бўласан, кулфат кўрмайсан, умринг охирига қадар ўзинг ҳам хушнуд бўласан, бошқаларни ҳам хурсанд қилиб, уларнинг ташаккур ва тасанносига сазовор бўласан. Миллион-миллион совет ёшлари худди ана шундай, худди ана шуни қилмоқда.

Лекин афсуски, баъзи ёшларимиз гўзал ҳаётимизнинг қадрига етмай, ажойиб, бахтиёр ёшликнинг қиммати ва маъносига етмай, «тўқликдан шўхлик чиқармоқдалар», ножўяликка йўл қўймоқдалар. Уларнинг хулқи ва ҳаракатида доғлар бор. Меҳнатни ёқтирмаслик ва безорилик, шахсиятпарастлик ва продавальлик, энг муқаддас ҳисобланган соф севги ва севгилини таққирлаш ва самимият ҳамда садоқатни топталаш, бемаъни маишатга ва беҳаё сатангликка берилиш, билим ва китобга кўз қирраси билан қараш шулар жумласидандир. Бундай ҳоллар одамийликка иснод келтиради. Уларнинг бизда бўлишлигига ҳеч қандай социал асос йўқ.

Янги коммунистик жамият яратаётган ва унда яшаётган, яшайдиган совет одамларининг мақсад ва фазилатлари бениҳоя улуғвор ва гўзалдир. Ахир энг катта мақсад — энг олий инсоний идеални амалга ошириш бўлганидан кейин, патриотизм ва интернационализм, одоблилиқ ва ор-номуслилиқ, меҳнатсеварлик ва қаҳрамонлик, тинчликсеварлик ва халқпарварлик, жамоатчилик ва самимийлик, ҳалоллик ва ҳақгўйлик каби фазилатлар ҳам шу билан тақозо қилинади.

Ҳа, совет одамнинг фазилатлари бениҳоя олижаноб

ва ҳаётбахшдир. Улар ҳақида кунлаб, ҳафталаб сўзласа, том-том китоблар ёзса ҳам озлик қилади.

Мен илғор инсоният ва ижтимоий ҳаёт, ақл ва идрок, тафаккур ва зако тараққиёти тарихида, асрлардан-асрларга, насллардан-наслларга ўта аксиомага, ҳақиқатлар ҳақиқатига айланган олижапоб, одам онгини энг банд этган ва фаолиятини энг безаган нарса ҳақида ҳам бир неча сўз айтмоқчиман. Гап она-Ватан, унга севги ҳамда садоқат ҳақида кетади.

Ватан бениҳоя муқаддас ва бебаҳо макондир, беўлчов қудрат ва улугвор илҳом манбаидир, беҳад муҳим, инсон ҳаётини ҳал қиладиган туганмас маънавий ҳамда моддий бойликлар хазинасидир.

Тасодиқий эмаски, ватан ишқи ва иштиёқи ҳамиша улкан олим ва адиб ижоди замирида ётди, ҳамиша улкан созанда ва навозанда томонидан куйланади, ҳамиша улкан рассом ва ҳайкалтарош асарида яшади, янгради. Эҳ, не-не улуглар Ватан деб не-не азоб-уқубатларни ўз устларига олмадилар, нақадар оғир кулфатларни бошларидан кечирмадилар, қанчалик оғир машаққат ва ғам-аламларга бардош бермадилар. Алишер Навоий инсон тирик экан, ўз ватани учун курашмоғи лозим деди:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Бобир Мирзо ҳам Навоий фарёдига ҳамоҳанг ҳолда:

Кўнглим бу ғарибликда шод ўлмади оҳ,  
Гурбатда севинмас эмиш албатта киши —

деди.

«...Ҳақиқий инсон ва ватан фарзанди бир хил нарсадир. Ватан деган номни тилга — эсга олганда назокатли севинчдан дили титраган киши том маънодаги олижанобдир» деган Радишчев нақадар азобли таъқиб ва таҳқирларга дучор этилмади.

Александр Сергеевич Пушкин:

Эркинлик иштиёқила ёнарканмиз  
Қалбим ор-номус, шарафчун тирик-кан,  
Дўстим, Ватанга бахш этайлик биз барча  
Ҳаётимизнинг гўзал ҳаракатларин.

деди, шу билан фахрланди, ўзи шунда намуна кўрсатди  
ва шунинг учун ҳалок этилди.

Муқаддас ватан, энг муқаддас!  
Сени бошқача атаб бўлмас!

деган Шевченконинг ҳам шуҳрати, айни замонда аччиқ  
тақдири маълум.

Француз коммунистиани Гитлер жаллодлари отаёт-  
ганларида, бу оташин ватанпарварнинг охири ғурур  
ва қаҳрамонлик билан тўла сўзлари шу бўлган:

«Мен Франция яшасин деб ўлаётирман».

Бизнинг бепоен днёримиз халқларининг Ленин пар-  
тияси ва Коммунистлар раҳнамолигида Ватан ва Ватан  
озодлиги деб, Ватан бахти ва саодати деб, улуғ Октябрь  
инқилоби кунларида, ундан кейинги йилларда қилган  
қаҳрамонлик ва ижодкорлик ишлари том маънода беми-  
сёл ва беқиссидир. Оқибат натижа беҳад мўъжизали ва  
ҳайратомиздир. Ахир энг юксак инсоний идеал ҳисоб-  
ланган коммунизм дунёда энг гўзал ҳисобланган Вата-  
нимиз сийнаси бўйлаб кенг қанот ёймоқда.

Ватан! Нақадар улувғор ва мағрур жаранглайди бу  
сўз! Нақадар вазмин ва мазмундор туюлади бу сўз! Ҳа,  
Ватан ва унга муҳаббатда деярли барча яхшиликлар  
умумлашган тарзда ўз тажассумини тошган. Ахир эй  
азиз одам, сен шу Ватан қучоғида, шу Ватан тупроғида,  
дунёга келгансан. Эндигина очилган кўзларингга бирин-  
чи ташланадиган ҳаётбахш одам табассуми нажоткор  
меҳр-муҳаббати шу тупроқда, шу қучоқда рўй беради.  
Кундузи бўлса, олам жамолини биринчи кўра бошлаш  
имкониятини берган, қуёш, тунда эса, кўзларингга би-  
ринчи ташланиб илк завқ ва ҳайратли ҳиссиёт яратади-  
ган овутадиган юлдуз шу Ватан кўкида жилоланади.

Шу Ватан тупроғи сени умр буйи ўз сийнасида кўтариб туради, сени энг биринчи нафасингдан тортиб то охиригисига қадар ўз оғушида авайлаб, ардоқлаб юради. Шу Ватан қучоғида ва тупроғида сен катта бўласан, вояга етасан, камол топасан, ё бир кичик уругни катта бойликка айлантирадиган сеҳрли меҳнат эгаси бўласан, ё ижод мўъжизасини кўрсатиш имконияти ва истеъдодига эга бўласан, унда ҳам, бунда ҳам шухрат қозонасан, барча мавжудотдан юқори кўтариласан, инсон деган энг юксак мартабали зот бўласан — коинот тожиллик даражасига кўтариласан.

Шу Ватан сен учун энг муқаддас ҳисобланган онанг ва ота-боболаринг диёридир, асрлар мобайнида азоб чекиб, ҳатто қон ютиб, сен учун ажойиб бойлик ва ашъаналар яратиб бериб кетган, шаҳар ва қишлоқлар қуриб бериб кетган, шарбатли мева ва экин турларини, дилрабо куй ва ашула намуналарини, гўзал шеър ва фан дурдоналарини яратиб бериб кетган авлоднинг диёридир. Ватан тупроғининг ҳар бир қаричида, ҳар бир заррасида уларнинг қадоқли қўлларининг, тўккан пешапатели ва кўз нурларининг ҳам излари, ҳам хотиралари бор. Айни замонда шу Ватан сен билан ҳамфикр, ҳамгоя ҳисобланган, сенинг бахтинг учун ҳам жонбозлик қилаётган, сенинг келажак авлодларинг учун ҳам янада ёрқин ҳаёт асосини қураётган замондош ўртоқларинг, дўстларинг диёридир.

Энг муҳими, эй, азиз ёш замондошим. Халқларимиз бахтининг ижодкори, сенинг ҳам энг доно ва меҳрибон раҳнамоинг партия — шу Ватанда. Сенга фаровонлик бераётган, сенга кулиб боқаётган ана шу завод ва фабрикалар, мактаб ва китоблар, олий ўқув юртлари ва санъат ўчоқлари, муҳташам бинолар ва сен иштирок этаётган ё сени ўзинга чорлаётган гигант қурилмишлар, хуллас коммунизм барпо қилиш шу Ватанда бўлаётир. Булар шу Ватанда сен учун бўлаётир, сенинг авлоднинг учун бўлаётир.

Энг зўр нарса вақтдир дейдилар. Бу тўғри, лекин вақтлар ўтаверади. Ватан ва унга бўлган муҳаббат асрлардан-асрларга, насларга ўта қолаверади.

Энг зўр нарса ҳаётдир дейдилар. Бу тўғри. Лекин Ватан учун ўз жонини тиккан, Ватан деб ўзини дор остига олиб борган ё ўз бошини жаллод болтаси остига қўйган фидойилар — Зоя Космодемьянская ва Олег Кошевойлар, Александр Матросов ва Абдулла Набиевлар оз бўлганми!

Онадан зўр, она сутидан ҳаётбахш нарса йўқдир, дейдилар. Бу тўғри. Лекин шу Ватан эмасми онага ҳам ҳаёт берган, демак, она сутининг ҳам боиси бўлган!

Бинобарин, Ватандан қимматли нарсанинг, Ватанга муҳаббатдан қудратли нарсанинг, Ватанга садоқатдан муқаддас нарсанинг бўлиши мумкин эмас.

Бинобарин, ҳар қандай улуғлик, инсонийлик Ватанга бўлган севги ва садоқат даражаси билан, унга сиз қилдик хизмат қилиш даражаси билан ўлчанади.

Хуллас, ҳамма гап энг юксак инсонийлик қанот ёяётган, қадр кўтараётган шу гўзал Совет Ватанини чексиз севишда, унинг қудратига қудрат, бойлигига бойлик, ҳуснига ҳусн қўшишдадир. Асосий бахт ҳам шунда.

Жонажон партиямиз барчани, шў жумладаи ёшларни мана нимага ундайди! Шу руҳда тарбияланиш ва «лаббай» деб жавоб бериш ёшларимизнинг ҳам шоншараф, ҳам виждон ишидир.

Азиз ватандошлар, барчамиз беҳад муқаддас ва мўъжизакор Ватанимизни беҳад муқаддас ва мўъжизакор муҳаббат билан севайлик, токи бу жонажон диёримизнинг ҳар бир ерида боғ ва гул яна ҳам кўп бўлсин, ҳар бир кишимизнинг дилида нур ва гўзаллик яна ҳам мўл бўлсин, ҳар бир хонадонимизда севинч ва тантана тароналари яна ҳам баланд янграсин!

1972

Тонг отаётир.

Уйимиз шарқ томонга қараган. Қуёш шу сатрлар ёзилаётган хонамизнинг деразасига ўзининг илк ёруғини аямай сепмоқда. Шу вақтга қадар Оснё ва Африка ёзувчилари конференциясига қатнашиш учун ташқи мамлакатлардан республикамиз пойтахтига келган меҳмонларни яхши кутиб олиш билан машғул бўлдим-у, бошқа ҳеч нарса фикримга келмади. Жуда чарчадим (чарчаш ҳилқат нуқсонидир, нима ҳам деб бўлади). Лекин шу билан беҳад хурсандман, зеро менинг халқимнинг асрий қонуни бўйича, меҳмон энг азиз ҳисобланади, «Уйнинг тўри унга» дейилади.

Юқорида айтган маълум сабабларга кўра, мақолапи нимадан бошлашни билолмайётирман, гарчи ният маълум — у сарлавҳамиздан тушунарли. Сўзни бевосита мақсаднинг ўзидан бошлаб юборавериш яхшига ўхшаб кўринмоқда.

Гап шу:

Биз совет одамлари, жумладан ўзбек халқи адолатли тинчлик ва дўстлик билан нафас оламиз. Шунинг учун тинчлик ва дўстликни ҳар нарсадан юқори қўямиз.

Инсон ҳаётининг, умуман бутун мавжудотнинг асосий маъносини яратиш ташкил этади, акс ҳолда ҳам инсон, ҳам умумвоқелик ўз маъносини йўқотган бўлур эди, тўғрироқ айтганда, на инсон ва на умуман мавжудотнинг, конкрет буюмлар оламининг бўлиши мумкин, зеро яралиш бўлмагандан кейин емирилишнинг ўзининг бўлиши имконият доирасидан ташқарида бўлади-да.

Инсон дунёга яшаш учун келади. Яшаш, яратиш ва яралган, — булар моҳиятча ва принципча бир нарсани ташкил этадилар. Худди шунингдек, ҳаёт ва тинчлик, дўстлик ҳам моҳиятча бир мафҳумни ташкил этади.

Асрлар мобайнида қонли фитналар, ҳалокатли ихтилофлар, ўлим ва вайроналик келтирувчи урушлар жа-

мпятин чулгаб, инсониятнинг бошига нималарини солмади! Бир болани катта қилишда она қанчалик азоб чекади, унга дунёларга тенг келадиган севги багишлайди, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган умид боғлайди-ю, ўша фитна, ихтилоф ва урушлар мана шундай азоб, севги ва умид билан вояга етказилган сонсиз-ҳисобсиз одамларни аждаҳодек ютади.

Бунинг устига, бу ўлганларнинг дардини чекиб қанчадан қанча оналару оталар, болалару севгилар, она-сингиллар ва ака-укалар тўхтовсиз ёш тўқдилар, йиллаб мотам тутдилар, сахий табиат томонидан берилган умрни қисқартиб, қолганларни доглаб, вақтидан олдин ҳамिशаликка кўз юмдилар.

Бунинг устига, биргина мева дарахти ё буғдой донасини ўстириш, ундириш, биргина гишт ясаб уй деворини кўтариш, бир тупгина гул экиш ва вояга етказиш қанчалик қийинчилик ҳамда азобу уқубатлар билан боғлиқ-ку, ўша фитна, ихтилоф ва урушлар неча-неча шаҳар ва қишлоқларни, ўлчаб бўлмайдиган миқдордаги бойликларни кулга айлантирди, ер билан яксон қилди.

Бунинг устига қалтираган шамчироқ нурида ё таъқиб азобида, куйдирадиган саратон иссиғи ё қаҳратон қиш совуғида кинот сирлари орқасидан қувиш, ҳақиқат ахтариш натижасида, уйқусизлик азоби, таҳқир алами ё муҳтожлик исканжасида инсон генийси томонидан сонсиз ҳисобсиз фан ва меъморчилик, санъат ва адабиёт мўъжизалари яратилди. Инсон даҳосининг шулар шаклида мужассамлашгани бўлган бу мўъжизаларга ахир ўша фитна, ихтилоф ва урушлар қанчалик зарар бермадилар, қанчасини ёндирмадилар, қанчасини синдирмадилар, қанчасини хароб қилмадилар!? Ҳаммасини қўявериш-у, ёлғиз биринчи ва иккинчи жаҳон урушида юз миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлди, оёқсиз, қўлсиз, кўзсиз, қулоқсиз қолди.

Бу юқорида зикр қилинганлар узоқ умрли ва кенг қанот ёйган қандайдир бир бадбахтлик фожиаси эди.



Биринчи бўлиб бизнинг халқлар бундай тарихни, бундай жамият системасини ағдариб ташлашга, шундай тарих ва жамият яратган бундай фитна, пхтилоф ва урушларга барҳам беришга киришдилар. 1917 йил Улуғ Октябрь бунинг бошланғичи бўлди. Янги тарих, янги жамият туғилди. Иккинчи 25 Октябрда (7-ноябрда) бўлган бўлса, эртаси 26 октябрдаёқ халқларимиз озодлиги, осойишталиги ва осудалигининг ижодкори Ленин кечагина ўрнатилган Совет ҳукуматининг «Тинчлик ҳақидаги Декрет»ини бутун дунёга билдирди.

Ҳа, тинчлик ва аҳиллик нақадар бебаҳо, нақадар қудратли, нақадар олижаноб ва инсоний бир нарса! Ҳар бир узвий нарсанинг асосида маълум даражадаги иссиқлик ётганидек, ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт заминида ҳам тинчлик ва дўстлик ётади.

Абдулқодир Бедил ёзган эди:

...Аз қудрат иттифоқ гофил нашаванд,  
Дандонхо сангро баҳам мешканад.

яъни, иттифоқ бўлишнинг қудратидан гофил қолма, тишлар биргалашиб тошни ҳам синдирадилар.

Жуда яхши, жуда образли айтилган.

Бу бизнинг бепоён юртимизда яққол кўринди. Буш Ватанимиздаги халқларимиз ҳаётининг ўзи исбот этди.

Ҳақиқатан ҳам, 1917 йилдан бошланган ва ҳар бири си асрларга тўғри келадиган йилларимиз кўрсатдики, ҳукумат ва халқимиз ҳар ерда, ҳар масалада ҳамини тинчлик ва тотувлик тарафдоригина бўлиб қолмади, олов кечиб бўлса-да, тинчлик ва тотувлик учун курашди, курашибгина қолмай, шу курашнинг байроқдори ва ташкилотчиси бўлди, бўлиб келмоқда. Совет мамлакати ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳасида қилган гигант ишлари, эришган тарихий муваффақиятлари, шу тинчлик ва дўстлик учун бўлди, шу тинчлик ва тотувлик учун курашга кўра бўлди. Халқ ўзи ҳоким; ер ва сув, машина ва унинг маҳсулоти шу халқнинг. Ўзи тўйиб, бошқаларни йиғлатадиган, ўзи зарбоб кийиб, бошқаларни оч-

яланғоч қолдирадиган, охирида бунга ҳам қаноат қилмасдан қилич қайраб, ўт очиб босқинчилик қиладиган зўровонлардан Ватан сийнаси тозаланди. Муҳташам бинолар, кўкка қад кўтарган завод-фабрикалар, ёппасига саводлилиқ, дунёга донғи кетган илм ва маориф, санъат ва оқартув муассасалари, миллион-миллион тонна металл, дон, пахта, умум башариятнинг ҳайратда қолдирган, ҳар қандай закони ҳам лол қилган ернинг сунъий йўлдошлари ва ракеталар, Ватанимизни поймол қилмоқчи бўлган урушқоқлар устидан қозонилган галаба — мана буларнинг ҳаммаси шу тинчлик ва дўстлик учун бўлди.

Мамлакатимиз тараққиёти ҳамда қудрати шу даражага етдики, уруш олови гирдобига ташламоқчи бўлганларни нўхталашда, уларнинг гоҳ у ердаги, гоҳ бу ердаги қуролли иғволарини барбод қилишда асосий куч бўлиб келмоқда.

Ҳақиқат енгилмас бўлганидек, табиат яратишдан тўхтамаганидек, шу ҳақиқатга, шу қонунга асосланган тинчлик ва дўстлик ҳам жуда қудратлидир.

Рус қардошимиз оиласидаги бутлик йўқолмасин, ўзбек ва украиннинг уйидаги тўй азага айланмасин, қўғирчоқ от устига миниб шодланаётган, ё мириқиб ухлашда роҳатланаётган белорус боласини замбарак товуши ақлдан оздирмасин. Оналар болаларидан, болалар оталаридан, бир-бирига муҳаббат қўйганлар ўз севгилиларидан ажралмасин. Заводимиз кул, далаларимиз оловхонага айланмасин, чарақлаб турган чироқларимиз ўчмасин, дўконларимиздаги ҳозирги мўлчилик яна кўп бўлсин. Араб дўстимизнинг ҳам уйи вайрон бўлмасин, корейлик, вьетнамлик деҳқоннинг шопипояси ёнмасин, америкалик ё англиялик ншчи ҳам кўз ёш тўкмасин.

Кечагина Шарқ анъанасига кўра, гул ва булбул ҳақида шеър ёзиб ўтирган, ҳозир эса, балки тушида ўша гул ва булбулни кўриб лаззатланаётган, дунёда ҳар

нарсадан яхши кўрадиган ўғилчам даҳшатли уруш балолари чангалига тушмасин, жулдур кийиб кўчаларда дайдимасин, ёки очигини айтаман,— жудолик алами билан менинг қаддимни букмасин. Мана не сабабдан тинчлик, дўстлик учун курашиш ҳар бир инсоннинг энг зарур ва энг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Замбарак оғзини қулфлашда, ўлимнинг қўл-оёғини счиб юбориш учун уринаётганларни нуқталашда зиёлиларнинг роли шубҳасиз зўр. Муҳими шундан иборатки, катта ҳақиқатларнинг моҳиятини чуқур тушунадиган зиёлилар башарият, болалар, келажак, ҳаёт ва тараққиёт олдидаги ўз вазифаларини, ролларини борган сари атрофли ва кўп англамоқдалар. Тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ҳаёт, тараққиёт масаласи эканлигини, демак уларни сақлаш ҳал қилувчи бош масала эканлигини борган сари яхши билиб олмоқдалар. Ҳинд ёзувчиси Кришан Чандранинг қуйидаги сўзлари катта ва ажойиб зийраклик ҳамда ақлнинг хулосасидир.

«Ҳозирги вақтда яъни дунё тақдирлари ниҳоят даражада оғир аҳволда қолган пайтда, уруш хавфи уфқда яллиғланиб кўрина бошлаган пайтда, ҳам эски, ҳам янги маданиятлар қул бўлиш таҳдиди остида қолган пайтда бутун дунё зиёлилари, ўз фикрлари ва дунёқарашларининг ҳар хил бўлишига қарамасдан, инсонлар ҳаётини, моддий ва маънавий бойликларни сақлаб қолиш ишида биргалашиб курашишга киришадилар, шунга келадилар».

Дон Карлос Перейра Бенерагама Шри Ланканинг жафокаш халқи тилидан бундай дейди:

«Инсоият ўзининг ҳозирги даврида ҳамма нарсадан ҳам тинчликка муштоқ. Оғир курашларда озодликка эришган Осиё мамлакатлари учун тинчлик, айниқса зарур. Мисол учун Шри Ланкани, мен келган мамлакатни олиб қаранг: бу мамлакат чет эл ҳукмронлиги тўрт юз йил давом этгандан кейингина эркинликка эришди. Тинчлик бизнинг мамлакатларимизда миллий тикланиш

учун зарур. Тиичлик — бизнинг мамлакатларимизга халқларимизнинг озодлик ва демократияга интилишларини амалга ошириш учун зарур. Ёзувчи ана шу вазифаларни бажаришда гоят муҳим роль ўйнайди, зеро, у, ўз асарларида халқнинг фикр-гуйғуларини ифодалаб беради».

Қанчалик ажойиб сўзлар! Қанчалик ҳикматли ҳақиқат бор уларда!

Курашаётган миллионлар шаклида, курашаётган миллионлар сиймосида бош кўтарган ҳақиқат, миллионларнинг қудратли ҳаракатларига айланган ҳақиқат ва адолат бутун ер юзи бўйлаб голибона юриш қилмоқда. Қўёшни на қотилнинг қиличи, на алдайдиган китоб билан, на тошдан ҳамда темир панжаралардан қилинган тюрьма, на атом қуроли ва на кимнингдир этаги билан ёниб-яшириб бўлмайди. Яна шри ланкалик ёзувчи Х. М. Мохидни айтади:

«Империализм зулминни тортган халқнинг вақили бўлган ёзувчининг фаолияти ҳар нарсадан олдин тинчликни сақлашга қаратилган бўлиши лозим. Осие ва Африка ёзувчиларининг тинчлик учун курашдаги иштироки урушни қоралаш билангина чекланмаслиги зарур. Ёзувчилар холис ниятли одамларни жипслаштиришлари, урушларни ҳаминшаликка таг-томири билан йўқотиб юбориш учун ўша одамларни бир қудратли ижтимоий ҳаракатга айлантиришлари керак».

Бу — ҳақ гап! Бу катта ҳақиқат, бошқа катта, лекин аччиқ ҳақиқатнинг натижасидир: У, асрлар бўйи эзилган, оловлар азобини чеккан, кўп адашган, лекин ниҳоят пажотни қўлни-қўлга беришда, актив бирдамликда, тинчлик ва адолат учун фаол ҳамда изчил курашда топган халқ фарзандининг хулосасидир. Бу катта ҳақиқатни миллионлар билаётир, бу ажойиб хулосага миллионлар келаётир. Бу ҳақиқат, бу хулоса миллионлар онгини эгалламоқда — енгилмас моддий кучга айланмоқда, давримизнинг темир қонунига, етакчи тенденциялардан

бирнга, давр тақдирини ҳамда истиқболини ҳал қиладиган омиллардан бирнга айланмоқда. Келажак уларга мансубдир.

Тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ҳаёт ва тараққиёт масаласи эканлигини билган маданият арбобларининг Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференциясига жуда катта эътибор беришлари, жуда катта умид боғлаганликлари тасодифий эмас. Улар ҳам ўз халқлари, ҳам умум башарият, истиқбол олдидаги ўз бурчларини, ўз масъулликларини яхши биладилар.

Яна бир шарқлик ёзувчи айтади:

«Кейинги эллик йил ичнда бизнинг планетамизда дунёвий тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор ҳодисалар рўй берди. Бунда энг жиддий ролни Улуғ Октябрь революцияси ўйнади. У, бир-бири билан боғланиб кетган қатор ўзгаришларни майдонга келтириб чиқарди. Буларнинг энг охиргиси деб Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясини айтса бўлади. Бу конференциянинг ўзи ҳам бир-бири билан илашиб кетадиган ўзгаришлар яратади, барча халқлар дўстлиги ва бирлигининг яна ҳам мустаҳкамланишига: маданий алоқаларни яна ҳам ривожлантиришга, халқларнинг илғор ҳаракати ва курашларини аск эттирадиган адабиётни юксалтиришга олиб келади, курашаётган халқларнинг ғалаба қилишига ёрдам беради».

Қайси тилда гапирмасин, дунёнинг қайси бурчагида яшамасин, қандай эътиқодга эга бўлмасин, бундан қатъи назар, ҳар бир бадиий сўз устасининг асарн биринчи навбатда ва энг кўп тинчлик ва дўстликни сақлашга қаратилган, муқаддас бурчни ўташга бағишланган бўлса, у ҳозирги инсоният ва келажак авлодлар дида абаднй яшаяжак.

Тасодифий эмаски, Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференциясининг эмблемаси ҳам шунга чакнаради, шунн тақозо қилади.

Ҳамма бир бўлиб ҳаракат қилса, уруш ва душман-

ликнинг ташаббускори бўлган, па қопга ва па олтига ҳеч тўймайдиган империализмни, на номусдан ва на шафқатдан асар бўлмаган мустамлакачиликни тинчлик ва дўстлик енгади, албатта!

Бунга шубҳа йўқ.

Мен мақолани камерулик ёзувчи Бенжамен Матпнинг жумлайи жамоатга, конференция қатнашчиларига қарата айтган қуйидаги сўзлари билан хотималашни лозим топдим:

«Бизлар ҳақиқат учун, халқлар дўстлиги учун, тинчлик учун курашмоғимиз зарур. Бизлар асл башариятнинг тантанаси учун кураш олиб боришимиз керак.

Тошкент! Тошкент! Тошкент! Бу сўз — муваффақиятлар симболи ҳисобланади. Бу сўз Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг муваффақият қозонишига ёрдам бериши керак. Бутун дунё шу конференцияни сабрсизлик билан кутмоқда.

Тошкент! Тошкент! Тошкент! Барча ёзувчиларни келажак авлдони бахт-саодат ва тараққиёт йўлида ривожлантирадиган ўлмас асарлар яратинга илҳом лантир!».

Шарқда сациализм, тинчлик ва дўстлик машъали бўлган Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент, «Тошкент руҳи» олижаноб умидларни оқлайди, албатта!

Шуниси ҳам борки, озмунча асрий ҳикмат, сабоқ ва ҳақиқатларни ўзнда мужассамлаштирганми, ахир, бу азамат ва қуёшли диёр!

7. X. 58.

### ДУСТИМНИНГ ҚИЗИ

Дўстим ҳали ёш бўлиб, ҳақиқатан ҳам жуда олижаноб ва нуронийдир. Уни биринчи кўргандаёқ гўё табиат мустасно комил бир инсон яратмоқ мақсадида

ўзининг бутун санъат ва маҳоратини кўргазмоқчи бўлган-у, уни яратган, унда ақл ва инсофни мужассамлаштирган,— деган тасаввур пайдо бўлади.

Лекин у...

Мен ўзим ё болаларимнинг опаси билан бирга унинг уйига бориб-келиб турамиз, алданган ҳамда азобланган дўстни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Бу гал борганимизда аксига юриб қишнинг қора совуқли зим-зиё туни эди. Ҳаво жуда бежо, ғазабли... Осмондан заҳар ёғилаётгандек туюларди. Ўғилчам, завжам дўстимнинг қизчаси билан бирга уйда, мен эса унинг ўзи билан бошқа хонада ўтирибмиз.

Аламли суҳбатнинг бир нарчасини келтираман.

...Қизим,— деб давом этди у,— яқинда беш ёшга тўлди, унинг дунёга келганига беш йил бўлди, тўғрироғи дунёнинг мен учун туғилганига, дунёнинг асл лаззатини тота ва туб маъносига ета бошлаганимга беш йил тўлди.

У менинг булоқ сувидек зилол, мовий осмондек мусаффо, беғубор, қуш боласидек беғуноҳ жажжи ва махзуна қизимдир. Мен уни оначам дейман. Бунда ҳам бепоев севги, беҳад самимият, беўлчов садоқат бор, ҳам қандайдир бошқа беном, лекин юракнинг энг чуқур ва энг иссиқ жойларида яширинган, иродамни тамомила ҳеч енгиб бўлмайдиган куч ва қудрат билан эгаллаган бир сир борки, унга ҳали инсон лексикасида ифодалай оладиган ибора топилган эмас...

Дўстим нимадандир титроқ аралаш қаттиқ ҳаяжонлангандек бўлиб, ўлтиришидаги ҳолатни ўзгартирди, бошини ерга қуйи солиб бир оз жим қолди. Сўнгра стулда олдинга энгашгандек бўлиб, икки тирсагини икки тиззасига қўйди, бир қўли билан иккинчи қўлини гоҳ сиқиб, гоҳ ювгандек ҳаракат қилди ва хаёлан ўз ёнидагиларни унутиш даражасига етиб, қандайдир бир узоқ нуқтага қаттиқ тикилди-ю, сўзида давом этди:

Қизчам — оначам! Сен ўзинг кичик, ҳали куртакча

бўлсанг-да, шу даражада улугворсанки, ҳаётнинг моҳиятини, асосини ташкил этасан, ҳаёт сендан бошланади. Сендан зўр, сендан қудратли ҳеч нарса йўқдир.

Менинг ота дилимда сен шундоқсан.

Сен шу даражада гўзал, шу даражада ифбатли, шу даражада ажойибсанки... Дунёда нима сен билан тенглаша олади, нимани сенга ўхшатишга журъат этиш мумкин?! Сени кўрганда қайси бир гўзалликнинг гўзали, намунаси уялиб изтироб чекмасин!?

Қуёшга ўхшатсаммикан?! Йўқ, унда доғ бор. Бунинг устига, сенинг ўзинг нурсан, нурдан таркиб топгансан, нурнинг энг ёрқин ва энг гўзал шаклига табдил топгансан.

Ой десам, яна мумкин эмас, чунки унинг ўзида на ҳаёт бор ва на нур,— ҳар қандай ялтироқ бўлиб кўринган нарсани ҳам гўзаллик намунаси деявериш ақл қондасига тўғри келмайди.

Чечакка тенглаштирсам... Бу ҳам бўлмайди, чечак сўладигандир.

Гулгун баҳорга ўхшаб кетасангу, лекин ҳамма баҳорлар йиғилиб келса ҳам бари бир сен — сенсан, ўзингсан.

Камалак жуда гўзал, жуда нафис. У асосан ё аксар кўклам билан алоқадор, кўкламда бўлади. Шунинг учундир, қайси бир халқда уни ҳатто бахт симболи деб танийдилар. У чиндан-да, жуда гўзал, жуда ифбатли. Лекин у ҳам сендек эмас, зеро у, узоқдаги — осмондаги гўзалдир, шу билан бирга чечакдан ҳам тез ўчадигандир.

Паримисан? Йўқ, париларни сенга қараб яратганлар.

Энг гўзал, энг бебаҳо нарса — ҳаёт дейдилар. Лекин аини масалада бу билан розилашиб бўлмайди: ахир сенинг ўзинг ҳаётсан, ҳаёт сендан иборат, сенга кўра бордир, сен туфайлн маълум мазмунга эга ва маълум маъно касб этгандир.

Сенсиз ҳаёт!?!— Йўқ, бунинг бўлиши мумкин эмас.



Шунигина рамзан айтиш мумкинки, онаи атрофида айланишда бепарво ва тикали гул устидаги парвона капалаккагина ўхшайсан, олтин рангли, бири узун, бири калтароқ сочларинг эса илк баҳорда тоғ ортидан кулиб ва мўралаб чиқиб келаётган қуёшнинг нур толаларигагина ўхшайди.

Ҳа, сен бутун мавжудоту нарсалар оламидаи улугсан, юқори турасан, сен ўлчовларнинг ўлчовисан, ҳар қандай гўзаллик, қиймат ва ҳаёт мезонисан.

Ҳа, жажжигина қизчам, сендан ширин, сендан лаззатли сендан ифбатли ҳеч нарса йўқ бу бисоён табнатда, бу сирли коинотда, бу ҳайратли коргоҳда!

Ҳа, жажжигина қизчам, сен шу даражада сеҳргар ва сирлисан.

Ана, сен ўлтирардинг қип-қизил гилам устида, худди узук кўзидек келишган. Мен сенга эркаланардим, бошимни юзингга ва кўйлакларингга, қўл ва оёқларингга суртардим. Сен ҳам сочларимни силардинг, ҳатто тошни тилга келтириши, эритиши мумкин бўлган сўзларинг билан мени аллалагандек бўлардинг. Шунда мен ўзимни бутун мавжудотимнинг ҳоқони деб сезардим, бутун коинот менга ва сенга тан бериб сажда қилаётгандек туюларди.

Ана шунда нималардир эсингга келиб қолди-ю, бирдан сапчиб ўрнингдан туриб, «Дадажон, ойим қанилар?» дединг... Бошимга қон урилди, кўзимдан ёш заҳар бўлиб тўкилди, ярали юрак яна шафқатсиз тилинди, оғирлигини ҳеч ўлчаб бўлмайдиган жафо бир зарба билан кўксимга ташлангандек бўлди, бутун фазо бир зумда разолат ва зулмат билан тўлиб кетгандек туюлди. Тунда елкансиз сузиб кетаётган якка қайиқнинг бирдан қояга урилишидан олган зарбаси ё тўсатдан шиддатли бўронга, пўртанага учраганидаги аҳволи,— мен ўзимни шундай туйдим, шундай аҳволда ҳис қилдим, шундай зарба олгандек бўлдим. Гангираб қолиш у ёқда турсинг... Шундай кўриндики, гўё қандайдир ашаддий қо-

тилнинг қора қўли бир ҳамла билан қобирғамши ёриб ўтиб, юрагимни чок этди ва бор кучи билан тухумни эзиб ташлагандек қилдики... зўрға ўзимни тутиб қолдим: падарман, ёнимда қизчам турибди, қўрқмасин ахир, ҳатто, пашшанинг бир қаноти ҳам тегмасин, дейман унга.

Сенинг сўроғинг, қизим, менга маълум бўлган ва жавоблик вазифасини ўтай оладиган маълум ҳақиқатнинг нақадар олчоқ, нақадар даҳшатли, нақадар жиноят-корона эканлигини бутунлай очиб ташлади, ҳамма қолган-қутгани билан намоён қилди.

«Онангнинг кетганлигини истамайсан шекилли ёипки хохламайсанки...»

Иўқ, «қизим, онанг, сендан ҳам яхшисини топган, сендан ҳам кераги ва сендан ҳам зарури билан бирга, банд», дейиши мумкин бўлган тилларим кесилсин, шундай нарса жо бўлган бошимни яшин парчаласин, шундай аламга дош бериб келган асабу этларим сахрою чўлда махлуқларга ем бўлсин. Лекин, лекин сен, буни билмагани-кўрмагани, ҳаммадан ширини ва лаззатли қизчам, ҳар нимарсадан ифбатли ва бебаҳо жажжигинам.

Жоним сенга тасаддуқ, эй парчаланган дилимнинг парчаси, хазон бўлган боғимнинг ажиб ва нажиб чечаги, ҳаётимнинг бекачаси: ҳар нарса ўтади, лекин сен қоласан, ор-номус абаддир.

Дунё тургунча сизнинг отангиз муҳаббати сиз биландир; азизим, султопим-қизим. У — бахтдир, нур ва саодат томон йўлчи юлдуздир, иссоф ва адолат калитидир.

Адашганга қараб адашган кўрдир, адашганга қараб йўл топмаганнинг пешаиаси шўрдир.

Ахир юртим гулгун, элимиз ҳаёти гўзал, лекин нега унга доғ солишади айримлар!

Дўстим дилидан чиқаётган ҳамма бу аламли сўзлар гоҳ яраланган шернинг бўғиқ инграшидай, гоҳ қафасдаги тутқин қушнинг қон аралаш қилаётган аччиқ нола-

сндай туюлар эди. Айни замонда бу сўзларда салобатли одамнинг пўлат продаси ва бузилмас қатъияти сезилар эди.

Шайтон — хиёнат бўлса, ёшқи хиёнат — шайтон бўлса (бу икки мавҳум ҳам айёндир!), олчоқ ҳиссиёт унинг макридир, унинг ўйинчоғидир, унинг гизосидир, унинг тузоғидир.

10 VII 1959.

### ГЎЗАЛЛИКНИ КУЙЛАЙЛИК

Асрлар мобайнида яшаш, курашиш, меҳнат қилиш ва ижод этиш жараёнида инсонлар табиий ва социал гўзаллик ҳақида тасаввур, дид, фикр, яратиб, ривожлантириб келганлар. Бу тасодифий бўлмай, инсон ва унинг жамияти талаби ҳамда моҳиятига мосдир. Улуғ инсоншунос Алексей Максимович Горький айтганидек, инсон ўз табнати эътибори ила гўзалликка интиладигандир, гўзалликни севади, ардоқлайди, гўзаллик ижод этишга, гўзал нарса яратишга, турмушини, умуман ҳаётини гўзал қилишга тиришади. Гўзалликнинг ўзи, гўзаллик диди, гўзалликка бўлган ҳиссиёт ва интилиш шу қадар сирли ва улугвор кучдирки, у, маълум маъно ва даражада, жамиятни ҳаракатга келтириб турадиган, жамият тараққиётининг асосида ётадиган факторлардандир, жамиятнинг шисоний жамият эканлигини билдирадиган ва белгиладиган, инсоний жамият қилиб турадиган, унинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга эришиб боришини таъмин этишга жуда зўр ҳисса қўшадиган гоят қудратли омиллардандир. Гўзаллик диди ва ҳиссиётсиз, уни яратиш ҳаракатсиз ва унга интилишсиз ҳақиқий инсонни тасаввур этиш мумкин бўлмаганидек, гўзалликсиз жамиятни ҳам тасаввур этиш мумкин эмас.

Эстетик ҳиссиёт, гўзаллик диди ва белгилари, принциплари мавҳум нарсга бўлмай, конкретдир. Улар инсоннинг реал ҳаётдан ажралган, шу реал ҳаёт билан алоқаси бўлмаган мавҳумий ҳаёли, фантазияси маҳсули бўлмай, инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир, шу амалий фаолиятдан келиб чиқади, шу амалий-ижодий фаолият заминида пайдо бўлади, мукамаллашади. Зотан Маркс айтгандек, инсон тириклиги, тирикчилиги, умуман социал воқелик асосида моддий бойлик яратувчи меҳнат ётади, меҳнат эса, яна ўша Маркс айтганидек, гўзаллик нималигини билмайдиган ва бинобарин, унга интилмайдиган ҳайвон фаолиятидан фарқли ўлароқ, «гўзаллик яратиш қонуни асосида» содир бўлади, давом этади — моддий манфаат билан эстетик мақсад — ҳиссиёт бирлашиб кетади. Ахир, тўқувчи ё ҳайкалтарош ўз касби юзасидан бир нарсга ишлаётганида оқибат — маҳсули яхши, гўзал бўлсин ҳам дейди-да!

Гўзалликни ва гўзаллик ҳиссиётини узоқ тарих мобайнида ҳар хил тушунишлар ва ҳар хил талқин этишлар бўлди, лекин ҳақиқий гўзалликнинг нима ва нимадан иборат эканлигини марксизм-ленинизмгина белгилаб берди: энг юксак эстетик принцип, мақсад ва ҳиссиёт — энг олий инсоний идеал ҳисобланган коммунизм барпо этишдир.

Дарҳақиқат гўзаллик ҳиссиёти, гўзалликка интилиш ва уни яратиш иштиёқи ҳаминша ҳақиқий инсон фазилатининг асосида ётди, етакчи сабаблардан бўлди, инсонни ижодкорликка ундади. Шу гўзаллик учун, шу гўзаллик ҳиссиёти ва иштиёқи туфайли у ўзини қандай шароитларда нималарга ташламади ва дучор этмади, қанчадан-қанча машаққату ташвишларни ўз устига олмади, қанчадан қанчалари ўзини қурбон қилишга қадар олиб бормади, қанча-қанчалари нималардан воз кечмади! Ахир, шоирлар ёрга мафтунлигини ифода қилганларида биринчи навбатда ва энг олдин, энг кўп унинг

гўзаллигини куйлайдилар, шу гўзалликни ва унинг соҳибасини ҳар нарсадан юқори қўйдилар, шу гўзалликни мадҳ сабабчиси қилиб кўрсатдилар, шу гўзалликни ҳам ажойиб ҳаётбахш ҳиссиёт манбаи деб куйладилар, ҳам ҳажр вақтида куйдирувчи алам асоси деб фарёд солдилар.

Ахир, богбон тер тўкиб чечак ва ё олма кўчати экиб ўстирар, бу чечак ва олма гули атрофида капалакдек нарвона бўлар экан, бунинг боиси нимада, қўполроқ қилиб айтганда қорин дардигинами? Ахир, у, чунончи чаман бўлиб очилган олма гулларини кўрганда, томоша қилганда, унинг хаёлига, дилига биринчи навбатда эстетик завқдан бошқа нима келади? Тикаётган каштасига ва ё ширин табассум билан мириқиб ухлаб ётган гўдагига онанинг тунда соатларча тикилиб ўтирганлиги унинг дили-ю, юз-кўз ифодасига назар солинса, биринчи кўзга ташланадиган нарса нима бўлади? Ҳақиқий рассом пейзаж яратар экан, у бунда табиатнинг энг гўзал ва ифбатли манзарасини ахтармайдими, бу манзара (пейзаж)дан ўзи ва ўзгалар учун юксак эстетик завқ манбаи ҳамда воситасини ижод этишга куч ва қобилиятининг борича уринмайдими? Ахир, босқинчи ва золимнинг зуғмию зўравонлигига қарши курашда ҳатто дор тагига боришга тайёр турган қаҳрамоннинг ҳаракати асосида ва мазмунида нима ётади, дор остига борганида эса унинг кўкрак кериб, бош кўтариб, мардона туришида нақадар улғуворлик, гўзаллик бор! Ва ё Чили Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий бюро аъзоси Уртоқ Орландо Мильяснинг яқинда бўлиб ўтган Германия бирлашган социалистик партиясиининг съездида сўзлаган нутқида келтирилган қуйидаги хабарга қаранг:

«Узоқ Чилидан сизнинг съездингизга йўлга чиқишдан бир кун олдин кечқурун анча камбағаллар яшайдиган ердаги оммавий митингда қатнашдим. Шу митингда стул устига чиқиб олиб бир ишчи она сўзлади, у эри

ишсиз қолса болаларига нимадан ёвгон ош пишириб берилши билмайдиган йўқсиллардан бири эди.

Уша кеча сўзлаётганида унинг этакларига учта боласи ёпишиб олган эди. У тахминан шундай деди: «Бизнинг турмушимиз жуда аччиқдир. Лекин Совет Иттифоқи бўлмаганида эди, биз ҳозир тирик бўлмаган бўлардик, чунки, янкилар атом урушини бошлаган бўлардилар. Ҳозир уруш хавфи анча босилгандан кейин, мен ҳар куни эрталаб туриш биланоқ болаларимнинг беланчақларига кўз ташлайман — коммунистлар бутун дунёда тинчликни сақлаб қолганликлари туфайлигина улар тирик қолдилар. Шунда ҳар келаси кунни менинг ватанимни қулфату машаққатлар гирдобига ташлаган янкиларга қарши кураш ишига яна бирон ҳисса қўшиш билан ўтказиш керак деб қатъий қарор қиламан».

Мана шу аёлда, унинг бу ҳаракатида, сўзларида тинчликни севишнинг ва шу тинчлик учун курашнинг қанчалик гўзал намунаси ҳамда романтикаси бор, сойишта ва осуда ҳаётга интилиш бор, фарзандга бўлган муҳаббатнинг қанчалик гўзал, қаҳрамонона ва қудратли маъноси бор, авлод ва гузаллик душманларига қанчалик чуқур, муросасиз ғазаб ҳамда нафрат бор! У ёғини қўяверсангиз, шу ғазаб ва нафратнинг ҳам қанчалик гўзаллиги, илҳомбахшлиги ва ҳаётбахшлиги бор!

Жафокаш инсоният тарихида асрлар орқасидан асрлар ўтди — гўзаллик учун, гўзал ҳаёт учун курашда, гўзаллик, душманлари билан олишувда ўтди. Халқ ўстирган гул халқ учун тикани бўлди — халқ ўз даҳоси ва пешана тери билан беқиёс моддий ҳамда маънавий бойликлар — гўзалликлар ижод этди, лекин ўзи азобда бўлди; зару нақш билан безатилган кошоналар қурди, лекин ўзи улардан баҳраманд бўлишдан маҳрум этилди, жаннатсимон боғ-роғлар қилди, лекин бошқалар талади, бузди, топтади; нафис шеърят яратди, ҳаётбахш музыка ижод этди, илҳомбахш раем чизди, лекин ўзгалар томонидан таъқиб остига олинди; гоят ажойиб,

инсонни безайдиган, улуглайдиган хулқ ва одоб принциплари, нормалари, тартиб-қоидаларини яратди, қаллоблик ва қалбакиликни нафратлади, адоват, фискал-фужурни қоралади, адолатлилик ва ростгўйлик, ҳурмат ва дўстлик, яхшиликка миннатдорлик ва муҳтожга кўмакни ардоқлади, текинхўрликка қарши ҳалолликни, ўғриликка қарши тўғриликни, фаҳшга қарши ор-номусни, макр-ҳийлага қарши самимиятни қўйди. Лекин бу олижаноб фазилатлар оёқ ости қилинди. Эҳ-ҳе, асрларнинг беҳисоб йиллари, ойлари ва кунлари саҳифаларидаги гўзаллик гадолари ва жафокашларининг номларини, гўзалликка қарши қилинган жиноятларни, бошдан кечирилган фожиаларни санаб тамом қилиб бўладими?

Катта текинхўрлик ва хусусий мулкчилик, қулдорлик ва қашшоқлик, пулдорлик ва парокандалик асосига қурилган капитал оламда чириш авжига чиқмоқда, гўзалликка, олижаноб инсонийликка, юксак эстетик завқ, ҳиссиёт, дид ва принципларга қарши кураш, реакция авж олмақда, ваҳшийлик ва безорилик, декадентлик ва бузғунлик қонун даражасига кўтарилмоқда. Ҳақиқий инсоний дид ва ҳиссиёт билан, гўзаллик ва тараққиёт билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, жамиятни бадавийлик ва принципсизлик, инсонни руҳий тушқунлик ва мақсадсизлик гирдобига ташлайдиган, ижтимоий ҳаётни, инсон фаолиятини зулму зулматнинг ҳалокатли ва парокандалик гирдобига ташлайдиган, Рафаэль ва Шекспирларни рад этиб, санъатни маъносиз рамзлар, сўзлар, товушлар ва бўёқлар йиғиндисига айлантирадиган абстракционизм ва шунга ўхшаш ҳар қандай бошқа «изм»лар зўр бериб кучайтирилмоқда. У олам корчалоқлари атом ракеталарини Дрезден, Лувр ҳамда Эрмитаждаги даҳо ва гўзаллик обидаларига ҳам қарши қаратганлар.

Капитал олами ўлим талвасасида. Ақл ва адолат, нур ва гўзаллик кунни албатта енгади. Биз бор, улуғ Октябр

ҳайқирриқлари қўйишда тугилган янги, тамомпла бошқа олам бор. Совет давридаги тарихимизга назар ташланг! Ажойиб жамият -- социализм қурдик. Унинг галабаларида ажойиб гўзалликлар, юксак эстетик ҳиссиётга монанд ва завқ уйғотадиган принциплар ҳаётда мужассамлашди, ҳар бир ютуғимизда улар ўз ифодасини топди.

Бу — гўзал ҳаёгимиз, ажойиб бахтимиз, ҳайратомиз тараққиётимизнинг биринчи босқичи-я!

Мана неча йилдирки, биз коммунизм қура бошладик — энг олий ва энг гўзал инсоний идеални амалга ошира бошладик.

Коммунизм! Нақадар улуғвор ва мағрур жараанглайди бу мўъжизакор сўз! Нақадар ҳаётбахш ва илҳомбахш эшитилади бу ажойиб ибора! Нақадар дилбар, дилрабо ва дилкаш туюлади бу ёқимли сўз! Ҳа, ҳақиқатан ҳам у мўъжизакор. Ахир, у инсон учун керак бўлган, асрлар орзу қилинган энг катта бахт ва гўзалликнинг жамулжамия! Инсон шайнига иснод келтирадиган ҳаромхўрлик ва хор-зорлик, таҳқир ва хокисорлик, машъум адолат, надомат бўлмади! Одамлар бир-бирига меҳрибон, дўст, йўлдош бўлади, вайроналик келтирадиган, асрлар мобайнида башарият бошига, офатдек ёпирилиб турган жангу жадаллардан асар ҳам қолмайди, ақл ва осойишталик мангу қарор тонади, муҳтожлик буткул йўқолиб, моддий ва маънавий бойлик дарё бўлиб оқади, башарият фаровон, булоқ сувидек мусаффо, тоғ ҳавосидек беғубор ҳаёт кечиради, жамият чамандек нашъали, ҳаёт гулдек гўзал бўлади.

Шу жамиятни барпо эта бошладик!

Уни биз тенғдош халқларимизнинг бир-бирига қардош, сафдош бўлиб бирлашган ягона оиласида, тишчилик-севарлиги ва ватанпарварлигида кўрмоқдамиз. Биз уни одамларимизнинг юксак диди, соф ахлоқи, ҳалол нияти ва ижодкор меҳнатига кўрмоқдамиз. Биз ишчининг ихтирочилиги ва пахтакорнинг хирмон-хирмон «оқ ол-



тин»нда, қарияларнинг қаҳқаҳаси ва чарогон уйларнинг безагида кўрмоқдамиз. Биз уни гигант заводларнинг ва қудратли машиналарнинг ҳайқириғида, чўлларнинг ризқ маконига айланиши ва осмон сирларини эгаллашда кўрмоқдамиз. Биз уни яратаётган янги шаҳарларимиз ва қад кўтараётган муҳташам биноларимиз ҳуснида, борган сари кўпаяётган билим ўчоқларнию шифохоналаримиз, клуб ва қироатхоналаримизда кўрмоқдамиз. Биз уни болаларимизнинг безанган боғчаси, хандон кулиши ва лола янглиғ ёноғида, оналарнинг беқиёс бахти ва мамнун боқишида кўрмоқдамиз. Биз унинг ажойиблиги, кучи ва ҳаётийлигини ёвуз империализм устидан қозонаётган ғалабаларимизда, дунё бўйлаб ақл ва адолат учун олишувимиздаги ютуқларимизда кўрмоқдамиз. Биз уни жаҳон социалистик лагерининг майдонга келиши ва кун сайин қилаётган тантанасида, мададимиздан баҳраманд бўлаётган мазлум халқларнинг муваффақиятларида кўрмоқдамиз.

Ҳа, азалдан жафою азоб билан тўлган, энди эса қиёфаси ўзгара бошлаган қадимий планетамиз бўйлаб нур ва нафосат фойдасига бўлаётган ишлар нақадар гўзал! Нақадар юксак эстетик завқ бағишлайди улар инсонга!

Ахир, совет кишиларининг меҳнати ва муҳаббати билан яратилган зилол сувли муаззам кўлу каналлари, ям-яшил ўрмону экинзорлари, чарогон ҳиёбону гулгун боғлари кўрганда, Ватанимизнинг ҳайратомиз табии манзараси — осмон билан ўпишган тоғ тизмаларнию бепоён денгизларига, кўкаламзор яйловию шўх дарёларига назар ташлаганда дил қанчалик баҳра ва лаззат олади, қанчалик ёқимли эстетик завққа тўлади!

Ақлли машина ва гигант электр қуввати манбалари-чи, азалий қалин-қалин музларни ёраётган атомоход-у, осмонни бегаётган лайнерлар-чи, моҳир тўқувчи дастгоҳидан чиқаётган ранг-баранг мато ва уста тикувчининг қўлидан чиқаётган чиройли, бежирим кийимлар-

чи; Осиё ва Африканинг собиқ мустамлака элатндан юртимизга келган меҳмоннинг бизга майини ва ташаккурона боқиши-чи!

Ҳа, Ватанимиз нақадар ажойиб, ҳаётимиз нақадар гўзал, уни яратаётган одамларимиз нақадар олижаноб! Уларни куйлашдан ва улуглашдап юксак парса йўқ. Бу вазифани бажаришда адабиётнинг роли айниқса катта. Зотан, адабиёт маънавий маданиятнинг шундай ажойиб бир соҳаси ва у ўзига хос шундай хусусият ва восита-ларга эгадирки, шу туфайли у инсон психологиясига таъсир қилишда, гўзалликни тараннум этиш ва куйлашда, кишиларни юксак эстетик ҳиссиёт ва завқ руҳида, ёмонга нафрат руҳида тарбиялашда алоҳида зўр куч ҳамда имкониятга моликдир.

Тажриба шуни кўрсатмоқда, шуни тасдиқламоқда.

Адабиётимизда кўплаб ажойиб асарлар яратилди: Улар билан фахрланамиз. Улар ҳаётимиз гўзалликларини, мафтун этувчи фазилатларини завқ билан мадҳ этмоқдалар, янги жамият қурилишининг секинчи ва романтикасини баланд нафос билан тараннум этмоқдалар. Он муҳими — уларда беҳад гўзал коммунистик гояларни ўзида мужассамлаштирган совет кишиларининг тўлақонли ва умумлашган образлари яратилди. «Бўрондан кучли»даги Ойқизга, «Синчалак»даги Саидага қаранг ёки Жуманиёз Жабборовнинг «Топидаги ҳислар»-идаги шу сатрларга назар ташланг:

Бугун туйғуларда анҳор тошқини,  
Кўклам лолалари кўчган ёноққа.  
Тинглаб табиатнинг ижод машқини,  
Боқардим тонг билан тўлишган боққа.  
Уриқлар гуллаган,  
Осмон беғубор,  
Еллар нафасида гулларнинг атри.  
Узоқ чўққиларда йилтирайди қор.  
Қушлар кўшиғида ҳаёт, ишқ сатри.  
Шундай бир тиниқлик,  
Шундай аниқлик.

Шундай мусаффолик тўлганки дилга,  
Бутун кўкрагингга тўлиб ёруғлик.  
Дилрабо оҳанглар келади тилга.  
Шундай бир даврки,  
Бизнинг замона...

Хуллас, адабиётимиз одамларни эстетик тарбиялашнинг, гўзалликни севиш ва унга интилиш руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси даражасига кўтарилган, хизмати ҳам катта.

Лекин замон талаби адабиётимизда ифодаланганидан кўра анча зўр ва мураккаб. Бунинг устига қатор асарларда жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Шулар ҳақида бир неча сўз айтмаслиқнинг иложи йўқ.

Алексей Максимович Горький ёзган эди:

«Одамлар оҳангдор қилиб басталанган товушларни, ёрқин бўёқларни яхши кўрадилар, атрофларидаги парсаларни аслидан кўра ҳам соз, безакли қилишни севадилар. Санъат ўз олдига яхши нарсалар янада яхши бўлсин учун ошириб кўрсатишни, одамларда душманга, ёмонликка инсбатан нафрат туғдириш, бузуқ мешчанлик яратган, ҳаётда мавжуд бўлган ярамасликларни йўқ қилиб ташлаш ҳиссини уйғотиш учун уларни бўрттириб кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Санъат асосида бефарқ санъатга қарши ёки, унинг кўринишларига қарши кураш ётади. Бошқа бўлиши мумкин эмас, чунки инсон фотография аппарати эмас, у борлиқни «суратга олмайди», балки ё тасдиқлайди, ё бўлмаса уни ўзгартиради, вайрон қилади».

Афсуски, баъзи асарларда улардаги персонажлар фаолиятида воқеликка мана шундай кенг, чуқур ва кўп қиррали актив муносабатда бўлиш етишмайди, бўлса ҳам жуда оз, юзаки. Бу эса яхшиликни, гўзалликни тўлиқ кўрсатишга, аҳамияти ва маъносини атрофлича ифодалашга, бинобарин, унинг галабасини таъмин этиш ё сақлаб қолишга ҳалал бериши мумкин. Бу, айни замонда ёмонликни тез ва осон йўқотишга ҳам тўсқинлик

туғдириши мумкин. Қайнаётган ҳаётга фаол аралашмасликнинг, ҳаёт воқеаларининг туб моҳияти ва қонуниятига кирмасликнинг, уларни юзак ифодалаш —фиксация қилишнинг оқибати шундай бўлади.

Воқеликка эстетик муносабатда бўлиш намунаси ва тартиб-қоидаларини ҳукумат раҳбарларининг Москвада адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқларида жуда яхши кўрсатиб берилди. Уларда айтилишича, воқеликни тўғри эстетик талқин қилиш ва юксак бадий ифодалаш ҳар нарсадан олдин партиявийлик ва халқчиллик принципларига чуқур ҳамда изчил риоя қилишни талаб этади, партия кўрсатмаларига, партия қўйган вазифаларга ҳозиржавобликни, халқ билан бирга бўлишни, халқ манфаатига хизмат қилишни, буни ҳар нарсадан юқори қўйишни талаб ва тақозо қилади. Ҳамма гап шунда.

Баъзи қалам аҳллариининг (айниқса баъзи ёшларнинг) камчилиги шундаки, улар буни унутгандай бўлиб, эстетикани, унинг принципларини, воқеликка эстетик муносабатни кўпинча гоёт тор, юзак ва бир томонлама тушунадилар. Натижада улар яратган баъзи асарлар катта ва бош социал маъно, мазмун ҳамда вазифалардан четда бўлиб қолади, гоёсизликка йўлиқади, ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган шахсий интим туйғулар ифодасига айланиб кетади. Шундай асарларга инсбатан Ромеи Роллашнинг қуйидаги сўзлари билан: «Сенинг санъатингда мен учун керакли нима бор? Агар ҳеч нарса бўлмаса, нари тур мендан» деб айтиб турилса ёмон бўлмас эди.

Антон Павлович Чехов ҳам бекорга айтмаган эди: «Бадий асар, албатта, бирон катта фикрни ифодалаш керак. Нима гоёт муҳим, жиддий бўлса, ўшагина гўзалдир».

Дарҳақиқат, баъзилар ҳаётдаги бош, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган масалаларни, энг юксак гўзаллик мужассамлашган соҳаларни четлаб ўтиб, шундай «объ-

ект»ни оладилар ва уни шундай ифодалайдиларки, бундай асарларда на бирон муҳим гоя бор, на завқ уйғотадилар, на бирон социал мақсад сари йўллай оладилар. Мана шу шеърини ўқиб кўринг:

Сен дейсан: манзилим жуда ҳам олис,  
Неча кун, неча тун юрмоғим лозим.  
Бир замон кузатиб қолган эди қиз,  
Шу қизнинг ҳажрида ҳамон тўрт кўзим.  
Эй дўстим, ўксима, ёринг қошига  
Бир кун, албатта, етиб борасан.  
Бошини қўяди чанқоқ тўшинга,  
Шу оннинг завқида мангу қоласан.  
Лекин мен ўн йилки, «Ёшлик» аталган  
Бекатга етолмай доғдаман ҳамон.

Бу шеърда ҳам жамият учун, у ёғини қўяверсангиз шахс учун фойдали қандай катта социал мақсад ва гоя бор?

Анчагина ёшларимиз ижодида севги мавзуи жуда кўп ўрни эгаллаган. Бу тушунарли ва табиий — ёшлар... Бунинг устига умуман севги инсон ҳаётининг бош, белгиловчи ва ҳал қилувчи масалаларидандир. Соғлом инсоният, соғлом авлод, соғлом жамият, бир сўз билан айтганда гўзал ҳаёт соғлом ва катта севгисиз бўлмайди. Чиндан ҳам севги ниҳоят даражада улуғвор ва олижаноб омил ва ҳиссиётдир, фазилат ва ҳислагдир. У гоё мураккаб бўлиб, ниҳоят даражада мураккаб ситуация ва шароитларда, муносабат ва жараёнларда содир бўлади, ниҳоят даражада мураккаб фикр ва ҳиссиётлар билан боғлиқдир, бусиз уни тасаввур қилиш мумкин эмас. Тасодифий эмаски, у қадимдан бошлаб наср ва назм, музыка ва тасвирий санъат даҳолари ижодининг бош мавзуларидан бўлиб келди. Уларнинг ижодий маҳсули асрлардан асрларга ўта барҳаёт бўлиб, инсон фикри, дилни ҳиссиётини забт этиб келмоқда, севги софлиги ва вафодорлик учун курашда, бир-бирини севганлар орзусини қуйлаш, ардоқлашда нўнроқ этиб келмоқда, яхши-

ликларида ҳамдам, ҳижрон пайтларида эса ҳамдард бўлиб келмоқда.

Севги инсоннинг дили, ҳаёти, кураши, меҳнати билан боғлиқ уни на сохталаштириш мумкин, на сийқалаштириш ва на соддалаштириш! Лекин баъзилар худди мана шундай нуқсон ва бир томонламаликка йўл қўядилар, улар севгини ижоднинг ягона ё деярли ягона темасига — объектга айлантириб юборадилар, бунинг устига уни очиш ва ифодалашда нўноқлик ҳам қиладилар, юзакиликка ўрин берадилар. Улар масаланинг туб моҳияти ва мураккаб маъно ҳамда мазмунини очмайдилар, севгини, севги муносабатларини оддий оҳ-воҳдан иборатдек ё пардасиз иборалар воситаси билан дарров бўса олишдек талқин этадилар, вульгарликка қадар етиб келадилар.

Мен яқинда бир шеърни ўқиб қолдим. Унда:

...Кучоғида севиб, эркалаб,  
Йигит кўяр киз лабига лаб.

деган байт мавжуд бўлиб, бошқа сатрлар шу байт учун фонетик, воситачилик, ёрдамчилик вазифасини ўтайди, шунга бўйсундирилган ва шу учун ёзилгандек кўринади. Юксак одоб ва ҳақиқий лирикадан узоқ бўлган бундай бепарда шеър қандай назокатли ва нафосатли эстетик ҳиссиёт ҳамда тарбия бера олиши мумкин! Юксак севгини, интим моментни юксак савияда бера билмоқ лозим. Ахир, ёзилган ҳар бир сатрни қари ҳам ўқийди, ёш ҳам!

Маълумки, улуг ёзувчилар табиат манзараларини акс эттиришга жуда катта эътибор ва аҳамият берганлар. Айниқса, И. Тургенев шундай қилган эди. Бунинг сабабларидан бири шундан иборатки, кишиларни юксак эстетик руҳда тарбиялашда пейзажнинг аҳамияти ғоят катта. У ўқувчининг гўзаллик дидини оширади, нозик ва латиф ҳиссиётини уйғотади, гўзалликка ундайди, чуқур, кенг ва атрофли идрок қилишга, фикрлашга ўргатади,

Ўқувчининг фикр ва хаёл парвозининг баланд, бақувват бўлишига ёрдам беради, шу билан юксак илҳом манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ниҳоят, яна бир жуда муҳим масала ҳақида бир печа сўз.

Биз юқорида гўзаллик диди, ҳиссиёти, гўзалликка интилиш ва гўзаллик ижод этиш инсон ҳаёти ҳамда жамиятда нақадар улуғ куч ва омил эканлиги ҳақида, кишиларни гўзалликни севиш ва ардоқлаш руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида сўзлаган эдик. Шу нуқтаи назардан қараганда партиямизнинг одамларни энг аввал ва биринчи навбатда ижобий, яхши нарсалар тинчлигида тарбиялаш лозим, деган кўрсатмаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Зотан, коммунистик жамият одамини яратишда худди шу йўл энг яхши натижа, энг кўп самара бериши мумкин. Бу тасодифий эмас. Бунинг ўз қонунияти бор: меҳнат эътибори ила инсон табиати, интилиши ва гўзаллик бир-бирига мосдир, бунинг устига гўзаллик гоёт катта қудратдир, бинобарин, яхшиликнинг, ижобий, гўзал нарсанинг, воқеликнинг таъсир ва тарбия кучи гоёт зўрдир. Худди шу ижобийлик, яхшилик энг олижаноб ва энг гўзал коммунистик идеални амалга ошираётганимиздаги муваффақиятларимиздан иборат бўлиб, улар воқелигимизнинг туб моҳиятини, энг характерли белгисини, ҳоким томонини ташкил этади. Шу гўзалликларни, шу воқеликни миллион-миллион советкишилари партия раҳнамоллигида ўзлари учун яратмоқдалар, лаззатини тотмоқдалар.

Демак, коммунизмнинг нуруний чўққиларини забт этувчиларни тарбиялашда кишиларимиздаги, умуман воқелигимиздаги ажойиб фазилатларни биринчи навбатда қаламга олиш, тарғиб ва ташвиқ этиш мустасно аҳамиятга эгадир. Бу — юксак гуманизм ва ҳаётбахш ватанпарварлик, озод ижодкорлик ва мўъжизакор қаҳрамонлик: бу — борган сари кенг қанот ёяётган янги илҳомий муносабатлар, қад кўтараётган санъат гигант-

лари, кўпаяётган ер унумлари, бу — яна ҳам ёрқин ва гўзал келажакнинг романтикаси...

Шу билан бирга узоқ асрларни ўз ичига олган лаънатли кечмишнинг иллатлари — қолдиқлари ҳали ҳам мавжуд. Баъзилардаги безорилик ва текинхўрлик, бюрократизм ва такаббурлик, давлатни алдаш ва халққа хиёнат қилиш, игво, бўҳтон ва фисқ-фужур билан машгул бўлиш, дин ва хурофотга берилиш шулар жумласидандир. Улар ҳаётимизга доғ солмоқда, гўзал орзу ва улугвор режаларни амалга оширишга ҳалал бермоқда. Биров порахўрлик қилади ва балоғатга етмаган қизини мактабдан тортиб олиб, қалин эвазига қурбон этади. Биров чайқовчиликни, ялқовликни касб қилиб олган. Мана буниси эса ўта мунофиқ. У, баъзи гафлатда қолганларнинг «ғамхўр»лиги билан, ўзининг «нозик» ҳийла-найранги билан тузукроқ жойга яхшигина ўрнашиб олади. У ўзини улуггина эмас, умуман ХХ асрнинг нодир илм-соҳибни ва арбобни ҳам деб ўйлайди. Ўйлаганда ҳам ҳеч шубҳасиз ўйлайди. Лекин, афсуски, бундай ҳукми у бошига қараб эмас, бўё гавдасига қараб чиқаради. Қанси бир халқда ҳам айтилар экан: ноқобил одамнинг иши қабиҳлик бўлади.

Дарҳақиқат, унинг ички дунёси, мазмунида ҳам, ташқи кўриниши, қиёфасида ҳам, одамлар билан бўладиган муносабатини муомаласида ҳам на бирон нур, на бирон гўзаллик аломати бор. Каттакон ва пўк гавдаю, кўчиб кетган ҳовлидай файзсиз ва қурий бошлаган мирзатеракдек кўримсиз. Ҳақиқатан ҳам бўйдан—гавдандан берган, лекин шунга номутаносиб ҳолда ақлу инсофдан жуда сиқиб, қўйган, тўғрироқ айтганда, ақлу инсоф кўчасидан ўтган ҳам эмас. Умрининг бир неча ўн йиллини уриб қўйган-у, лекин ҳанузга қадар ҳақиқий одамийлик нима эканлигини билиш ҳақида, унга риоя қилиш зарурлиги ҳақида ўйламаганга ҳам ўхшайди. У кишининг жаҳли ва жоҳиллигини айтмайсизми! Бирон одам унинг сўзини қайтариб ё шу ҳақда ўйлаб кўрсин-чи, би-



рон одам унинг нуқсони ҳақида секнингина бўлса-да, оғиз очиб кўрсинчи ё очмоқчи бўлсин-чи... Умрбод ашаддий душман бўлади қўяди. У ўзига ёқмаган одам билан учрашиб қолса, дарҳол титроқ босади, бети гоҳ куз баргидек қизаради, гоҳ қордай оқаради, жони ҳалқумига келади, газабини заҳарга айлантириб ўша бегуноҳ «мухолиф»нинг юзига сочишга, кўзларини ўйиб олишга тайёр тургандай кўринади. Шунда қани энди, қўйиб бер сангиз!..

Буларнинг ҳаммасининг устига у, атрофига ўзига ўхшаган бир нечаларни тўплаб олади. Бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, бир-бирларига ҳаром обрў яратдилар, шу билан кун кўрадилар. Сохта обрў, мансаб ва мавқе учун амалий «ов»дан кейин, яъни кундузги фитнес-фужурдан, мўлжалларидаги одамларнинг орқаларидан келиб, оёқларидан чалиб йиқитиш учун қилинган ҳамлаю ҳаракатлардан кейин кечқурунлар шароб ҳиди бурқсиган уйда ва фэйсиз дастурхон устида беҳаёларча қаҳқаҳа отиб ўзгалар устидан куладилар, ёвуз ниятлари амалга ошмаган бўлса куядилар, ўғриларча у ёқ-бу ёққа назар ташлаб, янги фалокат ва ҳамла тузоғини тузадилар — эртаги «ов» режасини кўрадилар, ҳар масалада ва ҳар қадамда бошлиқ — ўша туя гавдали барзанги... ўша юздан қараганда фаришта, ботинан эса зардобли ришта.

Кўйиб кетиб, айниқса шундайлардан асрагин, деган эди улуғ Навоий!

Бу иллатларнинг, уларни ўзларига ҳунар қилиб олганларнинг ҳаммаси гўзаллик моҳияти ва ҳиссиётига тамомила зид бўлиб, уларни ўткир ижод қуроли билан супуриб ташлаш зарур.

Шуни ҳам айтмоқ керакки, баъзи қалам аҳллари совет кишиларидаги, воқелигимиздаги гўзалликларга жуда юзаки қарайдилар, моҳиятини, туб гўзалликни айрим ташқи аломатларга — кўринишларга қурбон қилдилар. Оқибатда эстетиканинг бош принципи ҳам, воқе-

лигимиз ҳам сохталаштирилади, ҳаётимизнинг белгилловчи тенденцияси сояда, четда қолади.

Катта гўзаллик катта ҳақиқатдадир — коммунистик идеал мужассамланаётган воқелигимиздадир, ҳаётимизнинг етакчи йўналишидадир, кишиларимизнинг беҳисоб бой ва кўп қиррали руҳий оламидадир, олижаноб интилишларидадир. Бинобарин, ҳамма гап биринчи навбатда ана шу гўзалликни пайқаб олиш ва юксак санъат — билан акс эттиришда, ифодалашдадир. Мана шу қудратли эстетик завқ оптимистик иштиёқ ва илҳомбахш ижодкорлик манбаи ҳамда воситаси бўлади, шундай бўлиб хизмат қилади. Катта санъатнинг маъно ва вазифаси ҳам шунда, унинг аҳамияти ва қудрати ҳам шу билан ўлчанади.

Афсуски, баъзи бадий асарларда майда-чуйда нарсалар, ҳеч типик ва диққатга сазовор бўлмаган воқеалар бирипчи ўринга қўйилади, бош масалага айлантирилади, бунинг устига (энг ёмонн шу!) ана шу нарсалар ва воқеалар фоида кишиларимиз асоссиз ҳолда ландшафт калтафаҳм қилиб кўрсатилади.

Мана бу ҳикояни қараиш, у талафтли қалам эгаларидан бириникидир. Лекин бу асарда... Хуллас, ҳикоя қилинишича можаро мўйлов атрофида кетади: бир колхоз бригадирининг, автор таъбири билан айтганда, «эчки шохига ўхшаган» (!) мўйлови бўлган. У кўпдан ишлайди ва табиийки, уни ён-атрофидагилар кўпдан яхши билади. Лекин мўйловини олдириши биланоқ уни ҳеч ким тапмай қолади, ҳатто колхоз раиси ҳам уни колхозни текширишга келган комиссия аъзоларидан деб ҳисоблайди, унга колхозни мақтай бошлайди ва ниҳоят, шу йўл билан ўзини алдамчиликда, кўзбўямачиликда фош қилади.

Мана шундай қилиб, баъзан эстетикамиз принцинга путур етказилади, муҳим масалалар, жиддий кураш майда ва принципсиз нарсаларга олиб келиб боғлаб қўйилади. Ахир, наҳотки, неча-неча йиллар мобайнида

бир дастурхонни баҳам кўрган, бир колхоз-у, бир далада ишлаган одамлар бригадирини унинг мўйлови олиниши биланоқ буткул танитай қолсалар! Наҳотки, катта жиноятнинг очилиши бир мўйловнинг олинишини кутиб турган бўлса ва мўйловнинг олиниши ҳаётимизда шу қадар катта куч бўлса!

Адабиётимизда баъзан шундай ҳодисалар ҳам учрайди: айрим асарларда воқеликка субъектив, сунъий, бир томонлама муносабатда бўлинади, ҳаётдаги доғлар, тасодифий воқеа ва типик бўлмаган кўримсиз ҳодисалар, зарарли нарса ва шахсларгина кўрсатилади, ёхуд деярли шуларгина акс эттирилади. Пора ва порахўрлар, ўғри ва ялқовлар, кўзбўямачи ва бевафолар, лой кўча ва бузилган кўприк, амалпараст бюрократлар қуюқ бўёқларда кўрсатилади. Бу яхши. Лекин ҳаётимиз шулардангина иборатдек бўлиб қолмасин. Воқелигимиз учун, халқимиз учун характерли бўлган гўзалликлар, умумий ва етакчи тенденциялар, янги коммунистик муносабатлар, покиза, тadbирли ва актив одамларнинг тўлақонли, гоят ёрқин, образи, кишиларимизнинг мўъжизакор меҳнати ва олижаноб фазилатлари, гулгун болалар ва иззат-икромдаги шодон қариялар, янги хиёбонлар ва боғ-роғлар уларга қарши қўйилиши лозим; янгиликнинг эскилик билан кураши ва ғалабаси қонунияти мураккаб ситуацияларда чуқур кўрсатилмоғи керак. Афсуски, баъзи авторларимиз бунга етарли эътибор бермайдилар. Бунинг устига салбий образлар кўпинча тўлақонли, кўшқиррали чиқиб, шу шахсларга қарши турган, мазкур шахсларга қарши курашаётган совет кишиларининг образлари ва характерлари схематик, бўш, рангсиз ҳамда нотаовн бўлиб қолади.

Беноён Ватаннимизда асрлар бўйи илғор инсоният даҳо эгалари орзу қилган янги энг олний ва одил, энг ақлий ва инсоний жамият қад кўтармоқда — далаю даштларда, шаҳару қишлоқларда, саноат соҳасию хонадонларда, миллион-миллионларнинг қалби, онги ва

интиллишларнда энг улуғвор гўзаллик принциплари ҳамда талаблари тантана қилмоқда. Буларнинг ижодкори қудратли партия ва қаҳрамон халқдир. Буларга осонлик билан эришилмади — йўқдан бор қилиш, тош-тоғни қўйориш, азим дарё оқимини ўзгартириш, ер жозиба қувватини еигишдек қийин, бундан ҳам мураккаб бўлди. Биз асрлар тескари айланган фалак билан олишдик, ўжар табиатни жиловламоқдамиз, тишига қадар қуролланган душманни тор-мор қилдик, миллионлар қони тўкилди, даҳшатли олов кечилди, харобалар азоби чекилди, севганлар жудолик аламини тортди, неча-нечалар етим ё фарзандсиз қолди, у аза овозлари, у замбарак зилзилалари ҳамон ёдимизда. Ҳа, ҳозирги тараққиёт, гўзаллик ва бахтга эришиш учун нималарни бошдан ўтказилмади! Бинобарин, ҳозирги воқелигимиз гўзаллигидан, уни яратаётган халқ гўзаллигидан қувонмаслик, завқланмаслик, бу гўзалликни қўллаб-қувватламаслик, ардоқламаслик ҳам гўзаллик қаршисида, ҳам инсон инсофи қаршисида, ҳам санъаткор виждон қаршисида жиноятдир. Уни менсимасликка, уни қинғир ва хира кўзгуда кўрсатишга нўл қўймаймиз. Ҳа, бу бизга жуда қимматга тушган.

Шу ҳаётбахш ва илҳомбахш гўзалликни улуғлайлик, ардоқлайлик, куйлайлик! Шу ҳаётбахш ва илҳомбахш гўзалликни унинг ўзинга мос ва монанд савияда куйлайлик! Унга зид бўлган нарсаларни фош этайлик, йўқотайлик!

**1963**

### **БЕБАҲОНИ ҚАДРЛАМОҚ ЛОЗИМ**

Яқинда шундай бир воқеа рўй берди ва у шундай зўр таъсир этдики, натижада ушбу нома янглиғ нарсанинг майдонга келиши зарурати туғилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда меҳнат қайнаган — ҳар куни ҳар соҳада галабалар, ютуқлар.

Ҳам табиатдаги, ҳам ҳаётимиздаги баҳор пашъаси билан севинчга тўлган ҳолда кечқурун, ишдан кейин дам олиш учун фильм кўришга йўл олдик.

Қараиники, шундай ажойиб ва дилрабо айёмда, шундай сокин ва ҳузурли дам олиш оқшомида, шундай нафис санъат даргоҳида учта ўспирин зўрға оёқ устида тургани ҳолда ҳаммага зўраволик қилиб, тинчликни бузардилар, атрофдагиларга ҳам сассиқ надомат, ҳам заҳарли ҳақорат тошларини отардилар, ўтган кетганининг ёқасидан оладигандай бўлардилар... Яна нимасини айтай? Хуллас, машъум манзара!

Кейин маълум бўлишича, ҳамманинг дилини сиёҳ ва дарғазаб қилган бу «азамат»ларнинг бундай «иш»и биринчи эмас экан, бунинг устига улар бир ўқув юртининг «толиби илм»лари экан.

Ҳам нафратланасан ҳам ачинасан, киши.

Оламда энг мураккаб нарса — одамдир, одам бўлмоқдир. Масаланинг энг муҳими ва юзаки қараганда чигали, аммо айни замонда чуқур фикр қилинса, осони қуйидаги улкан саволга бўладиган жавобдир: одам нима учун дунёга келади, одамийликнинг туб маъноси нимадан иборат, дунёга келган одамнинг вазифа ва фазилатлари нимадан иборат бўлмоғи лозим? Бу ҳал қилувчи саволга қисқача жавоб шунинча бўлиши мумкин: одам моддий ва маънавий бойликлар яратмоқ учун, шу билан жамиятнинг муносиб аъзоси бўлмоқ учун, шу билан ҳам ўзини, ҳам ўзига ўхшаган ўзгаларни бахтиёр этмоқ учун дунёга келади, яшайди. Ҳақиқий одамийликнинг асл маъно ва вазифаси ҳам биринчи навбатда ана шундан иборатдир. Улуғ рус мутафаккири Белинскийнинг ажойиб сўзлари ёдимга тушиб қолди. У айтган эди: одамнинг ички дунёси қанчалик гўзал бўлмасин, агар ундан жамиятга фойда бўлмаса, у гўзаллик деярли ҳечдир. Бинобарин, ҳақиқий одамийлик ҳар бир шахснинг ижтимоий фойдали фаолияти даражаси билан белгиланади ва ўлчанади.

Ҳар бир шахснинг ўз одабийлик бурчи ва вазифасини ўташи учун, осуда ва бахтиёр яшаши учун барча имкониятлар бор. Ана, атрофни ўраб олган табиятга назар ташланг: у бепоён ва беҳаддир, чексиз бой ва сархийдир, донмо гўзал ва ҳаётбахшдир. У қандай мўъжизаларга қодир эмас, ахир! Унинг заррин офтобидан ҳайратомуз гул унади, унинг осмони оби ҳаёт беради, унинг тупроғи шарбатли мевага айланади, унинг ер ости қатламлари конлар макони ҳисобланади.

Бунинг устига шу бепоён табият, ундаги барча бойлик ва гўзаллик инсон ихтиёридадир, инсон учун мавжуддир. Зотан...

Масаланинг иккинчи муҳим томони мана шу «зотан» дадир, инсоннинг бахтиёр бўлишини таъмин этадиган омил ҳам ана шундадир.

Зулм ва зулматга, қабихлик ва «қотилликка, зўравонлик ва талон-тароғчиликка, умуман латъати жамиятга қарши қаратилган Мизг Октябрь иқтибоси зарбаларининг зафарини таъмин этишида ва инсоният тарихида янги эҳл ва адолат таврини бошлаб беришида, башарият ҳаёти гилдираганининг айланишини янги, тўғри йўлга солиб юборишида; граждон урушлари алаңгалари ва муҳтожлик исқонжаларида интервентларни тиз чўкдириши ва тор-мор келтиришида, машаққатли тикланиш ва қурилиш йилларида, айниқса ажалфуруш ва гўрсўхта гитлерчи газандалар билан олишувларда Ватанимизнинг шавкатли ёшлари қандай қаҳрамонлик ва фидокорлик мўъжизаларини кўрсатмадилар?! Улар асрлар мобайнида қақшаб ётган чўллар қиёфасини, маъно мазмунини маъмурлик ва гўзаллик томон тубдан ўзгартирмақдалар. Улар афсоналардаги паҳлавоилардек якка кифт бўлиб тоғ қўпормоқдалар ва даҳшатли дарёларга жилов солмоқдалар. Улар одамзод майдонга келибдики, барчани ҳайрат ва таажжубга, ҳатто қўрқувга солган, ноаниқликлар маскани ва муаммолар макони ҳисобланган конотни биринчи бўлиб эгаллашда иштирок этмоқдалар.

Улар экран ва саҳнани беэаб, ҳайратомуз санъат ва маҳорат памуналарини кўрсатиб, миллион-миллион каттакичиқларни юксак дид ва эстетик руҳда тарбиялашда мураббий бўлмоқдалар. Улар ўзларининг ёқимли ва олижаноб хулқ-одоблари билан, илм ва ҳунар чўққиларига иштилишлари билан, холис ватанпарварлик ва халқпарварлик мақсади ҳамда режалари билан бутун ҳар хил билим юртларини беэамоқдалар, эртага эса саҳрога жон берадилар, мураккаб машина яратадилар, атом қувватини идора этадилар.

Хуллас, уларнинг ҳам ташқи қиёфаси нуроний ҳам ички дунёси зиёли, ҳам ишлари чиройли. Уларга қараб, севгино севишчдан тўймайсан, киши.

Ҳа, улар яна ҳам ёрқин ва улугвор келажакнинг муносиб ҳамда баркамол баҳоридирлар.

Лекин афсуски, айрим ёшларимиз гўзал жамияти-мизининг, фаровон ҳаётимизининг қадрига етмай, ажойиб ва бахтиёр ёшлиқнинг қиммати ва маъносига етмай «тўқликдан шўхлик чиқармоқдалар», ножўяликка йўл қўймоқдалар. Уларнинг хулқи ва ҳаракатидаги доғлар жуда озорли ва ачишарли. Меҳнатни ёқтирмаслик ва безорилик, шахсиятпарастлик ва одобсизлик; энг муқаддас ҳисобланган соф севги ва севгилини таҳқирлаш ва самимият ҳамда садоқатни топташ; бемаъни маншатга ва беҳад сатангликка берилиш; билим ва китобга кўз қирраси билан қараш шулар жумласидандир.

Улар орасида, афсус, шундайлари борки, ўзгаларнинг ҳалол бахти ва тинчлигига тажовуз қилиб, бўлмагур бўҳтон ва уйдирмалар, кўнгил айинтадиган «миш-миш» ва «олди-қочди»лар тарқатадилар.

Улар орасида афсус, шундайлари борки, завод ва фабрикада, дала иши ё ўқув юртида ўз вазифаларига менсимаслик ва масъулиятсизлик билан қараб, брак ва қолоқликка йўл қўядилар, шу билан ҳам ўзларига, ҳам жонажон давлат ва умумхалқ манфаатига зарар етказадилар.

Улар орасида, афсус, шундайлари ҳам борки, ҳатто ўзларини боққан халқ, ардоқлаган Ватан мулкига хиёнат қиладилар, шу билан энг оғир жиноятга етиб борадилар. Бундай ҳоллар одамийликка иснод келтиради. Уларнинг бизда бўлишлигига ҳеч қандай социал-асос йўқ — тузум ва ҳаётимиз шу қадар гўзалдир, шу қадар олижаноб ва муқаддас мақсадлар асосига қурилгандир. Бинобарин, актив ва таъсирли тарбия диққат марказида турмоғи лозим.

Ҳақиқий одамийлик, инсоний фазилатлар, ҳаётдан мақсад нимадан иборат деган савол асрлар мобайнида гоҳ жумбоқ бўлди, гоҳ ҳар хил ижтимоий гуруҳлар томонидан ҳар хил талқин этилди. Бу саволга энг тўғри ва энг чуқур илмий жавобни марксизм-ленинизм классиклари, партиямиз берди. Бу жавоб ҳар иарсадан олдин янги, социалистик ва коммунистик жамият принциплари билан, шу жамиятнинг барпо этиши нши билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, бу жавоб энг юксак инсоний идеал билан боғлиқдир, демак, тамомила янгиладир.

Ҳақиқатан ҳам янги жамият яратилган ва унда яшаётган, яшайдиганларининг мақсад ва фазилатлари бениҳоя улуғвор ва гўзал. Ахир, энг катта мақсад коммунизм бўлганидан кейин, фазилатлар ҳам шу билан тақозо қилинади, ватанпарварлик ва интернационализм, одоблилик ва ор-номуслик, меҳнатсеварлик ва қаҳрамонлик, тинчликсеварлик ва халқпарварлик, жамоатчилик ва самимийлик, ҳалоллик ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасини жамламоқчи бўлинса, биринчи навбатда қуйидаги энг асосий принципларга риоя қилиш келиб чиқади: ишламаган тишламайди; ҳар кимнинг ўз қобилиятига кўра, ҳар кимнинг эҳтиёжига кўра.

Ҳа, совет кишининг фазилатлари бениҳоя олижаноб, улуғвор ва ҳаётбахшдир. Улар ҳақида кунлаб, ҳафталаб сўзласа, одам бўйи келадиган қалин-қалин китоблар ёзса ҳам озлик қилади. Улар нақадар беимсил, беҳад ва беқиёс натижалар бермади?! Ахир улар



лаънати эскини бузиш ва йўқ қилишда ажойиб янгини яратиш ва ривожлантиришда шунчалик беўлчов ижодкор қудрат кўрсатдиларки, бунга ҳайратланмасдан ҳеч бўлмайти.

Дарҳақиқат, мана қаранг, улар нақадар гўзал ва ажойиб! Бепоен Россия ва унинг чекка ўлкаларини турмага айлантирган, бунинг устига Европа жандармаси деб ҳисобланган, ҳар бир ҳаракатидан ўлим бурқсиган, ҳар бир сўзидан бахтсизлик унган, қамчисидан қон томган қудратли чоризмни афдаришда мазлум ўзбекка муаззам рус халқининг ёрдами, меҳрибонлиги, бу икки жафокаш халқнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳал қилувчи роль ўйнамадими?! Кейинги оламшумул воқеаларни айтиб ўтирмай қўя қолай. Бизда ҳозирги ижтимоий ҳаёт ва унинг тараққиёти учун ҳавадек зарур бўлган нефть ва химия, машинасозлик ва металлургия саноати йўқ эди. Буларнинг майдонга келишида қардошларимиз асосий роль ўйнамадиларми?!

Саводсиз ўлкани маданият чўққисига кўтаришда, асрий жиловсиз дарёларда инсон иродасига бўйсундириб «Ильич чироқларига айлантиришда, чўллар ўрнида чаман яратишда, қуёш нуридан миллион-миллион тонна «оқ олтин» ундиришда, ақлли машиналар ижод этиш ва атом энергиясини ўзлаштиришда, асрлар мобайнида гердаиб ётган тоғларни таъзим қилдириб, инсон манфаати хизматига қўйиш, хуллас социализм ғалабасини таъмин этиш, энг улуғвор ғоянинг — коммунизм жамиятининг тантанасини таъмин эта бошлашда янги меҳнат ҳал қилувчи роль ўйнамаётирми?! Одамларимиздаги янгича онг ва одоб нақадар гўзалки, шунга эга бўлганлар юлгичлик ва ўғирликни, текинхўрлик, ва талончиликни нафратлайдилар, мунофиқлик ва маккорликни, сотқинлик ва мансабпарастликни қоралайдилар, инсонни таҳқирлаш, қадр-қимматини поймол этиш, беҳаёлик, беномуслик, беорлик ва фаҳш ишлар билан машғул бўлиш каби разилликларни лаънатлайдилар. Ватан ва

унинг манфаатларини ҳар нарсадан юқори қўйиш, унинг тинчлиги ва равнақини, унда Маркс айтганидек, «нон ва гул» кўп бўлишлигини таъмин этиш учун фидоилик кўрсатиш — шундан улуғ ва гўзал нарса борми инсон учун! Ахир ҳар нарсадан олдин шу эмасми одамларимизда ҳукмрон ва одамларимизни безайдиган ҳиссиёт ва фазилат!

Ахир бизда «Одам одамга дўст ва биродардир» деган ғоят юксак ва олижаноб гуманистик қоида қонун даражасига кўтарилган, жамиятимиз, барча ижтимоий муносабатлар асосида ётган принципга айлантирилган. Ҳар бир шахснинг бошқасига кўмакчи ва меҳрибон, ҳамдўст ва ҳамдам, ғамхўр ва ҳамкор бўлиши, ҳар кимнинг ҳамма учун, ҳамманинг ҳар шахс учун ижтимоий-фойдали фаолиятида бўлиши зарурати инсоний яшаш нормаси ҳолига кирган.

Буларнинг ҳаммасининг устига яна бир чексиз улкан ва муҳим нарса: биз бутун дунёни, барча башариятнинг фалокат ва ҳалокатдан сақлаб қолмоқчимиз ва шу учун курашмоқдамиз. Ахир кимга аён эмаски, ўз даврини аллақачонлар яшаб бўлган, ёлғиз куч ва зўравонлик асосидагина кун кечираётган, қотиллик ва қурол, турма ва террор, фирибгарлик ва риёкорлик, чиркин мафкура ва ваҳшиёна хулқлар ёрдами билангина яшаётган машъум «сариқ иблис» авлодлари дунёнинг ҳар ерига тутқунлик ва ажал уруғларини сепмоқчилар, шу билан гўзал планетамизни кулхона ва қушхонага айлантирмоқчилар. Улар буни энг қирувчи ва ёндирувчи бомбалар воситаси билан амалга оширмоқчилар. Шу ниятда улар неча марта бош кўтармадилар ер юзининг гоҳ у — гоҳ бу ерида қандай ғавғолар қилмадилар?! Аммо чиқмаётир. Бунинг бош боиси — биз, Совет Ватани, совет халқлари, уларнинг қудрати ва қатъияти, уларнинг умумбашарий аҳамиятга эга бўлган идеаллари ва энг олижаноб инсоний фазилатлари, уларнинг энг юксак инсонпарварлик интилишлари, курашлари. Бу — улар-

нинг ҳозирги ҳамда келажак авлод олдидаги энг катта вазифаси ва шарафли бурчидир.

Бинобарин, бизга, шу жумладан, ёшларимизга тарих тақозоси ва давр топшириғи билан инсоният тақдирини ақл ва адолат фойдасига ҳал қилишдек энг масъулиятли ишга энг катта ҳисса қўшиш вазифаси юклатилганки, бу билан фахрланамиз, буни бажарамиз, шундай бўлаётир ҳам.

Бунда келажак мансуб бўлган айниқса ёшларимизнинг иштироки фоят муҳимдир, уларнинг ҳиссаси улкан бўлади, албатта.

Хуллас, мамлакатимизда коммунизм қуришдек, ташқарида тескаричиларни жиловлаш ва таслим қилишдек, катта ҳақиқат тантанасини ҳар ерда таъмин этишдек фоят улкан мақсад турибди қаршимизда.

Бинобарин, шу мақсад юксаклиғида бўлмоқ ва уни дўндириб амалга оширмоқ учун барча ватандошларимиз, шу жумладан, барча ёшларимиз доно партиямиз Программасида қайд қилинган ахлоқ кодексини ўзлари учун қонун деб билмоқлари, илғор совет кишисига хос бўлган, уни безаган беҳад гўзал инсоний фазилатларни ҳар томонлама ўзлаштириб, уларга тўла ва изчил риоя этмоқлари лозим.

Шудир халқимизнинг муносиб фарзанди ва давримизнинг илғор кишиси бўлмоқнинг асосий воситаси ҳамда шарт!

**1964.**

### **ЭСТЕТИК ЗАВҚ ВА АЁЛЛАРИМИЗ**

Асосан ёш хотин-қизлар ҳақида сўз кетади бу мақолада.

Ўзбек одати бўйича, аввало ассалому алайкум, ази-за ва муҳтарама оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз! Мен сизларга эстетик завқ деган бир муҳим масала ҳақида озгина бўлса-да, сўзлаб бермоқчиман.

Бизнингча, эстетик онг-ҳиссиёт ва завқ деган нарсанинг ўзи нима эканлиги тўғрисидаги саволга умумий тарзда қуйидагича жавоб берса бўлар:

Қоинот тожи ҳамда ҳаёт гавҳари ҳисобланган ҳақиқий инсон ва чин инсонийлик, олижаноб инсоний фазилатлар, ҳаёт ва табиат гўзалликлари; уларни севиш, ардоқлаш ва уларга интилиш; шулар билан завқланиш; мана, қисқача қилиб айтганда, эстетик онг-ҳиссиёт ва эстетик завқ.

Энди бу ҳақдаги гапни чўзиб ўтирмасдан, масалани конкрет ифодалашга ўта қолганимиз маъқулроқ.

Сўзни гўзалликнинг гўзалидан бошлайлик:

Дунёда энг гўзал, энг бебаҳо инсондир, деймиз-у, лекин бу маълум маънода кўпроқ аёлларга оиддир. Одамзод майдонга келибдики, унда гўзаллик ҳиссиёти яралибдики, унинг ҳам шеърятнинг, ҳам юрак оҳанги ва музикасининг бош ва асосий мавзуи аёл бўлиб келяпти. Гўзалликни севадиган инсон даҳоси, аёлнинг ўзинигина, унинг гўзаллигининггина мадҳ этиш озлик қилгандек, уни нималарга ўхшатмади! Йўқ, ўхшатиш у ёқда турсин, аёл, баҳор гули ё қушлар куйидан, хуллас, табиат нима билан фахрланса, шундан юқори кўйилди. «Сени кўрганда қуёш ҳам, ой ҳам ўз ҳуснсизлигидан уялиб, юз беркитадилар», деб шеърят даҳолари ва гўзаллик гадолари бекорга ёқа чок қилмаганлар.

Ҳа, аёл энг нозик инсоний ҳиссиётнинг, ажойиб латофат ва нафосатнинг, умуман қандайдир ҳеч қачон ва ҳеч ким томонидан изоҳ этиб бўлмайдиган сирли гўзалликнинг ҳам мужассами; ҳам тимсолидир. Шундай туюладики, гўё холиқи хилқат, яъни табиат ҳам ўз санъати ва маҳоратидан фахрланиш ва кўз-кўз қилиш учун, ҳам гўзалликни тушунадиганларни шайдойи қилиш учун, бирисини шоир, бирисини ёқаси чок куйчи қилиш учун, бирисини банда, бошқасини бахтнёр қилиш учун аёлни яратгандек кўринади.

Шуни ҳам айтиб олай. Гап гўзалликдагина эмас. Улуғ ёзувчи ва мутафаккирлардан бириси айтганидек, дунёда энг зўр нарса — ўлим, лекин аёл ундан ҳам кучлидир: ахир, ўлим олиб кетади, аёл эса ҳаёт яратади. Шу сатрларни ўқинётганларнинг деярли ҳар бирисининг уйида кичкинтой жигарбандлари ва нури дийдалари ана шундан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, табиат аёлни алоҳида маҳорат ва муҳаббат билан яратиб, унга сеҳрли гўзаллик ва беқисс қудрат бағишлаган. Бу — асл аёл дега нимиздир.

Энди аёлларимизнинг ҳар бириси ўзига, ўзининг кўрган-билганларига шу нуқтаи назардан бир қараб боқсин.

Масалани тўғри тушуниб олишларингиз учун баъзи шарҳ ва мисоллар берайлик.

Мана бир оилга кирдик. Уйга қадам ташламасдан олдин сизни қандайдир бурқсиган ҳид кутиб олади. Ҳа, бир амаллаб уйга ҳам кирдик. Бир ёнда дарз кетган зар коса-ю, ағдарилиб ётган руҳ челақ; кеча ё ўтган кун керак бўлмаганлиги учун ювилмаган идиш-товоғ-у, сал нарироқда дунёга келганидан безор бўлган бечора ўйинчоқлар. Агар тили бўлса фиғони билан ҳамма ёқни тўлдирадиган духоба кўрпачалар-у, шоҳи ёстиқларнинг аҳволини кўрсангиз! Шу орада эшикдан «тозаликдан» на башарасига, на кийимига қараш мумкин бўлган боласи салом-аликсиз югуриб уйга кирди-ю, бир бурчакда ғарам бўлиб ётган бир ойлик оила кнри ёнида чиройли косада инмадир ялаётган мушукчасига ташланди. Дераза ойналари заводдан чиқиб шу хонадонга келганидан бери на сув, на одам қўлини кўрган. Қип-қизил гиламни танимас ҳолга солган майда-чуйда нарса-ю, хас-чўплар...

Пашшаларнинг уяси бузулган арилардек жадал, ҳузур қилиб учишларининг ва тўхтовсиз гинг-гннглари-

нинг уйдаги умумий аҳволга ҳамоҳанг бўлиб ва «обод» қилиб турганини айтмайсиэми!

Ҳеч нарса билан иши бўлмайдиган, дунёни сув олиб кетса, кўзи ҳам илғамайдиган, ҳаётнинг маъносини бир юмалаб ётиб-туришдангина иборат деб билган, зебу зийнатнинг на маъносини ва тартиб-қоидасини тушунадиган, буларнинг устига ўз хонадонига юқорида баён қилинган «чиройли» манзараларга бутунлай лоқайд қараб кун кечирадиган аёлнинг номини нима дер эдилар-а!? «Сатанг» десак, озлик қилади, «Олифта» десак, масаланинг бир тарафигина олинган бўлади. Эскича таъбир билан «Ойпошша», «Ойимча» десак ёки янгича айтганда, «Сурмахон» лақабини ишлатсак — бу ҳам камлик қиладиганга ўхшайди. Хуллас, бу ёгини ўзларингиз топиб олаверинглар.

Энг катта фожиа шу аёлнинг уйдаги ҳозирги мавжуд кўримсиз ва аянч аҳволидагина эмас. Энг даҳшатлиси шундан ҳам иборатки, аёлнинг юқоридаги санаб ўтилган сифатлари ва унинг уйдаги аҳвол унинг болаларига ҳам, болалар тарбиясига ҳам, уларнинг келажатига ҳам жуда хунук, жуда ёмон ва аччиқ таъсир қилиши турган гап. «Балиқ бошидан чирийди» деган мақолнинг маълум даражада бўлса-да, шу масалада ҳам тўғри эканлигини ёддан чиқармаслик фойдагина келтиради.

Шу синглимизни ё аямизни бошқа хонадонга олиб борсак, нима бўларкин, таъсир қилармикин?! Гўзаллик нимадан иборат эканлигини тушунармикин?

Майли, у кишини овора қилиб ўтирмайлиг-у, ўзимиз ўша хонадон билан таништириб қўя қолайлик. Мана у, қандай ажойиб...

Бу уйда жуда ҳам айтиладиган даражада бойликлар, қимматли буюмлар, олтин, кумушдан қилинган идиш, асбобу безаклар кўп эмас. Тўғри, ҳар ҳолда маълум даражада керакли ва асл нарсалар мавжуд.

Лекин гап буларда эмас. Хоналарга кириш биланоқ

кўзга биринчи ташланадиган, уйга айрим гўзаллик бериб турадиган нарса — мусаффо ҳаво, топ-тозалик, алоҳида дид билан ўрнатилган тартиб ва нурунийлик.

Ҳар нарса ўз жойида. Бирон ортиқча буюм йўқдек. Ҳали тахи босилмаган, қордек оппоқ дастрўмол билан бориб радиоприёмникни ё жавон тепасини суртиб кўрсангиз, на чанг ва на шунга ўхшаш бошқа кўрпмсиз нарсанинг изи йўқлигидан ҳайратда қоласиз. Хуллас, ҳар бир мавжуд нарсаларнинг ҳар бири ва улар билан безалган бутун уй кулиб турганга ўхшайди, чиройли музей хонасини эслатади, дилга қандайдир алоҳида лаззат, севинч ва дид бахш этади.

Одам уйдан чиқиб кетгуси келмайди. Шундай туюладики, кўчадан, ишдан ниҳоят даражада чарчаб келинса, бу оромбахш ва файзли уй ўша чарчашликдан озгинагина вақт ичида ҳеч нарса қолдирмайди. Ҳа, бундай хонадонда ҳамиша осойишталик ва хандон кулишлар барқарор. У ерда бахт кулади, у ерда инсон кулади. У ерда ҳақиқий инсоний ҳаёт қайнайди.

У ердаги ҳаётбахш ҳаво, дилрабо тозалик, уйни безатган жиҳоз, ярқираб ёниб турган чироқ, пишиб, қипқизил бўлиб, «мени олинг, лаззатланинг!» деб турган шафтоли, анор шу уй эгасини қанчалик безайди!

Бу хонадонни кўздан кечирганда ихтиёрсиз суратда ё ихтиёрий ҳолда эсга бирдан, «одамнинг қўли гулдир» деган ажойиб мақол келади.

Уй хўжаси аёлнинг ўзини айтмайсизми? Унинг уйдаги ажойиб манзарадан унинг ўзининг ҳам қиёфаси қандай эканлигини тушунаётгандирсиз!

Ҳа, унинг қўли ҳақиқатан ҳам гулдир, унинг дили гўзаллик ва нафосат билан нафас олади. Унинг бутун уй фикрини, ҳаракат ва фаолиятини гўзалликка ва нафосатга бўлган севги ва интилиш белгилаб-безаб туради.

Бунинг устига, аёлнинг муомалада турган-битгани

одоб ва ҳаёдан иборат эканлигини ҳисобга олсангиз, бу унга алоҳида безак бўлиб тушганлигини билиб олиш қийин бўлмайди.

Шунисини ҳам айтиб қўяй: у, «уйда ўтирадиганлардан», эр ё умуман ўзга меҳнати ҳисобигагина яшайдиганлардан эмас. У қайси бир ерда хизмат қилади, совет халқининг улуғ ишига ўзининг ҳиссасини қўшади. Сўзаро бўлса-да, шуни ҳам хабар бериб қўяйки, унинг гул ҳолига келтиришда аёлнинг эри ҳам баб-баравар иштирок этади.

Мана ҳақиқий совет аёли, оиласи, уй шароити!

Мана ҳақиқий гўзаллик ва бунга мафтунлик!

Энди кўчага чиқайлик.

Ажойиб ва машҳур совет олими — педагог А. С. Макаренко айтган эди:

«Мен биринчи гада ташқи қиёфага эътибор берардим. Кишининг қиёфаси унинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Ифлос, исқирт одам ўзининг қилиқларини кузатиб тура олиши кийин гап»

Бу жуда ҳақ сўз.

Инсоннинг гўзалликка бўлган мупосабати унинг ташқи қиёфаси билан ҳам белгиланади.

Бесўнақай тикилган-кийилган ё исқирт, кир кийимдан ўша одамнинг гўзаллик ҳиссиётидан маҳрум эканлигини билиб олиш қийин эмас. Баъзилар нима учундир, гўзалликни қимматбаҳо шоҳи-духобаларда ё олтин, лаъли безакда, деб тушунадилар, баъзилар эса...

Мана шунга бир мисол келтирай:

Биз бир куни кўчада кетаётганимизда қуйидаги ҳодисага дуч келдик. Осмон булутроқ, ҳаво бўғиқроқ эди. Бир аёл келишмаган помбархат деган балойи духобага бурканган. Қўлида, бўйнида, қулоқларида шалдир-шулдир олтин буюмлар. Юзи-кўзи мою кремлар, упа-сурмалар билан бўялган. Терлаганидан упа-сурмага, сурма кремга аралашиб кетиб, аёлнинг юзини ачиган қовун палласига ўхшатиб қўйган, пойафзали ҳам



жуда қимматбаҳо. Лекин бу фазилатни чанг ва доғлар билдирмаслик ҳолига келтирган.

Охирги мода ва санъат билан чиқарилган ва катта пулга олинган чулкисининг бириси буралган, иккинчиси эса ўт-бўти йиғилиб қолган.

Осмон булутроқ ва ҳаво бўғиқроқ бўлишига қарамай, бунинг ҳаммасининг устига у киши қўлларида очиқ зонтикни бошпана қилиб кетаётганликларини айтмай-сизми!

Қизиғи шундан ҳам иборатки, аёлнинг қадам ташлашига ва юз ифодасига оз-моз диққат билан назар ташланса, унинг қандай шоҳона, ҳа, шоҳона, кайфиятда кетаётганлигини билиб олиш ҳеч қийин эмас эди. Яхшики, у тезда кўздан ғойиб бўлди.

Биз бечора аёлнинг бетамизлиги ва беҳаёлилигига ачиниб, маълум бир масофани ўтган ҳам эдикки, кўзимиз ажойиб манзарага тушди. Ана, бир аёл беш-олти яшар қизчасини етаклаб, секин келаётир. Эғнида оддий матодан қилинган, лекин нпҳоят даражада юксак дид билан тикилган, жасадига гулдек ярашган либос (кўйлак). Ажойиб сочлари ҳайратомиз санъат билан тартибга солинган, бармогида биргина узук бор бўлиб, бу узук ўз эгасининг бахтиёр никоҳи-ю, кулган ҳаётидан дарак бергандай бўлиб, безаб турарди. Унинг юзлари, кўзлари ва дудоқлари бўёқлардан, упа-сурмалардан ҳазар қилгандек, майин табассум билан тўла эди. Унинг оёқ босиши, бош ва қўл ҳаракатлари олижаноб инсоний одоб ва ҳаё қоидаларига тамомила ҳамоҳанг эди. Енида кетаётган қизчасини айтмайсизми! У суту нурдан ясалгандек топ-тоза, кийими эса гулдек гўзал. Бир сўз билан айтганда, қўғирчоқ пилдираб кетаётганга ўхшарди.

Хуллас, бу олижаноб аёл ва унинг жигаргўшаси бошдан оёқ мужассамлашган гўзаллик намунасидек туюларди.

Мана бизнинг совет аёлларимиз! Ҳа, шунисини ҳам

айтиб қўяй: аёлнинг қўлида хизматдан қайтиб келаётганлигининг нишони ҳам бор эди.

Демак, қизчасини боғчадан олиб келаётганлиги ҳам маълум бўлди.

...Айниқса кейинги вақтларда баъзи аёллар томонидан гўзалликни топталашнинг бир хили анчагина ёйилиб қолаётганга ўхшайди-ки, шу ҳақда ҳам бир оз маслаҳатлашиб олайлик. Сўз «стиляга» деган олифталар ҳақида кетаётир.

Уларнинг бесўнақай бурама ё тўзиб-хаппайиб турган сочларини, тиззадан анчагина юқорида тамом бўладиган, олабайроқ, тор юбкаларини, табиат томонидан яратилган гўзал юзу кўзни ажинасимон шаклга солиб бўяшларини кўрганда ҳақиқий гўзалликнинг изтироб чекмаслигига, ҳазар қилиб газаб ва нафрат билан юз ўгирмаслигига, иложи йўқ. Бунинг устига, шу олифталарнинг шу бесўнақай жингалак сочларига, тор ҳамда калта юбкаларига, илгичка қилиб терилган кўримсиз қошларига мос тушган қилиқлари-ю, ўзини олиб бориш ҳамда муомала манераларига ҳазар ташлаганда, киши исноддан нима қилишини билмай қолади. Гўзалликнинг ва унга бўлган ҳиссиётнинг увол қилинганидан жуда ачинади.

Бунинг устига бу олифталарнинг кўпчилиги ялқов, иш ёқмас, текинхўр ва жикка бўладилар. Уларнинг ораларида чақимчилик ва фитна, фисқи фужур билан машғул бўлгувчилар ҳам оз эмас.

Аввалги зонтик тутган аёл ва бу зикр қилинган олифталар нима мақсадда ва нега шундай ножўяликларга йўл қўяр эканлар-а?!

Балки бировлар яхши кўринишга уринаётгандирлар! Балки баъзилари ҳақиқатан ҳам кимнидир мафтун этиш воситаси қилиб шундай йўлни маъқул билгандирлар? Бекор айтибдилар, бемаъни ўйлабдилар! Бундайларга Навоий Шириннинг қуйидаги сўзлари билан жавоб бермасга илож йўқ:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,  
Гар мен одам ўлсам, ушбу басдир.

Нақадар улуғвор, нақадар ажойиб сўзлар-а?!

Биз юқорида меҳнат масаласи ҳақида бир неча сўз айтган эдик. Ҳамма нарса ҳақиқий гўзалликнинг нимадан иборат эканлигини англаш, уни яратиш ва ундан завқлана билишда. Ҳа, ҳамма нарса ҳақиқий одам бўлишда. Бунинг эса ўзининг ҳал қилувчи шарт-шароити бор.

Одамни одам қиладиган ҳам, одам бахтини яратадиган ҳам, башарият фаровонлигини белгилайдиган ҳам меҳнатдир. «Меҳнат — бахт калитидир», «Одамнинг ҳусни меҳнатда», деб бекорга айтмаганлар. Меҳнат гўзаллик яратади: меҳнат одамни безайди ва ўзи оромбахш гулу ҳаётбахш донга, ақлли машина-ю, ажойиб мевага, метин металл-у, оппоқ пахтага, обод шаҳар ва мамнун оилага айланади.

Бинобарин, меҳнат қудратидан, меҳнат гўзаллигидан ва унинг завқидан зўр нарса йўқ. Ҳаммасини қўяверинг, масалан, вояга етказилган биргина гул гўзаллигини ва унинг инсонга берадиган, айниқса уни авайлаб ўстирган — ундирган шинаванда гулчига бағишлайдиган завқини эсингизга олинг! Нақадар ажойиб манзара-ю, ҳодиса-я бу!?

Меҳнат қилишни, бундан завқланишни, табиат сирларини фош қилиб, улардан фойдаланишни ҳақиқий одамийликнинг биринчи шarti қилиб қўйган улуғ ёзувчи — инсон Алексей Максимович Горький, ўз ўғлининг гул ўстириш ва териш билан машғуллигини эшитиб ёзган эди:

«Онанинг менга ёзншича, сен энди чечак тераётган эмишсан! Жуда соз! Бу, соғлом, ёқимли ва жуда ақлли ишдир! Сенинг ботаника билан пича танишиб олишинг лозим...

Сен бу фан билан танишганингдан сўнг чечаклар сен учун яна ҳам чиройли бўладилар: кўрасанки, улар

жонли нарсалардир; тушунасанки, ҳаёт ҳамма ерда бор, ҳар тарафдан сени қуршаб олган, сенинг ўзинг ҳаётнинг ёрқин, шодиёна оқими билан ўраб олингансан; билиб оласангки, сен — инсон мана шу беҳад ва сон-саноксиз ҳаёт оқимида энг яхшиси, энг гўзали ва энг ақллисан.

Ҳаёт оқимиға қанчалик чуқур кирсанг, қанчалик кўп билсанг, тушунсанг, сенинг руҳинг, сенинг ақлинг шунча бой бўлади, сен ўзингни шундай тоғ чўққисида кўрасанки, ундан туриб қарасанг, ажойиб манзара ёйилиб, қучоқ очиб кўз ўнгида гавдаланади, жилваланади, ундагининг барчаси сеникидир.

Мана гап қаерда, нимада, менинг сеvimли жажжигина ўғилчам».

Ана шундан кейин эрлар билан бир қаторда чўлларни бўстонға айлантираётган ва коинотни забт этиш ракеталарига улкан ҳисса қўшаётган ва дўндиқ қизча-ю ўғилчалари билан ҳаётимизни безатаётган, тоғ кўпориб ер ости бойлиқларига ҳамла қилаётган ва муҳташам уйлар яратаётган, мана шундай улғу ва гўзал иш завқи билан тўлиб-тошган, илҳомланган миллион-миллион совет аёлларига тўхтовсиз тасанно айтгинг келади.

Ана шундан кейин иш ёқмаслик ва дангасаликни ўзларига касб қилиб олган, ҳаёт маъносини, гўзаллик ва завқи бемаъни олифталикда, сатангликда ва олтину атласдагина кўрган одамларға ачинасан киши, ҳам нафратланасан, ҳам ғазабланасан.

Шу билан алоқадор яна бир масала. Инсоният майдонға келиб вояға етибдики, унинг дилини, унинг ўю фикрини машғул этган энг асосий масалалардан бири севги ва вафо. Шунинг учун ҳам масалан, улғу Навоий севги ва вафони ҳаётда яхши нарса, ҳамма гўзаллик, барча олижаноблик шу севги ва вафодан унади, у ҳар қандай яхши нарсанинг, ҳар қандай олижанобликнинг асосий моясидир, деб таърифлаган эди. Ҳа, қаерда,

қайси оилада севги ва садоқат бўлса, у ерда ҳамма шод ва хуррам бўлади, у ерни бахт ва саодат безаб туради. Ҳа, севги ва вафо, севиш ва севилиш инсонга энг юксак ва энг лаззатли завқ берадиган, инсонни, унинг дилини безайдиган энг бой ҳислат, фазилат ва гўзалликлардандир.

Шунинг учун ҳам Толстой ва Горький, Низомий ва Гёте, ҳамма буюк шахслар бу гўзаллик ва фазилатни бениҳоя улуғладилар ва ардоқладилар.

Мана бу оилани қаранг. У, бизнинг қўшнимиздир. У билан алоқамиз жуда яқин, шунинг учун ҳам яхши биламиз.

Бу оиладаги эр-хотиннинг муносабати ва муомаласига ҳар қандай юксак дидли ва завқли одамнинг ҳам ҳаваси келса керак.

Авалло шуни айтиб олай: уларнинг иккаласи ҳам бир-биридан гўзал, иккаласининг чеҳрасидан нур ёғилиб тургандай. Қаттиқ қаҳ-қаҳа овозлари эшитилмайди-ю, лекин иккаласининг ҳам дили ва юзи ҳаммиша кулгандек бўлиб кўринади, ажойиб табассум уларни безаб туради. Шундай туюладики, уларнинг ҳар бири ўз ҳаётларининг маъно ва мазмунини бир-бирларида, бир-бирларини севишда, бир-бирларига ёрдам беришда, бир-бирига ғамхўрлик, хизмат қилишда ва бир-бирларини ардоқлашда кўрадилар. Энг муҳими шундан иборатки, улар бир-бирларига ҳар нарсадан олдин ажойиб мақсадли катта ҳаёт йўлдоши, самимий дўст деб қарайдилар.

Уларнинг иккаласи ҳам заводда ишлайдилар,— ишчидилар. Уларнинг иккаласи ҳам уй-рўзғор масаласида бир-бирининг ишини енгиллатиш учун бир-бирларидан ошиқадилар, бир-бирлари билан мусобақа ўйнагандек бўладилар.

Дастурхон ёзилса эр хотиндан олдин бориб нон ва пиёлаларни олиб келишга интилади, ё бола ўрnidан туриши билан хотин эрнинг кўзини «шамғалат» қилиб

жигаргўшасини кийинтиришда биринчи бўлишга ҳаракат қилади. Хотин олдинроқ ишга кетадиган бўлса, айниқса шундай пайтларда эр уни қандай йўл билан хурсанд қилиб жўнатишни билмай шошиб қолади, лекин ҳар гал завжасининг — дўстининг пешанасидан ҳамда юзидан майин ўпиб эркалаб, хайрлашишни ва ёш болаларга қарата айтилгандек, «трамвай-машиналарга эҳтиёт бўл, тезроқ кел!», деб огоҳлантиришни эсидан чиқармайди. Пальтосини кийгазиб қўйиш эса у учун оддий ва ёқимли нарса ҳолига айланган.

Хотини ҳам эри-дўстини худди шундай кузатади, худди шундай кутиб олади, баъзан эса эрдан ҳам ошириб юборади. Эри ишга жўнаётганда худди унинг дили ўз еридан чиқиб кетаётганга ўхшайди. Эр ишдан қайтиш вақтида хотин ҳам соғиниш, муҳаббатдан, ҳам ҳурматдан гоҳ у деразадан бу деразага бориб кўчага қарашдан тўхтамайди, гоҳ дўсти йўлига бир неча бор чиқиб ҳам келади. Ҳаёт йўлдоши келиши биланоқ уйга кўёш киргандай бўлади, завжа эса ўзини қайтадан туғилгандай ҳис қилади. Узоқ вақтга кадав ҳол-аҳвол соғлиқ сўрашдан тўхтамайди. Эрининг яхшилиги ва меҳрибонлигига бу ҳам оздек кўринади унга. У гоҳ яхши музика қўйиб беришга, гоҳ эри дилига тўғри келадиган ва уни хурсанд қиладиган янгиликларни айтиб беришга ошиқади.

Энг муҳими ва қизиғи шундан ҳам иборатки, булар ўзларининг юқорида зикр қилинган муносабатлари, ҳаракатлари ва фазилатлари билан ниҳоят даражада хурсанд бўладилар, бу гўзалликдан чексиз завқланадилар. Улар бир-бирларига қилган яхшиликларидан жуда ва жуда лаззатланадилар.

Шуни ҳам уқдириб ўтмоқ лозим.

Асосий гап бу икки шахснинг бир-бирига бўлган гўзал севги ва садоқат муносабати, бундан завқланишларидагина эмас. Энг диққатга ва мақтовга сазовори шундан ҳам иборатки, улар ижодкор Совет жамияти-

га, гулгун Ватанга, ўзида энг олижаноб инсоний фазилатларни мужассамлаштирган ва энг улуғвор ғояларни амалга ошираётган совет кишиларига, давримизнинг ақл-идроки, шон-шуҳрати ва виждони ҳисобланган жонажон партияга чексиз, меҳр-муҳаббат, ва садоқат билан қарайдилар. Улар ўз ҳаётларининг, хатти-ҳаракатларининг маъносини юксак гўзалликни шуларга пок хизмат қилишда, шуларни дилдан ардоқлашда кўрадилар.

Шунинг учун ҳам улар заводда олижаноблик ва гўзаллик намуналарини кўргазадилар, ҳамиша мақтовга сазовор бўлиб юрадилар, Ҳурмат тахтасидан тушмайдилар, ишда брак деган нарсани билмайдилар.

Шунинг учун ҳам уларнинг кўзлари ҳамиша ўз ишхонадагиларнинг чеҳраларида: бу чеҳраларда севинч бўлса, улар шод, агар ғамгинлик аломати кўриниб қолса улар ношод. Ҳол сўрайдилар, ғамдан қутқазмасдан тинчимайдилар, масалан, биронтаси бетоб бўлиб қолса, ҳаммадан олдин унинг уйига бориб хабар оладиганлар, дармон бўладиганлар шулардир.

Шунинг учун ҳам уларни ҳамма севади, ҳамма ҳурмат қилади, уларнинг ҳар томонлама комил гўзалликларидан завқланади, лаззатланади.

Мана ҳақиқий совет оиласи, ажойиб совет аёли, унинг гўзаллиги ва гўзалликдан завқланиши, шу билан яшаши!

Бундайлар бизда миллионлардир!

Баъзилар севги ва садоқатни, мана шу энг гўзал, энг муқаддас ва энг ажойиб ҳиссиётни, мана шу бебаҳо ва ҳар нарсадан зўр, ёқимли фазилатни қандайдир бемаъниликлар билан алмаштирадилар, бўлмағур, ҳатто хунук ҳаракатлар билан топталайдилар, таҳқир қиладилар, кўримсиз ва майда-чуйда нарсалар билан, латта-путталар билан оёқ ости қиладилар. Улар иш ёқмаслик, сатанглик ва олифталikka берилиб, гўзал севги ва вафони, унинг лаззат ва завқини тушунмай-

дилар, топталайдилар, чексиз севган ва шундан беҳад завқланган ажойиб дил эгаларини беҳадр ҳамда бехурмат қиладилар. Натижада уларнинг ҳаётида маъшо бўлмайди, уй потинч, болалар ҳам азиятда.

Мен бир одамни биламан. Ўзи жуда ҳуснли бўлма-са-да, лекин дили ниҳоят даражада гўзал, соф ва олижаноб. Унинг хотинига, болаларига, уйига бўлган севги, садоқат ва меҳрибонлигидан ҳайратда қоласан ва завқланасан, киши... Унинг фикри, хаёли, хатти-ҳаракати биргина нарса билан банд — яхши ва фидокорона ишлаб, жамиятга қўлдан келганича мўл фойда етказиш ва шу билан ўз уйи ва оиласини ҳам фаровон қилиш. Бунинг устига, унинг ўзининг жуда хушмуомалалигини, нозик табиатлилигини, чиройли одоб-тавозеълигини айтмайсизми!

Хотини эса тажанг ва сатанг. Бўлар-бўлмасга унинг лабларидан қочирим ва учирим, киноя ва хафақонлик сўзлари, хуллас бемаъни-беодобликлар буралиб-буралиб чиқиб туради. Гоҳ янги қимматбаҳо кийим ва мода даъвоси билан, гоҳ бевақт томоша ва сайл татаби билан, гоҳ ҳам у, ҳам бу билан эрнинг тинкасини қўрилади, хафа қилади. Шунини одат қилиб олган. Шундан, «Хўп қилдимми, ажаб бўпти», деб лаззат ва завқ ҳам олгандек бўлади. Эр бечора эса, ҳорган, руҳан парчаланган ҳолда яна ишга кетади, аёл эса, эр уйдан чиқишга улгурмасданоқ, қўлга пар ёстиқни олиб, ўзини диванга, уйқу ва роҳат ихтиёрига ташлайди.

Баъзан бундайлар жуда хунук натижаларга, ўта фожиали оқибатларга ҳам олиб келади.

Мана бир аёл бор экан. Унинг учун тўрт фасл бир хил маъносиздай туюлар экан,— у гўзалликни севиш, ардоқлаш, гўзалликдан завқланиш ҳиссиётидан шу даражада маҳрум эдики, уни на илк баҳор бинафшаси, на ажойиб нашъаси, на сахий куз олтин япроқлари, на қирчиллама қишнинг оппоқ қори ва на ажойиб инсоний дил гўзалликлари, фазилатлари қизиқтирар ва мафтун



этар экан. Бинобарин, уйдаги қимматли анжомлар ҳам, ажойиб кийимлари ва безаклари ҳам оддий, ўз-ўзидан топиладиган буюмлар йиғиндисидек туюлар, улар келиши биланоқ бир оз вақт ўтар-ўтмас ўз қимматларини йўқотар, янгиларини тўхтовсиз олдириб келтирар экан.

Шундай бойлик бўлгандан сўнг, шу анжом ва кийимлар каби уларнинг боиси бўлган жафокаш эрнинг ҳам қадр-қиммати йўқдек кўринар экан. Бунинг устига яна ўша мода даъволари, яна ўша бевақт томоша жанжаллари...

Албатта бундай аҳвол, яъни тўқлиги ва тўқликдан келиб чиқадиган бемаъни шўхлик оилага, ҳаммага нотинчлик ҳамда парокандалик олиб келади. Эр куяди, ниҳоят жондан тўяди. Ана шундан кейин ўз айби билан бечора бўлиб қолган аёлнинг аҳволига вой дейдиганлар сони кўпаяди. Бир оз ўтгандан сўнг аёл ўз қилмишларининг жазосига қолиб, дод солади-ю, лекин унинг томонидан тушунилмаган ва қадрланмаган одам ҳам, бахт ҳам, уни ҳамिशаликка тарк этадилар.

Ахир, бундай аҳвол билан, бундай бемаънилик билан ҳақиқий гўзаллик, уни севиш, ардоқлаш, ундан завқланиш орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ.

Яна ўша улуғ Навоийни, унинг Ширинини эсга олайлик. Ўзларингизга маълум бўлса керак, Фарҳод ажойиб меҳнатсевар ва адолатпарвар, тинчликсевар ва инсонпарвар, олим ва фозил бўлган, беҳад ва самимий севувчи ва вафодор ёр бўлган. Ширин ҳам шу даражада олижаноб шахс бўлганки, Фарҳоддаги шу гўзалликлар учун уни чексиз севиб қолади, унга мафтун бўлади, шундан завқланади ва ҳаётнинг маъносини шунда кўради. Мана, Фарҳод ҳийла-ю найранг йўли билан душман қўлига туширилгандан сўнг тутқинликда жуда оғир аҳволда қолганида Шириннинг унга ёзган мактубининг гўзал дил, беҳад меҳрибонлик, чуқур севги ва чексиз вафодорлик ҳиссиётлари ифодаланган

қуйидаги сатрларини яхшилаб ўқиб кўринг. Уларда дунё бор:

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,  
Висолим давлатидин бенасибим?  
Чекардин ғам тоғин ҳолинг нечукдир,  
Бу юкдин жисми чун нолинг нечукдур.  
Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,  
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша,  
Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,  
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.  
Тикон кирса кафингга кийнасидин,  
Чиқорсам эрди киприк игнасидин.  
Аёғ сунсанг бўлиб ғамдин харошинг,  
Мудом ўлса эди қўйнулда бошинг.  
Кўриб хору хас ўрнингда, ниҳоний —  
Сочим бирла супурсам эрди они.  
Чу билсам гарддин кўнглингда қайғу,  
Ер узра ашқдин сепсам эди сув.  
Дамодам айлабон ҳамдамлигингни,  
Кеча-кундуз қилиб маҳрамлигингни.  
Тунунгда шамъи мажлис бўлсам эрди,  
Кун ўлса ёру мунис бўлсам эрди.  
Чу айлабтур сипеҳри тез рафтор,  
Сени бир ён, мени бир ён гирифтор.  
Демон мендин сенинг дардинг эзур кам.  
Сенинг ҳам куптурур дардинг, менинг ҳам.  
Вале юз мунча меҳнат бўлса эрди,  
Не юз, минг мунча шиддат бўлса эрди,  
Сени кўрсам эди ногоҳ-ногоҳ,  
Ғамим йўқ эрди биллоҳ, сумма биллоҳ.  
Ҳаётим васлинг уммид иландур,  
Уммид ул раҳмати жовид иландур.  
Агар ҳажрингга юз йил ғуссакашмен,  
Агар васлинг умиди бўлса хушмен.

Энди ўзларингиз мана шу Ширин билан юқоридаги ножўя ҳиссиёт-у, ҳаракатларга берилганларни таққос-лаб кўрингчи.

Энг муҳими: шуни ҳам яхши билиш лозимки, совет одамларининг, жумладан аёлларнинг севги ва садоқати яна ҳам зўр, яна ҳам кенг маъно ва кўламлидир. Улар ҳар масалада, ҳаётнинг ҳар соҳасида бўлганидек,

бунда ҳам тарихда мисли кўрилмаган даражада, энг юксак руҳда, энг олижаноб мақсад руҳида тарбиялангандирлар. Шунинг учун ҳам улар умум илғор инсониятнинг энг олий идеали бўлган коммунизм жамиятини барпо этмоқдалар, яъни энг юксак гўзалликни яратмоқдалар ва шу билан беҳад завқланмоқдалар.

Ҳар бир аёлнинг муқаддас бурчи — шулардан орқада қолмасликда, шулар қаторида бўлишда.

Қатта гўзаллик ва ажойиб завқ мана шунда!

Хуллас, улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чеховнинг қуйидаги сўзлари том ҳақиқатдир:

«Инсоннинг ҳамма ери — юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши керак».

1.X.60

### КЕЛИН КЕЛДИ

Оилага янги аъзо келди. Бошқа бир оиланинг сеvimли фарзанди сизнинг хонадонингизга фарзанд бўлиб келди, қиз бўлиб келди. Халқимизда яхши удум бор: хонадонга келин тушдими, уни олам-олам сеvinч билан, очиқ чеҳра, ширин сўз билан кутиб олишади, бисотларидаги энг яхши сўзлари билан уни меҳрибон ота-онадек, туғишганларидек эъозлашади, ғамхўрлик қилишади. Унга дил тўрини беришади. Одинги киндик қони тўкилган уйини, ота-онасини, ака-укаларини, опа-сингилларини тарк этиб, янги хонадонга келганида юраги увишади келиннинг. Лекин биз айтмоқчи тахлитда кутиб олингач, янги хонадондагиларнинг ғамхўру меҳрибонликларини ҳис этгач, дастлабки хавотирлик ва юрак ғашлиги ёзилиб, кўнгли очилади, оиласига, хонадонига яхши ўрганиб меҳр қўяди. Чиройли ҳаёт ва чиройли келажак яратилаверади.

Буларнинг тафсиллиги ўтишда олдин қуйидаги икки нарсани айтиб олай. Биринчиси: яқинда бир йиллик келин ва оила ҳаётининг бошқалар айби билан барбод бўлиб, оғир фожиа юз берганлигини эшитдим. Шундан кейин мазкур номани ёзишга азми қарор қилдим. Шояд бошқа фожиалар олдини олишга салгина бўлса-да ёрдам берса.

Иккинчиси: мен бу гал жамиятимизда онда-сонда учрайдиган танбал ва тажанг, суллоҳ ва сатанг келинлар ҳақида сўзламайман. Номада гап аёлларимизнинг аксариятини ташкил этган, энг ажиб, нажиб ва гўзал фазилатларга эга бўлиб, бахтиёр халқимизнинг кўрки ва беағи ҳисобланган бахтиёр келинларимизнинг баъзиларининг тақдирлари ҳақида, тўғрироқ айтганда — тақдирларнинг баъзи томонлари тўғрисида кетади. «Бошқалар» деганимда ҳам ўша келинлар атрофидаги одамларнинг баъзилари — характери ҳам ҳаракати манфий, қусурли бўлганларигина кўзда тутилади.

...Қадимий ва ҳикматли Шарқимиз шаҳарларидан бирига борганимизда бир гуруҳ машҳур маданият ва давлат арбоблари билан бўлган суҳбатда, бошқа масалалар қатори, хулқ ва ҳуқуқ қонун-қоидалари ҳақида ҳам сўз кетди. Шунда келин ва у билан алоқадор бўлган бошқа одамлар муносабати мавзу диққат марказида турганлардан бири бўлди. Ҳамсуҳбатларимиздан бири — оипоқ соқолли ва кенг пешанали, камтар ва камгап, салобатли ва нуроний, юзларида катта машаққатли ҳаёт аломатлари, оғир кураш излари кўришиб турган, дунёга шуҳрати кетган улкан файласуф ёзувчи эди. У гарчи суҳбатда ҳам камсуханлик намунасини кўргазган бўлса-да, лекин сўз «келин ва бошқалар...»га келганда гоят жиддий тусда ва севинч ҳамда виқор туйғуларига тўлган ҳолда анчагина гапирди. Жумладан айтди:

...Мана бизнинг осмондаги ўта сахий Шарқ офтоби. Унинг диёримиз ва ҳаётимиздаги роли шу қадар

муҳим ҳамда зўрки, узоқ мозийда аجدодларимиз унга ҳатто илоҳ деб қараган ва шундай ном берганлар. Ана шу ҳозир кундуз сафаридан ҳориб ботди. У билан бирга ёғду ва ёруғлик ҳам кетди, бинобарин, ҳаётбахшлик ва гўзаллик ҳам. Шукурки, эртагача... Эрталаб ҳув ана у юксак тоғ оралиқларидан кулиб чиққанида ва сепини беқиёс ифбат ҳамда чексиз сахийлик билан ёя бошлаганида олам яна гулистон. Бутун мавжудот зиё ва зардан либос кияди, безанади, ва ҳаёт ва гўзаллик бошланади. Яна жужуқлар чуғур-чуғури ва қушлар навоси бошланади, нафосату назокатдан иборат бўлган чечаклар очилади, турган-битгани малоҳатдан ташкил топган капалаклар гул атрофида парвона бўлади. Худди келин ва келин келиши ҳам шундай. Миллион-миллион гўзаллик шайдоларининг уйида шундай. Шунинг учун у уйларнинг ҳар бирини мен «хонаи хуршид» деб атайман...

Бу ажойиб ҳикматли сўзлар мени жуда кўп ўй-фикр қаърига ташлаган эди. Улар ҳамон ёдимда. Айниқса ҳозир бутун теранлиги билан жаранглади улар.

Ҳа, аслини олганда ҳам янги оила қуриш катта социал масала. Мен ҳам келинни қуёшга қиёс қилгим келади. Зотан, оилага янги келин келиши — офтоб чиқиши демакдир, хонадонга битмас-туганмас севинч ва қут келиши демакдир, нур ва ҳаёт тўла янги олам келди демакдир, янги авлод муқаддимаси ҳам демакдир.

Ҳа, келин ва келин келишнинг гоят чуқур маъноси, сир-асрори ва улкан фазилатлари ҳамда оқибатлари бор. Аввало, мана, ўшал ҳикматли Шарқ Навоййиси таъбири ва тасвирича, не эзгу орзу ва беҳад сафоли ниятлар билан яшайди севган-севилган ва келин бўладиган қиз:

...Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,  
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

Қуёш янглиғ бўлиб кундуз қарининг  
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.

Тикон кирса кафтингға кийнаседин,  
Чиқарсам эрди киприк игнаседин...

Чу билсам гарддин кўнглингда қайғу,  
Ер узра ашқдин сепсам эди сув...

Тилар бўлсанг юзунг кўрмакка кўзгу,  
Юзум юзунгга тутсам эрди утру...

Дамодам айлабон ҳамдамлигингни,  
Кеча-кундуз қилиб маҳрамлигингни.

Тунуингда шамъи мажлис бўлсам эрди,  
Ку ўлса, ёру мунис бўлсам эрди.

Шу бениҳоя ажойиб ва ҳаётбахш интилишлар, шу ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган гўзал ўйлар мужассамига айланган ҳолда келади келин эр уйига!

Шуни эр чуқур тушуна ва қадрлай олармикин, шунга сазовор эътибор ва садоқат кўргаза олармикан?! Ўнгитлик номига ярашадиган ҳолда меҳрибон ва ғамхўр, ҳамдаст ва ҳамкор, эъзозли ва эҳтиромли бўлармикан?! Бу — узак масала! Бахт, осудалик ва одамийликнинг калити мана шунда!

Гап эрдагина эмас. Келин келган ўзга оиладагина эмас. Келин олдида уй, эр, юмуш ва корхона иши бор, одамларнинг синов ва ҳасад кўзи бор, таъна ва таъқиби бор. Буларнинг барининг устига, аксар уйларда қайнана, қайната, қайсингил ва қайнилари бор, яна қайн томонидаги амакилар, тоғалар, жиянлар бор, яна қандайдир қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, келдикетдилар бор. Буларнинг ҳар бирининг ўзига хос тили, талаби ва дили бор, характери, «ҳунар»и ва «хизмат»и бор. Эҳ-ҳе, яна нимасини айтай! Буларнинг барчаси яқиндагина келган ёки ҳамон тушунолмаётган саросимада бўлган битта келинни қуршаб олган. Бунинг устига, уларнинг бариси яхши ва инсофли бўлса майли-я, лекин уларнинг орасида бемаза ва беўхшовлари, озорли-

лари, бири ундай, бири бундай дейдиганлари йўқ эмас ёки оз эмас. Ўзлари совуқ сув ичиб, тишлари зирқираб қолса, унга қовоқ солиб қарайдиган, ёмон туш кўриб, нотинчланса, унга кўз олайтирадиган қайнаталар, кинначи тезроқ келмаса ё тунда дайди шамол тегиб, беллари оғриб қолса, унга заҳарханда қиладиган, ҳатто қўшни томида мушук мовиллайверса, ундан кўрадиган қайнаналар йўқми?! Бир вақтнинг ўзида ош пиширмади, кир юлмади, ҳовли супурмади, бозор қилмади, ёки бола йиғисини тўхтатмади, ош тузини паст қилибди ва ҳоказо деб валдирадиганлар йўқ эмас. Онамларникига бориб келай деса, ё бирон яқин дугонаси келиб узоқроқ сирлашиб-сўзлашиб қолишса борми, яна гап қоп-қоп, қулоқларни қаттиқ ёп, тинчлигингни Тўйтепадан топ... Мазкур гапчи оғзи катталар уйда ўлтирган вақтларида идора хизматидан, ё заводдаги меҳнатдан ёки дарсдан чиқиб уйга келингандан кейин ўшалардан эшитиладиган бундай аччиқ таъналар айниқса жуда алам қилади...

Асосий масала мана шунда, баъзи ерларда учраб турадиган мана шу иллатларда — мана шу заҳаромиз таъналарда, мана шу ёт ва номеҳрибон «бошқалар...»-да! Уларга қарата ҳам қатъий, ҳам илтимос ва илтижо тарзда айтгинг келади:

— Ҳой шундай «бошқа» одамлар! Меҳрибон эр ва қайнлар деб, саранжом уй, роҳатбахш меҳнат, яхши ҳаёт, гўзал авлод, эъзоз ва ҳурмат деб келган у ажойиб келиннинг нима гуноҳи бор?! Биргина унинг ўзининг бошига шунчामी?! Ахир, унга ҳар масалада мадакдор ва меҳрибон бўлинса, чунончи, кирга қараша қолишса ва тузи пастга озгинагина керагини ташлай қолинса, нима бўлади?!

Ахир, у — инсон! Инсон бўлгандаям малаксимон навқирон. У, ҳақиқий инсонийлик ва ажойиб орзуларга, чиройли фазилатларга тўла бўлганлиги устига, яна: умрининг неча-неча йилини бирга ўтказган ва беҳад

севган ота-онасини, уйини, жигарларинигина эмас, маълум маънода ҳатто эркининг бир чеккасини қолдириб келди бу бошқа даргоҳга. Сиз ҳурмат ва хурсанд қилганингизда унинг юзи гулдай очилишига, тўғри ва меҳрибонларча ўғит берганингизда онг ва одоб билан «хўп» деб туришига ё бир ишни буюрганингизда «лаббай» деб қушдай учишига ва уйингизнинг файзга тўлишига қаранг! Нақадар яхши ва гўзал-а!

Қайси бири яхши: буми, ёки келинни таъна, ташвиш ва ранжишга дучор қилиб, ҳам унинг, ҳам умуман оиланинг бахти ва осудалиги илдизларини қирқишми?! Ҳа, қай бири яхши: келин қуёш янглиғлиғича, у келган уй хонаи хуршидлиғича қолишими, ё бахти қаро бўлишими?!!

Яна ахир, унинг ўзининг не-не эзгу орзулар билан нафас олганлиги устига, ота ва онаси олами-чи?! Уларнинг ўз қизлари каби ўн саккиз ёшга кирган, йўқ, ҳали қиз туғилмасдан олдин ўша фарзандга боғланган ва шунча йиллар давомида ардоқлаган ажойиб умид-орзулари ҳам парчаланмасин, ахир! Ҳа, улар узоқ вақтлар мобайнида ўз бошларидан нималарини кечирмади, қандай ширин тилаклар билан яшамадилар! Жигаргўшанинг биринчи овозини эшитганда ва биринчи табассумини кўрганда, биринчи «ая», «дада» деганида, биринчи қадам ташлаганида уларнинг кўзларидан оққан севинч ёшларининг шавқи-завқини биласизми?! Ахир, бундай кўз ёши энг катта бахт-саодат ва шодлик нишони, ифодаси бўлади. Ун саккиз ё бундан кўпроқ йил мобайнида уни кўз қорачиғидай асрашди, кўндан-кўп машаққат ҳамда ташвишларни кўриб ва бартираф қилиб, уни катта қилишди, кун сайин бўйини ўлчаб, рангига қараб, сочини тараб, бахт тилашди, ўзларининг бахтларини ҳам шунда кўришди... Ҳа, осудалик ва яхшилик тилашди, юксак одобли ва барчага фойдали. бўлишини тилашди, севимли Ватанга, ажойиб халққа, оилага, оиладаги катта-кичикларга меҳрибон кўмак-



дош бўлиб вояга етишини тилашди. Шунга пнтилишди. Эҳ-ҳе, яна нималарни тилашмади, нималарни орзу қилишмади! Шу руҳда тарбия қилиб, катта қилиб, балогатга етказиб, ўқитиб, ўргатиб, яъни тайёр қилиб, қўлларингизга нкки қўллаб олиб келиб топширишди... Қаранг-а, нақадар олижаноб ва улугвор, саҳоватли, сабоҳатли ва савобли, ҳар қандай миннатдорчилик ва эъзозлашга, эҳтиромга арзийдиган иш бу!

Шуни тушунмаганларга хайф! Етар энди бу ҳақда.

Ниҳоят, бир нарсани эслатиб қўяй: Ҳамза «Бой ила хизматчи»сидаги зуғумкор Ҳожи она ва бадкор Хонзодалар даври аллақачонлар ўтиб кетган. Ахир, ҳозир тубдан бошқа замон! Миллион-миллион озод совет хотин-қизлари эраклар билан бирга ўз тақдирларининггина эмас, бутун давлатнинг, бутун мамлакатнинг, бутун еру кўкнинг хўжасидирлар, ўз жонажон партия ва ҳукуматининг бутун қудрати ва қонунлари, очиғини айтавераман,— суди, адлияси ва ҳатто авахталари ҳам уларнинг озодлиги, қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган. Мамлакатдаги барча бойликлар, китоб ва фабрикалар, университет ва клублар, пахта ва конлар, шифохона ва санъат кошоналари, ҳаммаси уларнинг бахт-саодатлари, осуда нафас олиш ва ижтимоий-фойдали меҳнат қилишлари хизматига қўйилган, шу мақсадга бўйсундирилган. Улар буни биладилар, қадрига етадилар. Шунинг учун ҳам ўша бойликларни кўпайтиришда, Ватани ва ҳаётини янада гўзаллаштиришда мўъжизалар яратмоқдалар. Уларнинг ўзаро муносабатлари ва оилаларининг гўзаллиги ҳам таърифга сигмас даражададир.

Аммо сиз «бошқалар»чи?.. Сизларга қарата бутун қатъияти ва жиддияти билан айтамиз: мана шу юқоридаги мулоҳазалар, «ахир...»лар устида чуқурроқ ўйлаб, тегишли хулосалар чиқаринг. Акс ҳолда уйингизда на бахтиёр келин бўлади, на зиё ва файз бўлади. Келин улуг зотдир, янги баҳодир ва бахтиёр авлодлар сил-

силаси худди ундан — келиндан бошланади. Ҳа, ундан бошланади навбатдаги ҳаёт... Янги саодат ва севинчлар, олим ва бастакорлар, мўъжизакор ишчи ва чўлқуварлар, боғбон ва жангчилар боискоридир у!.. Умуман уй, дил ва келажак беагидир у! У бўлган уй ҳақиқатан ҳам хонаи хуршиддир. Уни ҳар қанча ардоқлаб эъзозласанг ҳам арзийди.

Лекин, азиза келин, сен ҳам бундан ўзингни йўқотиб қўйма, яхши йўлингдан қайтма, сени ардоқлайдиганларни ардоқла. Бунда гап кўп, қолаверса, маълум маънода ҳамма гап шунда ҳамдир.

### 13.VIII.74.

#### ГРУЗИЯ БАҲОРИ ВА ГУЛЛАРИ

Камина катта-кичиклар адабиётига онд масалалар муносабати билан Шота Руставели ўлкасига борди. Нақ май ойи баҳори. Барча бошқа совет республикалари каби, совет Грузияси шу қадар кўркам ва гўзалки, худди бир ажойиб гулдастага, ҳа, худди ҳайратомиз бир гулдастага ўхшайди. Бу гулдастада айниқса жажжи болаларнинг ҳусни ва ўрни бошқача. Улар гулгун Грузиянинг энг бебаҳо ва беқиёс бойлигидирлар. Бу кичкинтойлар ҳақиқатан ҳам ифода қилиб бўлмайдиган даражада ажиб ва нажибдирлар.

...Биз Тбилисида. Бутун бор сепини ёйган ва кўз-кўз қилган етуқ баҳорнинг эрта тонгги. Тун бўйи аста шивалаб ёққан ёмғир тўхтаган,— кўкатларни ювинтириб, ҳавони янада қуюқлаштириб, тозалаб, орамбахш қилиб, умуман, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб юборган. Азим дарахтлар, гўзал гуллар яқинда осмонга кўтарилиб сайр эта бошлаган қуёшни майин шабада оғушида қанот қоқиб қутлаш ва қарши олишни давом эттирарди.

Шундай пайтда меҳмонхона балконида шаҳарга қараб баҳра олаётганимда тўғримдаги кўча йўлкасидан бир қанча хушчақчақ кичкинтой қизалоқ ва ўғил болалар мураббийлари етакчилигида, ўз боғчаларидан бўлса керак, қаёққадир саф билан ўтиб кетаётганларини кўрдим. Уларнинг ҳар бири баҳорга монанд ҳолда қўғирчоқдай кийинган ва ўзича ҳамда ўз бахтига ғоят шодон, ўз тилларида ҳамда ўзларига хос йўсинда чуғур-чуғур қилиб, нималарнидир сўзлаб пилдирардилар. Улар шу даражада жажжи ва гўзалдирларки, бир вақтлар одам хаёли фаришталарни ўйлаб чиқараётганида шундайлардан андоза олган бўлса керак дегандай бўласан, киши. Уларни жуда ҳавасланиб кузатарканман, кеча тунда гуржи фольклори намуналаридан ўқиганларим ёдимга келди.

Эй, ваҳший калхат! Калхат! Қоч, ёвуз!—  
Дея болалар қаттиқ қичқирди.  
Бундан жуда ҳам кўрқиб у олғир  
Чангалидан жўжани қутқарди.

Яна бири:

Ойи, билас-ми, қаерда эдим ҳозир мен!..  
Далада куён излаб тутволдим.  
Сўнг у билан қувлашиб, ҳеч қўймай  
Уйнадим-да, кейин қўйвордим.

Яна бири:

Тоғу тепаларни ясантирар  
Боҳорда қип-қизил лолалар.  
Бутунлай «беш» баҳолари билан  
Она ҳаётини безар болалар.

Бу сатрларнинг ҳар бири кичкинтойларнинг ўзларига ўхшаш жуда жажжи, бежирим, сермазмун!

Мана буниси ёзма адабиётдан — гуржи адиби Э. Ахвледианинг қаламига мансубдир, у «Танбал сичқонча тарихи» деб аталади. Баъзилар учун ибратлидир. Ахир ҳамма ҳам бирдек эмас-ку!

«Тонг отди. Сичқонча уйқудан уйғониб керишиб ол-

ди ва ўзича ширин хаёл суриб орзу қила бошлади: «Ҳозир тураман, ювинаман, нонушта қиламан, сўнгра овга боришга тайёрлана бошлайман...» Сичқонча иккинчи томонига айланиб ётиб олди ва хаёл суришда давом этди: «Овга боришга тайёрланиб бўлганимдан кейин уямдан бош чиқараман ва атрофга қараб боқаман...»

Сичқонча учинчи томонига ағдарилиб ётиб олди ва хаёл суришда давом этди: «Атрофга қараб боқаман, ташқарига чиқаман ва ҳеч қўрқмасдан тўппа-тўғри омборга ташланаман...» Сичқонча тўртинчи томонига ағдарилиб ётиб олди ва хаёл сура бошлади: «Ҳеч қўрқмасдан тўппа-тўғри омборга ташланаман ва қопқонни кўриб қоламан...»

Ширин хаёл суриб турган сичқончамизни қопқон қурмагур бир оз ўйлатиб кўйди. Энди, сичқонча ўйлаб турсин-да, биз ҳам фикр юритиб кўрайлик-чи: нега сичқончада ағдарилиб ётиш томонлари шунча кўп?

Чунки у ишەқмасдир. Сичқонми ё мушукми, мушукми ё қучукми, ким бўлмасин, тапбалик қилса, унинг биридан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ҳоказо ағдарилиб ётадиган ёнлари кўп бўлади. Масалан, бир ишەқмас болада шунча ёнлари бор эканки, уларни шу вақтга қадар ҳисоблайвериш сонига етолмаётир...

Сичқонча бешинчи ёнига ағдарилиб олди-да, хаёл суришда давом этди: «Қопқонни кўриб унинг ёнидан секингина, қопқон сезмайдиган қилиб ўтиб кетаман. Агар у сезиб қолса, ишнинг пачаваси чиқади. Вақт ўтгандан кейин эса, қопқоннинг аччиғи чиқиб кетади. Қопқоннинг аччиғи чиққандан кейин ўзи билан ўзи овозра бўлиб қолади, шунда мен узоққа кетиб қолган бўламан, бинобарин, қопқон мени тутолмай қолади. Ахир тутадигани бўлмаганидан кейин қопқон бекилади-ю, ўзини-ўзи тутати қолади, вассалом...»

Сичқонча ўз хаёлидаги бу «воқеа»лар билан шу қадар маҳлиё бўлиб қолдики, натижада олтинчи ёнини

қолдириб, бешинчи ёнидан тўппа-тўғри еттинчи ёнига ётиб олди: «Қопқон шовқин солиб бекилса, мушук уйғониб қолади-ку...»

Эсига мушук тушиши биланоқ сичқончамиз шу қадар қўрқиб кетдики, бирдан еттинчидан бешинчи ёнига ағдарилиб ётиб олди. Сичқонча қўрқувдан ҳамон титраётган оёқларини маҳкам тутиш учун кўп уринди, ниҳоят бир амаллаб бунга эришди, тинчиди ва энди олтинчи ёнига ёта бошлаб, деди: «Йўқ, мушук уйғониб қолмайди, ахир мушуклар кўпинча уйғоқ бўлиб юришни эмас, аксинча, ётиб ухлашни яхши кўрадилар. Бунинг устига, мен ахир орзу қиляпман, бинобарин, мен орзу қилганимдан кейин мушук уйғонмайди-да?!».

Сичқонча саккизинчи ёнига ётиб олиб, хаёл сура бошлади: «Демак, мушук уйғониб қолмайди ва мен омборнинг қоронғи бурчагида қотиб қолган оппоқ сузмани кўраман,— уни кеча менинг қаҳрамон қўшним Чийилдоқ кўрган экан».

Сичқонча тўққизинчи ёнига ётиб олди ва яна хаёл суришда давом этди: «Қотиб қолган оппоқ сузмани кўраман ва унга аста яқинлашиб бораман».

Эринчоқ сичқонча энди ўнинчи ёнига айланиб ётиб олди ва ўйлаб кетди: «Агар у сузма кеча ўша ерда турган бўлса, табиийки, бугун ҳам ўша ерда турибди, агар бугун ўша ерда турган бўлса, албатта, эртага ҳам ўша ерда бўлади...»

Сичқонча, ниҳоят, бемалол ўн биринчи ёнига ағдарилиб ётиб олдида, уйқуга кетди.

Бир уйғониб қараса, ҳамма ёқ қоп-қоронғи ва «тун экан», дея яна ухлай бошлади. Яна уйғонди ва «ҳали ҳам тонг отмабди-ю» деди-да, яна уйқуга кетди.

Анча вақт ўтди ва охирда ялқов сичқонча тушундики, бу ваҳимали зим-зиё қоронғилик, афсус, тун эмас, аксинча, унинг уяси оғзини кимдир боплаб ёпиб кетибди.

Ҳозир мен ўзим ҳам билмайман — сичқонча ухлаяп-

тими, йўқми. Уйлайманки, энди сичқончанинг ўзи ҳам, ухлаяптими, йўқми, била олмаса керак».

Чиндан-да жуда чиройли ҳикояча! Дўстларимиз диёрдан ўзбек болаларимга олиб келган совғам шу!

Шу ерда, сўзаро бўлса-да ,бу масалсимон ҳикоядан зарурий ҳамда мантиқий келиб чиқадиган яқун қуйидагича бўлишлигини ҳам айтиб ўтайлик: ишёқмаслик, эринчоқлик, хомхаёллик, бугун қилиш мумкин бўлган ишни эртага қолдиришлик, ўзбилармонлик, маҳмадоналик жуда ёмон нарса, охирида ўта кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши турган гап. Бундай иллатлардан албатта қочиш лозим.

Юқоридаги мадҳ этилган ва Гуржистоннинг янада порлоқ келажагига мансуб бўлган болалар гуруҳида бундайлар —«кўп ёнли»лар йўқ бўлса керак... Ҳа, йўқ!

...Ҳақиқатан ҳам баҳор фаслидаги Тбилиси оқшоми ва туни мўъжизавий, эртақлардагидек гўзал. Ўта муаттар ҳаво билан апоқ-чапоқ бўлиб ва ўсимлиг-у, одамларга ором бериб аста эсаётган майин шабада кишига роҳат бахш этади. Бутун шаҳарни қоқ иккига бўлиб, қудратли, савлати, иффати ва чиройини кўз-кўз қилиб, осмондаги ой ва атрофдаги чироқларни ўз сийнасида ўйнатаётган ва эркалатаётгандай бўлиб суқсур Қура дарёси сокин оқмоқда. У шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Айниқса, чироқлар... чироқлар... улар ўша болаларни ҳам эслатади...

Бир вақтлар шоиримиз Абдулла Алавий «Тифлис» деган шеърида (1928 й) пойтахт безаги ҳисобланган ва халқ бахти порлоқлигининг рамзи бўлган бу чироқлар ҳақида ўзининг ва ўз халқининг севинчи ҳамда мафтунлигини ифодалаб ёзган эди:

...Оқшом қоронғиси  
Қора бахмал каби  
Юмшоқ...  
Бу чоқ  
Тоғ тепасига чиқ-да,

Тифлисга боқ:  
Унгу сўл,  
ҳар ёқ  
Ўт денгизи каби  
Чироқ!

Чироқ!  
Чироқ!  
Чироқлар;  
Кўкнинг юлдузларидай  
Ялтираб кўринар.  
Чироқлар;  
Гуржи қизларининг  
Фусункор кўзларидай  
Дилбар...

Чироқлар;  
Буюк инқилобнинг  
Эрка қизлари,  
Ҳар бирининг танинда  
Ўтдан кўйлак;  
Белинда  
Нурдан камар...  
Кўзларига нур сочиб  
Кўринар истиқбол...

Бу ажойиб сатрларга қирқ беш йилча бўлди. Қардошлик ва гўзаллик ҳиссиётининг оташин куйчиси бўлган ёш ўзбек ёзувчиси Тбилисидаги янада ёрқин ва сонсиз-саноқсиз чироқларни, умуман, дўст-биродарларимиз диёридаги кулиб турган бахт-саодатни энди кўрса, яна нималар ёзган бўларди севинчидан!..

1974

## МУНДАРИЖА

Улуғ шоир фожианомаси . . . . .	7
Мужрим Обиднинг кўз ёшлари . . . . .	16
Ҳамма гап меҳнатда : . . . . .	25
Билим машъали билан хурофотни ёндир . . . . .	37
Ҳам илтимос, ҳам илтижо . . . . .	45
Истиқболнинг порлоқ азизим . . . . .	54
Ленин шарқ халқлари билан дўстлик ҳақида . . . . .	62
Она ва фарзанд . . . . .	68
Ёшлигим — бойлигим . . . . .	71
Дўстлик ва тинчлик истаймиз, чунки... . . . .	79
Дўстимнинг қизи . . . . .	86
Гўзалликни куйлайлик . . . . .	91
Бебаҳони қадрламоқ лозим . . . . .	108
Эстетик завқ ва аёлларимиз . . . . .	115
Келин келди . . . . .	131
Грузия баҳори ва гуллари . . . . .	138

На узбекском языке

ЗАХИДОВ ВАХИД

КРАСА МИРА — ЧЕПОВЕЦ

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1976

Редактор С. Юнусов  
Расом А. Камбаров  
Расмлар редактори К. Алиев  
Техн. редактор А. Альберт  
Корректор Ш. Шомарова

Босмахонага берилди 12/XII-1975 й. Босишга рухсат этилди 12/III-1976 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 4,5. Шартли босма листи 6,3. Нашр. листи 6,43. Тиражи 15.000. Р—11120. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси 30. Шартнома № 95—75. Баҳоси 28 т. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. «Правда Востока» кўчаси 26. Заказ № 4011.